

**АФЛОТУН**

# **ПАРМЕНИД**

Русчадан Абу Муслим таржимаси

## ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИДАГИ УЙҒУНЛИК ОМИЛЛАРИ

Ҳозирги даврга қадар Шарқ ва Ғарб фалсафаси ўзига хос мулоқот маҳсули сифатида намоён бўлган. X-XI асрлардаги араб тилидаги фалсафанинг шаклланиши бевосита қадимги дунё фалсафаси, аввало Арасту ва Афлотун қарашлари таъсирида юз берган. Шунинг учун ҳам фалсафий адабиётларда “Шарқ перипатетизми” истилоҳига алоҳида эътибор қаратилади. Шарқ перипатетизми вакиллари қаторига Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ибн Туфайл ва Ибн Рушд каби файласуфларни киритиш мумкин. Айнан шу файласуфларнинг яратган буюк асарлари орқали ўрта асрлардаги Европа фалсафий тафаккури ўзининг ривожланиш даврини бошлаган. Бу тарихий далиллардан келиб чиққан ҳолда Шарқ ва Ғарб фалсафасини илдизлари бир экан деб хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки Шарқ ва Ғарб фалсафаси ўзининг тушунчалар олами, муаммоларни таҳлил қилишдаги тафаккур тарзи, уларни ечиш усулларини топишдаги фалсафий тафаккурнинг бир бутун жиҳати ва хусусияти нуқтаи назаридан бир-бирларидан жиддий фарқ қилган. Бу эса кўпгина Шарқ хусусан ислом фалсафаси вакилларига Ғарб фалсафий тафаккурини танқидий ўрганишга имкон берган. Жумладан, Форобий ўзининг фалсафий қарашларида Афлотун ва Арасту ҳамда юнон фалсафасини ислом фалсафаси нуқтаи-назардан таҳлил қилган. Айни шу маънода, Форобийни Афлотун ва Арастудан кам бўлмаган фалсафий таълимотга ҳам асос солган биринчи мусулмон файласуфи десак янглишмаган бўламиз.

Шу ўринда бир қизик факт ўша пайтда Афлотуннинг «ат-Тосуёт» номли китоби таржима қилиниб у Арастунинг китоби деб нотўғри талқин қилинган эди. Аслида эса арабчада «Рубубият» номи билан машҳур бўлган бу китобни ўқиган Форобий унда икки буюк файласуфлар қарашларида умумийлик акс эттирилган бўлсада бу асар айнан Афлотунга тегишли эканлигини исботлаган. Шу билан бирга, бу икки шахснинг фикрлари бир-бирига зид бўлишини инсон тафаккурига хос хусусият деб билган. Унинг «Ал-Жамъу байна раъй ал-Ҳакимайни Афлотун ал-Илоҳий ва Арастутолис»—«Икки ҳақим—

Афлотун илоҳий ва Арастуларнинг фикрларини жамлаш» деб аталган китобида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Ақл масаласида Арасту унинг фаол ва фаолиятсиз қисмларини бири-биридан фарқ қилишини исботлашга ҳаракат қилган. Ана шу жиҳатдан Арастунинг рисолалари Афлотуннинг диалогларидан фарқ қилган. Афлотунда ҳақиқатни англаш, ўз-ўзини билиш, шунингдек яхлитликни ўрганиш ҳам, суҳбат қуриш асосида амалга оширилиши таъкидланган. Арасту асарларида баҳс юритиш унсурлари жонли баҳс сифатида эмас, балки илмий талқин сифатида илгари сурилган. Арасту асарларидаги айни шу ёндашув ўрта аср университетларида ва Шарқ мамлакатларида бу алломани қарашлари ғоят даражада машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлган десак хато қилмаган бўламиз. Айниқса, Арастунинг мантиққа оид асарларининг таржима қилиниши Бағдод зиёлилари тафаккур тарзининг бутунлай ўзгаришига олиб келган.

Ўша даврдаги араб-мусулмон доиралар диққат марказида айнан Арасту фалсафаси турган. Бироқ, уни ўша даврда мусулмон дунёсида ўзлаштириш шундай хусусиятга эга эдики, унинг асарлари билан танишиш кейинги давр арастучилари ва янги афлотунча қарашларни ривожланишига замин яратган, масалан, Александр Афродизий, Фемистий, Порфирий ва бошқалар ижоди шулар жумласидандир. Бу даврда бир қанча уйдирма асарлар ҳам кенг тарқалган, улардан энг муҳими “Арасту илоҳиёти” деб аталган. Аслида эса ушбу асар Плотиннинг “Эннеадлар” асарининг бир неча боблари бўлган халос.

Ислом фалсафаси асосчиси Абу Нарс Форобий биринчилардан бўлиб мусулмон дунёсида Афлотун фалсафасининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган. Ўз даврида Форобий Афлотунни “машҳур ҳаким”, деб ҳам атаган. Созд Андалузий ўзининг “Табоқот ул-умам” асарида Форобийнинг Афлотун ва Арасту асарларини моҳирона шарҳ қилганлигини алоҳида қайд этади. Шу ўринда ислом фалсафаси айниқса Шарқ перипатетиклари қарашларига жиддий таъсир кўрсатган буюк файласуф Афлотуннинг ҳаёти ва ижодига алоҳида тўхталиб ўтсак.

Афлотун мил.авв. 427-347 яшаб ижод этган қадимги юнон файласуфи, олим ва сиёсатшунос ҳисобланади. Шарқда «Афлотун» номи билан машҳур бўлган бу файласуф Афинада таваллуд топган. Афлотун ўзидан кейин метафизика,

эпистемология, этика, эстетика, сиёсат, таълим, фалсафа ва математикага оид юздан зиёд асарларни ёзиб қолдирган. У ўзини Сукрот, Архимед ва Пифагорларнинг шогирди деб билган. Сукрот унга "Платон" (кенг елкали, кенг кўкракли деган маънони беради) деб ном кўйган. Афлотун ёшлигидан Гераклит, Парменид, Демокрит ва бошқа файласуфларнинг асарларини чуқур ўрганган.

Мил. ав. 380 йилларда Афина яқинидаги Академия номли бир боғини сотиб олади (бу ном шу ерлик афсонавий қаҳрамон Академ шарафига берилган) ва бу боғда ўзининг Афлотун академияси деб аталган фалсафий мактабини ташкил этади. Академия Афинада деярли 1000 йил фаолият кўрсатганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу академияда Арасту ҳам таҳсил олган. Академияда фақат фалсафадан эмас, математика, геометрия, астрономия, география, зоология ва ботаникадан ҳам таълим берилган. Шунингдек, академияда сиёсий таълим марказий ўринлардан бирини эгаллаган. Чунки академиядаги таълим маърузалар, баҳс-мунозаралар ва суҳбатларга асосланарди. Хатто ҳар куни жисмоний тарбия машғулотлари ҳам ўтказилган. Афлотун кўп вақтини шеърятга бағишлаган.

Тарихий манбаларга кўра, у қатор дostonлар, лирик асарлар, фожиа ва комедияларнинг муаллифи ҳам ҳисобланган. Унинг 25 га яқин шеърини усулда битилган миниатюра-эпиграммалари бугунги кунгача ҳам етиб келган. Бундан ташқари, унинг 23 та асл нусхадаги ва 11 та унинг қаламига мансуб дея тахмин қилинадиган суҳбати, «Сукрот мадҳи» деб номланган нутқи, шунингдек, 13 та мактуби маълум. Афлотуннинг суҳбатлари куйидагилардан иборат: «Протагор», «Федон», «Парменид», «Тэтет», «Тимей», «Критий», «Лахет», «Менон», «Давлат», «Сиёсатдон», «Қонунлар», «Федр», «Филеб» ва бошқалар.

Бугунги кунга қадар Афлотун асарлари дунёнинг кўпгина тилларага таржима қилинган, уларга шарҳлар ёзилган. Агар Форобий исломий янги афлотунчилик фалсафасининг асосчиси ва унинг Ғарбдаги охириги намояндаси даврийлик нуктаи-назардан Проклдан кейинги энг буюк файласуф бўлса, бу фалсафани ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда ҳимоя қилган шахс Абу Али Ҳусайн ибн Сино ҳисобланади. XIII асрда лотин тилида қалам тебратган Ғарб олимлари уни Авиценна, деб аташган. Ибн Сино исломда янги афлотунча фалсафани юқори даражага кўтарган эди. Афлотуннинг

“Давлат” асарига шарҳ ёзган. Ибн Сино ўзининг “Китоб аш-шифо” асарини мантиқ илмининг қисқача баёнидан бошлаб, уни Арасту, янги афлотунча ва равоқийлар қарашлари билан уйғунлаштирган. Яна бир машҳур ислом олими, Хорун ар-Рашид саройининг табиби Юҳанно ибн Мосул ҳам Афлотуннинг “Тимей” асарини араб тилига таржима қилган. Абу Бакр Закариё Розий фалсафий таълимотида ҳам Афлотун қарашларини таъсири анча кучли бўлган.

Шу ўринда биз учун муҳим бўлган Афлотуннинг “Парменид” асарига тўхталиб ўтсак. Афлотуннинг “Парменид” номли диалоги милoddан аввалги 360 йилда ёзилган. Афлотун айнан “Парменид” асарида олдин Сукрот ва ундан кейинроқ эса «Федон», «Федр» ва «Пир» каби диалогларида баён қилинган ўз ғоялар назариясини кескин танқид остига олади. Диалогнинг марказий қахрамони – элей фалсафий мактаби асосчиси, бутун инсониятга борлиқ ягоналигини биринчилардан бўлиб мантикий йўл билан исботлаб берган файласуф олим Парменид ҳисобланади.

Элейликлардан кейин Афлотун борлиқ ҳақиқий воқелиқдир – у шундай англанадиган ҳодиса эмас, у кўринмас ва илганмас, ўзгармас ва ўлмас, демак оддий ва ягона, улар бу оламга тегишли нарсалардан алоҳидадир, шунинг учун ҳам улар ҳақиқий эмас ва лаҳзалик мавжудликка эга халос деб таъкидлайди. Бир лаҳза бўлсада мавжуд бўлиш учун, ҳар бир нарса ўз ҳолича қолиши керак, чунки у ягона ва ўзига айнан ўхшашга интилади. Акс ҳолда ҳеч нарсани яхлит ўзгаришлар тартибсизлигидан ажратиб бўлмайди. Бу эса ҳамма нарсанинг ҳамма нарсага сингиб кетиши ва йўқликка айлантериши мумкин. Тажриба асосида қўлга киритилган борлиқ – ғояларга амалий жиҳатдан трансцендент бўлиши, ўзининг оддийлигини ва ягоналигини сақлаб қолиш учун эса айни пайтда трансцендент ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки борлиқдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса унга тегишли бўлиши, қайсидир йўл билан у билан боғланиши керак. Аслида ғоя битта бўлиши керак, зеро у мутлақо оддийдир. Ғоя ҳаракатсиз бўлиши ҳам керак, чунки ҳаракат бу ўзгариш, мангу айнан ўзига ўхшаш намуна ўзгармасликдир, у ҳаракатсиз бўлмаслиги ҳам керак чунки у ақлан билинувчи, ақлан билиш эса ҳаракат демакдир.

Биз мутлақо иложисиз вазиятга тушиб қоламиз: бирлик (ягоналик)ни билиб бўлмайди, чунки у ўзгарувчан, оқувчан,

Ўткинчи, лекин умумийликни ҳам билиб бўлмайди, чунки у бутунлай, бўлакларга бўлинмаган. Бу туپикдан чиқиш учун Афлотун борликни икки қисмга бўлади. У бирлик сифатида ҳиссий қабул қилинадиган нарсалар тўпламидан ташқари, уларнинг универсал – умумий «лойиҳалари» - эйдослар, ёки ғоялар мавжуддир, деб талкин қилди. Бир жинсли нарсалар ҳар қандай тўплами ягона бир турни ташкил қилади, бу тўпламга кирадиган нарсалар бир ном билан аталади, чунки уларнинг барчаси тегишли ғояларнинг моддий нусхалари, ёки «оттиски» (қўймаси) бўлади. Масалан, биз ҳиссий қабуллайдиган барча индивидуал қуёнлар шунинг учун айнан қуёнларки, уларнинг эмпирик мавжудлиги универсал – умумий ғоянинг борлиғи – шундаки қуён эйдоси томонидан аввалдан белгиланган. Ҳар қандай нарсанинг ҳақиқий эйдоси бўлади. Ана ўша мутлақо соф, атрофдаги эмпирик таъсирлар туфайли бузилишлардан ҳоли бўлган борлиқдир.

«Парменид»нинг 1чи қисмида (127e – 135b) жуда муҳим апориялар кўриб чиқилади, улар ғоялардан алоҳида нарсалар мавжудлигини таҳмин қилишда юзага келувчи, ҳамда эмпирик нарсаларни тафаккур қилишда алоҳида трансценденция (қўпгина далиллар бу ерда Арасту Афлотуннинг “Метафизика” XIII китобда келтирган ғояларини танқид қилинганлари билан тўғри келади)нинг мавжудлигини инкор қилади. Аммо агар эмпирик олам реал оламдан тўлалигича ажралмас экан, трансцендент ибтидосиз ҳам мавжуд бўлмайди. Афлотун фикрича “Ягона” “биргина шундай нарсадир”.

«Парменид»нинг 2чи қисмида Ягона тушунчасини тадқиқ қилишдан иборат. Фалсафа тарихида ҳали-ҳануз биринчи ва намунали трансценденция ва мутлоқни ўрганишга бўлган ҳаракат мавжуд. Диалогнинг бу қисми 8 гипотеза асосига қурилади.

Биринчи гипотеза “Агар ягона ягона бўлса” (137c – 142b): яъни ягона қисмлардан ташкил топмаган, демак, у ягона эмас, ягона бўлмагандан кейин у ибтидосига ҳам, ўрталикқа ва интиҳосига ҳам эга эмас, демак чексиз чегарасиздир; у на бошқанинг ичида, на ўзининг ичида мавжуд эмас, у ҳаракат қилмайди, у тинч турмайди. У ўз ўзига ҳам бошқасига ҳам айнан ўхшаш бўла олмайди, зеро айнан ўхшашлик боғлиқликни талаб қилади; ниҳоят парадокс: агар ягона ягона бўлса, унда у мавжд эмас, зеро борлик

ва ягоан – бир нарсалар эмас. У билинмас ва ифодаланмас: “Исми ҳам йўқ, унга мос сўз ҳам йўқ, у ҳақида билим ҳам йўқ, уни ҳис қилиш ҳам йўқ, у ҳақида фикр ҳам йўқ” (142a).

«Парменид»нинг биринчи гипотезаси - Прокл ва Псевдо-Дионисий Ареопагитдан тортиб немис мистикларигача бўлган апофатик теология ибтидоси ва намунасидир. Абсолют ҳақида ҳар қандай сўз фақат инкор бўлиши мумкин. У оламдан ташқарида бўлган ҳар қандай нарса бу оламдан ҳеч нарсадир, ҳеч нарса олам нуктаи назаридан шундай. Аммо Ягонасиз олам мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас, олам эса ягонадир демак.

Иккинчи гипотеза (142b – 157b): “Ягона мавжуддир”. Бунда “Ягонанинг борлиғи ягона билан айнан ўхшаш эмас”, бу бир эмас икки иккидир – кўпликнинг бошидир. Иккинчи гипотеза доирасида Платон борлиқнинг бутун тизимини қуриб чиқади. Мавжуд бўлган ягона ҳақида “уни билиш, уни тафаккур қилиш, уни идрок қилиш” мумкин. Аммо бу тизим асосда иккинчи парадокс ётади: ягона мавжуддир уни билиш ҳам мумкин, фақат агар у кўплик бўлса.

Учинчи гипотеза (157 b – 159 b) шундай ягона моҳият таҳмин қилишдан келиб чиқади, ўзга нарса ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Тўртинчи гипотеза (159b – 160b) биринчи гипотезага қайтади “Бошқа нарса нимани ҳис қилиши керак, агар бирлик бир бўлса”. Кейинги тўрт гипотеза умумий манбага эга: “Ягона нарса мавжуд эмас”.

Бешинчисида (160в – 163в) Ягонанинг мавжуд эмаслигидан келиб чиқадиган хулосалар кўриб чиқилади, олтинчи (163в – 164в) – ўз-ўзига бўлган муносабатда, еттинчисида (164В – 165d) – кўплик учун Ягонага нисбатан, саккизинчисида (165e – 166с) – кўплик учун кўплика бўлган нисбатда.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладикки, ҳар бир алоҳида нарсанинг эмприк мавжудлиги ғоя борлиғидан ва бошқа ҳар бир нарсанинг борлиғидан нимаси биландир фарқ қилади. Шундай бўлиши аниқ, негаки лойҳанинг гавдалантирилиши ҳамма вақт ҳам идеал фикр – мақсаддан фарқ қилади, унинг устига салбий томонга фарқ қилади, шунинг учун ҳам ҳар қандай эмпирик нарса ҳамма вақт идеалнинг ёмонлашган нусҳасидир. Агар биз жисмни билишни унинг эмпирик мавжудлигини татқиқ қилиш йўлидан бошласак, биз ҳақиқатга яқинлашмаймиз, ундан узоқлашамиз,

чунки, бундай билимга икки карра (кўшалок) бузилишлар – нусҳанинг нусҳаси бўлади. Борлиқ ҳақиқати эмприк нарсадан фарқли равишда оригинал (асл нусҳадир), у мукаммал, ўзгармас ва абадийдир.

Предметли дунёнинг тартиблиги идеал дунёда мавжуд бўлган тартибликнинг инъикосидир. Асл борлиқ бизнинг бевосита тажрибамизда берилмайди. Шунинг учун борлиқнинг универсал қонунлари ва асл маъносига фақат соф ақллиликда етиш мумкин. Эмприк билим борлиқ ҳақиқатини ифодалайди, балки ҳақиқатга ўхшаш фикр («докса»)ни билдиради. Асл билим («эпистеме») эса – интеллектуал (ақлий) идрок қилиш натижаси бўлиб, олам борлиқнинг маъноси ва аввалдан берилган тартибини намоён қилади. Шу маънода, Афлотун геометрик билимларга параллел равишда фалсафий мулоҳазаларга ҳам тизимлилик, қатъийлик, исботланганлик хоссаларини киритиш лозимлигини қайд этади.

Афлотун «Донишмандликни севишни» ҳақиқатга, эзгуликка интилиш тарзида талқин қилади. Афлотун, ўз даврида, эрос ақлни ҳақиқатга томон йўллайди, деган эди, Арасту эса муҳаббат (севги) барча нарсаларни ҳаракатлантиради (уларга таъсир қилади, уларни уйғотади) деган эди. Афлотун масалан, ҳақиқат эзгулик ва фазилатни белгилайди деб инсон танаси ва жонини худди чавандоз ва отга ўхшатган эди. Ҳар икки томондан ҳам ҳавф юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, одамларни бошқаришнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний амалиётларини мукаммаллаштириш зарурлигини уқтириб ўтган эди. Арасту Афлотундан кўра кўпроқ билимга ишонган эди ва билимли одам шубҳасиз фазилатли одамлар деб ҳисоблаган эди. Арасту фикрича, амалий ҳаётий фаолиятда фақат соф ақлий ғояларгагина суяниб бўлмайди. Инсон хулқи мантиқ ва ҳаёт далилларининг муштараклигига асосланиш лозим.

Афлотун ёки Арасту томонидан ёзилган матнларни ўқилганда улар ақлни чархлайди, уларни тушуниш учун инсондан бутун рухий кучларни тўплаш ва матнга алоҳида ишонч бўлиши талаб қилинади. Бу файласуфлар борлиқни тушунишнинг иккита асосий йўлини кўрсатади: борлиқ субстанция – барча мавжуд нарсаларнинг қандайдир моддий асоси ва борлиқ логос – объектларининг мавжудлик усуллари ва ўзаро таъсири характери. Иккинчи концепция Афлотуннинг Эйдослар назарияси ва



Арастуниг борлиқнинг категориял ва фикрлаш структуралари ҳақидаги таълимоти билан чамбарчас боғлиқ. Афлотун борлиқ муаммосини «борлиқни иккига бўлиб» шундай ечадики, бўлакраниш ва ўзгарувчанлик бир «яримталиқда» бирлик, бутунлик ва абадийлик – иккинчи яримталиқда қолади. Унинг шогирди Арасту шундай ечим топишга интилдиги, бирлик ва турли – туманлик, бир бутунлик ва бўлакланганлик, ўзгарувчанлик ва абадийлик, гарчи қарама – қарши бўлса – да, айна бир борлиққа тегишли характеристикалар бўлишига имкон беради. У шундай бир нарса топишни кўзда тутдики, унда айна бир вақтда ҳақиқий мавжуд (асл) борлиқнинг ўзгармас ўз –ўзига айнайлиги ҳам ўткинчи нарсаларнинг «ана шу» борлиғининг бўлинганлиги, хусусий алоҳидаланганлиги мавжуд бўлсин. Бундай ечимни у борлиқнинг категориал структураси ҳақидаги таълимотни яратишда топди.

Афлотун ва унинг маслакдошлари ҳақиқатни бирор борлиққа тегишли нарса десалар, Арасту уни бизнинг онгимизнинг билиш мазмунининг характеристикаси, унинг мантиқий боғланган нутқда (хукмда) ифодаланиши деб биледи. Биринчи ҳолда ҳақиқат бу - ўз ўзича борлиқдир, иккинчи ҳолда эса – бизнинг бу борлиқ ҳақидаги ҳақиқатан билганимиздир. Афлотуннинг «нимаики ҳамма вақт ва ўзгармай мавжуд экан – шугина ҳақиқий мавжуддир» деган формуласи файласуфлар орасида машҳур бўлган. Афлотуннинг “Парменид” асари мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар одам макрокосмосга ўхшатилса, у ҳолда инсон ҳақидаги тушунча натуралистик, табиий белгиларга эга бўлади. (Демокрит варианты). Агар мулоҳазалар микрокосмосдан макрокосмосга йўналтирилса, у ҳолда космик жон ёки рух борлиги худди инсондаги қобилият сингари тушунтирилади. (Масалан, Афлотун шундай деб ҳисоблаган).

Фалсафа фанлари номзоди,  
доцент Бозаров Дилмурод

Афлотун антик даврнинг машхур файласуфи. У 30 дан ортик рисолалар, жумладан "Парменид", "Давлат" «Теэтет», "Базм", "Федон" ва «Федр», "Софист", "Сиёсатчи", "Тимей", "Кратил" каби асарлар муаллифидир.

Файласуфнинг фикрича, табиат – ғоялар маҳсули. Ғоялар ўзгармас, абадий, ҳаракатсиз. Ҳис қилинадиган нарсалар эса ғояларнинг сояси. Моддий дунё ўткинчи, ғоялар дунёсида энг олий ғоя худодир. Моддий дунё –хайвонлар, маъданлар, ўсимликлар "умумий ғоялар"нинг нусхасидир. Энг олий ғоя ва ҳақиқат ғояси гўзаллик ғояси бўлмай, балки фаровонлик ғоясидир. У фаровонликни мақсадга мувофиқлик ва ақл билан тенглаштиради. Афлотун ўзининг "Тимей" асарида космогоник ва космологик назарияни илгари суради.

Унинг билиш назариясида диалектика масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Диалектика деганда, у савол–жавоб, оғзаки суҳбат, исботлаш, ҳиссий билишдан кутулиш ва тафаккур орқали ғоялар дунёсини идрок қилиш воситасини тушунади. Афлотуннинг диалектик қарашлари метафизик табиатга эга бўлиб, ундаги умумий ғоялар ҳаракатсиз ва ўзгармасдир.

Афлотун савол беришни биладиган ва унга жавоб бера оладиган кишиларни диалектиклар, деб атайди. Унингча, диалектика, бу – кишиларнинг саволлар бериш уддасидан чиқиб, унга жавоб топишга қодир бўлишидир. Афлотуннинг фикрича, одамлар ҳиссий қабул қилишдан воз кечиб, ақлий билимга ўтишлари зарур.

Умуман олганда, Афлотуннинг диалектикаси Гераклит диалектикасига яқин туради. Афлотуннинг диалектикаси Гегель диалектикаси учун асос бўлиб хизмат қилди.

Афлотун ижтимоий–сиёсий масалаларга бағишланган бир неча асарлар муаллифидир. Булар "Давлат", "Қонунлар", "Критий", "Сиёсат" каби рисолалардир. Афлотун давлат ва уни бошқариш услублари тўғрисида фикр юритар экан, мавжуд давлатларнинг инсонлар ҳаётида салбий роль ўйнаётганлигини, зероки уларда бойлар ва камбағаллар мавжудлигини айтади. Бундай давлатлар шаклига қараб олигархия, демократия, тирания, теократияга бўлинади. У демократияга қарши курашиб, уни энг яроқсиз давлат, деб ҳисоблайди. Афлотун аристократик давлат тарафдори

бўлади. У мукаммал давлат тўғрисида утопик–хаёлий қарашларини баён этади. Бундай давлатни ақлли, ишбилармон, доно, қобилиятли кишилар гуруҳи идора қилиши керак. Мукаммал давлатнинг муҳим хусусияти адолат қонун–қоидаларига амал қилишдир.

Афлотун аристократик жамиятни учта ижтимоий қатламга ажратади: биринчиси – файласуфлар, иккинчиси – ҳарбийлар, учинчиси – деҳқонлар ва ҳунармандлар табақалари. У давлатни файласуфлар ёки фалсафий фикр юритишга қодир арбоблар бошқариши лозим, деб ҳисоблайди. Ҳарбийлар эса, мамлакатда тартиб–интизом ўрнатилишига ёрдам бериши, давлат ҳавсизлигини таъминлаши лозим. Афлотуннинг фикрича, файласуф ва ҳарбийлар ҳеч қандай мулкка эга бўлмасликлари керак. Деҳқонлар ва ҳунармандлар мулк эгалари бўлиб, улар файласуф ва ҳарбийларни таъминлаб туришлари лозим. Афлотун ўзининг ижтимоий қарашларида фақат эркин фуқаролар тўғрисида фикр юритади. Қулларни эса инсонлар қаторига қўшмайди. Қулларни жамиятда ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилган, деб билади.

Афлотуннинг ахлоқий қарашлари у тарғиб қилган ғояларга асослангандир. Файласуф инсонлар яшаб турган дунёни ҳақиқий дунёнинг, яъни ғоялар дунёсининг сояси, деб билгани учун инсоннинг бирдан–бир мақсади ахлоқий идеал яна қайтиб, ана шу ғоялар оламига қўшилишидан иборат, дейди. Мутафаккир ахлоқ муаммоларига тўхталар экан, инсондаги фазилатлар ва салбий иллатлар туғма эканлигини таъкидлайди. Унинг ақидасига кўра, яхши хулқ – одоб эгаси бўлган киши ўзининг фазилатларини бошқача намоён эта олмайди. Яхши малакани ҳатто таълим бериш, ўқиш–ўқитиш ва машқ қилиш орқали ҳам эгаллаб бўлмайди. Яхши хулқли ота–оналарнинг фарзандлари ҳамма вақт одобли бўлавермайди, деган хулоса қилади.

Афлотун кишиларнинг фазилатларини туғма, бир хил ва ўзгармас, деб ҳисоблайди. Унингча, инсонда туғилгандаёқ яхшилик, софдиллик, ёмонлик, ғаразгўйлик тўғрисида тушунча бўлади. У ҳар хил табақага ҳар хил хислатлар хослигини айтади. Масалан, донолик файласуфга, шижоаткорлик ҳарбийларга, мўътадиллик (иффат) қуйи табақага хосдир. Юқоридаги учта фазилатнинг қўшилишувидан адолат хосил бўлади. Ҳар бир табақа ўз

иши билан машғул бўлиши, бошқаларнинг ишига арашмаслиги даркор. Давлат эса ўз фуқароларини, айниқса ёшларнинг тарбияси билан шуғулланиши лозим. Афлотун ахлоқ масалаларини объектив идеа нуқтаи назаридан туриб ҳал қилди.

Афлотуннинг эстетик қарашлари унинг "Софист", "Базм", "Қонунлар", "Федон" ва б. асарларида ўз ифодасини топган. Афлотун эстетикаси унинг "ғоялари" билан чамбарчас боғлиқдир. У мана шу ғояларидан келиб чиқиб, ҳамма учун бир хил, ўзгармас, мутлақ гўзалликни қидиради. Афлотун гўзал ғояни ҳислатларга карама–қарши қўяди. Уни ҳиссиёт орқали эмас, ақл ёрдамида идрок этиш мумкин, дейди. Санъатга ҳам шу нуқтаи назардан қарайди. У санъат соҳасида, ҳиссий нарсаларга тақлид қилиш тўғрисида фикр юритиб, бу ҳиссий нарсалар ғоялардан иборат эканлигини айтади. Унингча, мусаввир ҳиссий нарсалардан нусха кўчиради, нарсалар эса ҳиссий ғоялардан иборат, Афлотун эстетиканинг мукамал давлатда ўрни бўлмаслиги тўғрисида гапирса ҳам, санъат ва тароналар кишиларда жасурлик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаши лозим, деб ҳисоблайди.

(Ўқувчига тақдим этилаётган рисоласида Афлотуннинг қисқача тавсифланган дунёқараш позицияси акс этилган)

"ФАЛСАФА: ЛУҒАТ МАЪЛУМОТНОМА" китобидан

## Кефал (ҳикоя қилади)

*Кефал.* Жонажон шаҳримиз Клазомендан<sup>1</sup> Афинага келгач, биз шаҳар майдонида Адимант ва Главкон билан учрашиб қолдик. Менинг қўлларимдан ушлаб, Адимант сўз бошлади:

— Салом, Кефал! Агар сенга бу ерда бирон нарса керак бўлса, айт ва биз қўлимиздан келган ҳамма нарсани бажо келтирамиз.

— Мен сизнинг олдингизга илтимос билан мурожаат қилиш учун ҳам келдим, аслида, — мен жавоб бердим.

— Айт-чи, сенга нима керак экан, — деди у.

Шунда мен унга савол бердим:

— Туғишган укангиз исми нима эди? Ўзим эслолмайман: бу ерга Клазомендан келган пайтимда у ҳали бола эди. Ўша пайтдан бери анча вақт ўтиб кетди. Отасининг исми, адашмасам, Пириламп эди.

— Тўппа-тўғри.

— Ўзининг исмичи?

— Антифонт эди. Бу ҳақида ўзи нимага сўраяпсан?

— Менинг мана бу ҳамюртларим, — тушунтирдим мен, — донишмандликнинг хурматини жойига кўядиган, уни кадрлайдиган одамлар; уларнинг эшитишича, худди ўша Антифонт тез-тез Зеноннинг дўсти Пифодор билан учрашиб турган ва кунлардан бир кун Сукрот, Зенон ва Парменид ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни ёддан билар экан, чунки Пифодор унга кўп марта қайта ҳикоя қилиб берган экан.

— Сен мутлақо тўғри гапиряпсан, — деди Адимант.

— Мана шу ҳикояни, — дедим мен, — биз яна бир бор тинглашни истардик.

— Бунинг йўли осон, — деди Адимант, — чунки, гарчи, эндиликда у, бобоси ва адашидан ўртак олган ҳолда, асосан отлар билан шуғулланаётган бўлсада, Антифонт ўсмирлик пайтларида бу ҳикояни яхши эслаб қолганди. Агар керак бўлса, юринг, унинг олдига борамиз: у ҳозиргина бу ердан кетувди, ўзи яқин жойда,

---

<sup>1</sup> *Клазомены* — Кичик Осиёда жойлашган Иония вилоятидаги шаҳар, файласуф Анаксагорнинг ватани (қ.: т. 1, Апология Сукрота, изох 27).

Мелитада <sup>2</sup> яшайди.

Бу суҳбатдан кейин биз Антифонтнинг олдига бордик ва уни уйдан топдик; у темирчига юганни тузатишга бераётган экан. У темирчини кўйиб юборгач, ака-укалар унга бизнинг ташрифимиз мақсадини маълум қилдилар; у мени таниди, олдинги ташрифимни эслади ва менга салом берди. Биз ундан ўша суҳбатни қайта ҳикоя қилиб беришни сўраганимизда эса у, дастлаб бу жуда оғир иш эканлигини айтгани ҳолда, унамади, лекин, барибир, рози бўлди ва ҳикоя қила бошлади.

Шундай қилиб, Антифонт айтдики, Пифодорнинг сўзларига қараганда, кунлардан бир кун Зенон ва Парменид Буюк Панафинеяга<sup>3</sup> келган. Бу пайтлар Парменид анча қариб қолган, сочлари қордай оппоқ, лекин ўзи жуда чиройли ва келишган; ёши тахминан олтмиш бешлардан ошган эди. Зенон эса у пайтлар тахминан қирқ ёшларда, баланд бўйли ва кўркам эди; айтишларича, у Пармениднинг арзандаси бўлган. Улар Пифодорникида, шаҳар деворларидан ташқарида, Керамикда<sup>4</sup> тўхталганлар. Сукрот ва у билан бирга бошқа кўплаб кишилар Зенон асарларини тинглаш учун айнан шу ерга келган, чунки улар ўшанда у ва Парменид томонидан илк бор олиб келинган эди. Сукрот ўша пайтлар жуда ёш эди. Асарни Зеноннинг ўзи ўқиган, Парменид эса бирровга бир ёққа чиқиб кетганди; Пифодорнинг ўзи, у билан бирга Парменид ва кейинчалик Ўттиздан бири бўлган Арасту кириб келганда, охиригача ўқиб, тамом қилиш учун озгина қолганди ва кириб келганлар асардан озгина бўлса-да, тинглашга улгурдилар; қолаверса, Пифодорнинг ўзи илгари Зенонни тинглаганди.

Ҳаммасини эшитиб бўлгач, Сукрот биринчи мулоҳазанинг биринчи қоидасини яна бир бор ўқиб беришни сўради ва у яна бир бор ўқиб чиқилгач, савол берди:

### (Элейнинг асосий тезиси)

---

<sup>2</sup> *Мелита* — Аттика деми.

<sup>3</sup> қ.: т. 1, Евтифрон, изоҳ 17.

<sup>4</sup> *Керамик* — Афинанинг шимолий-ғарбий тарафида жойлашган жой (Керамикнинг бир қисми шаҳар ичида жойлашган). Ср.: т. 1, Протагор, изоҳ 21.

— Нима дединг, Зенон? Агар кўп нарса (многое) мавжуд бўлса, у монанд (мисл) ва монанд (мисл) эмас бўлиши лозим, бундай бўлиши эса, шубҳасиз, мумкин эмас, чунки монанд (мисл) эмас ҳам монанд (мисл) бўлиши мумкин ва монанд (мисл) ҳам монанд (мисл) эмас бўлиши мумкин. Сен шундай деяпсанми?

— Шундай, — жавоб берди Зенон.

— Бинобарин, агар монанд эмас монанд бўлиши ва монанд монанд эмас бўлиши мумкин бўлмаса, кўп нарсанинг ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки агар кўп нарса мавжуд бўлганида у имконсиз бир нарсани ҳис қилган бўлармиди? Умумий фикрга хилоф равишда кўп нарса мавжуд эмас деб таъкидлайсанми? Фикр-мулоҳазаларнинг ҳар бирини сен бунинг исботи деб ҳисоблар экансан, қанча фикр-мулоҳаза ёзган бўлсанг, кўп нарса йўқлигининг исботини ҳам шунча деб тасаввур қилар экансанда? Сен шундай деяпсанми ёки мен сени нотўғри тушундимми?

— Йўқ, — деди Зенон, — сен асарнинг мазмунини яхши илғаб олибсан.

— Фаҳмлашимча, Парменид, — деди Сукрот, — бизнинг Зенон сенга ҳамма нарсада, ҳаттоки асарларида ҳам яқин бўлмоқчи. Аслида у деярли сен ёзган нарсаларни ёзган, фақат қайта ишлашлар ёрдамида гўёки у бошқа нарсалар гапираётгандай ва бизни чалғитишга ҳаракат қилмоқда: сен ўз достонингда ҳамма нарса ягона нарса (единое) деб таъкидлайсан ва бунинг ажойиб далил ва исботларини келтириб ўтгансан; у эса кўп нарса мавжудлигини инкор қилади ва шу билан бирга кўп сонли ва жиддий далил ва исботлар келтиради<sup>5</sup>. Лекин сизлар айтаётган нарсалар бизларнинг фикримиздан юқори бўлиб чиқади: дарҳақиқат, сизлардан бирингиз ягона нарса мавжуд эканлигини таъкидлаган бўлсангиз, бошқангиз кўп нарса мавжудлигини инкор қиласиз, лекин ҳар бирингиз шундай мулоҳаза юритасизки, гўёки бирингиз бошқангиз айтган нарсадан умуман бошқа нарсани айтгандай бўлиб туюлади, ваҳоланки, шу аснода иккалангиз деярли бир хил нарсани айтяпсиз.

---

<sup>5</sup> Гарчи Парменид йуклигида Зенон мустақиллик намоён этишга ҳаракат қилган бўлсада, Сукрот Парменид ва Зенон таълимотининг моҳияти (Парменидда «ягона нарса» ва Зенонда «кўп нарса эмас») деярли бир хил эканлигини киноя билан қайд қилади.

— Ха, Сукрот, — деди Зенон, — лекин сен асарнинг туб маъносини тўлиқ англаб етмабсан. Гарчи сен, малай кучуклар<sup>б</sup> каби, айтилганлар ичидагиларни ажойиб тарзда ковлаштирадиган ва қидира-қидира топадиган бўлсангда, лекин биринчи галда шуни эътибордан четда қолдиряпсанки, менинг асарим асло сен айтаётган нарсаларга даъво қилмайди ва асло одамлардан қандайдир буюк бир ғояни яширишга ҳаракат қилмайди. Сен иккинчи даражали жиҳат ҳақида гапиряпсан. Ҳақиқатда эса, бу асар Пармениднинг агар ягона нарса мавжуд бўлса, бу фикрдан кўплаб унга зид келадиган ва кулгили хулосалар келиб чиқади, дея таъкидлаган ҳолда, унинг устидан кулишга ҳаракат қилган ҳар бир кишига қарши фикр-мулоҳазаларини кўллаб-қувватлайди. Шундай қилиб, менинг асарим кўп нарса мавжудлиги эҳтимолига йўл кўядиганларга қарши йўналтирлиган, уларга ўз маломатларини ортиғи билан қайтаради ва уларнинг қоидасини [кўп нарса мавжуд] бутун тафсилотлари билан кўриб чиқишда ягона нарса мавжудлигини тан олишдан кўра янада кулгилироқ оқибатларга олиб келишини кўрсатишга ҳаракат қилади. Баҳс-мунозараларга бундай муккасидан кетганлик таъсири остида мен бу асарни ёшлик пайтларимда ёзган эдим, лекин, ёзиб бўлинганидан кейин кимдир уни мендан ўғирлаб кетган, шундай бўлгач, менда уни нашр этиш ёки нашр этмаслик масаласини ҳал қилишимга эҳтиёж қолмаган. Шундай қилиб, Сукрот, бу асар асло катта ёшдаги кишининг шуҳратпарастлиги ва иззатталаблиги туфайли эмас, балки ўспиринлик даврининг баҳс-мунозаларга иштиёқи асносида юзага келган эканлигини эътибордан четда қолдиргансан. Қолаверса, мен айтиб ўтганимдек, сенинг мулоҳазаларинг ҳам чакки эмас.

### **(Нарса ва ғоя дуализми танқиди)**

— Сенинг киритган тузатишингни қабул қиламан, — деди Сукрот, — ва ўйлайманки, вазият ҳақиқатда ҳам сен айтгандай рўй берган. Лекин менга шуни айт-чи: қандайдир бир монандлик

---

<sup>б</sup> *Малай кучуклар (лаконтские ценки)* қадимда жуда қадрлангани ҳақида Петронийда ишора қилиб ўтилган («Сатириконт» XL-боб, Трималхионтнинг малай кучуклари).



ғояси ва унга қарама-қарши бўлган – монанд эмаслик ғояси мавжуд эканлигини тан оласанми<sup>7</sup>? Бу икки ғояга сен ҳам, мен ҳам қўшиламыз. Бу икки ғояга сен ҳам, мен ҳам, биз кўпчиликка айтадиган бошқа барча нарсалар ҳам қўшиладими? Кейин, монандликка қўшиладиганлар сабабга кўра ва ўзининг қўшилиш даражасига қараб монанд бўладими, монанд эмасликка қўшиладиганлар эса – худди шу тарзда монанд эмас, унга ҳам, бунга ҳам қўшиладиганлар – бир вақтнинг ўзида ҳам монанд ҳам монанд эмас бўладими? Агар ҳамма нарса иккала қарама-қарши ғояларга қўшиладиган ва иккаласига алоқадорлик орқали ўзаро монанд ва монанд эмас бўлиб чиқадиган бўлса, бунинг нимаси ажабланарли? Ўйлайманки, агар кимдир монанд ўз ҳолича монанд эмас ва монанд эмас ўз ҳолича монанд бўлиб қолишини кўрсатиши одамни ҳайрон қолдирган бўларди; лекин агар менга монанд билан ҳам, монанд эмас билан ҳам алоқадор нарса уларнинг иккаласи аломатларига бир вақтда эга бўлишини кўрсатишса, Зенон, бу менга худди кимдир ҳамма нарса ягона нарсага алоқадорлик туфайли ягона эканлигини ва унинг ўзи, бошқа томондан кўпликка алоқадорлик туфайли кўп нарса эканлигини аниқлагани каби бемаъни бўлиб кўринмайди. Қани кимдир исботлаб берсинчи, ўз ҳолича олинган ягона нарса бу кўп нарса, бошқа томондан эса, кўп нарса [ўз ҳолича] бу ягона нарса, мана шунда мен лол қоламан. Ҳамма нарсага муносабат бўйича ҳам вазият худди шундай: агар турлар ва хиллар ўзларида қарама-қарши ҳолатларни ҳис қилиши кўрсатиб берилганида эди, бу ҳайрон қолишга арзирли бўларди. Лекин кимдир мен бу – ягона ва кўпликда эканимни исботлашга ҳаракат қиладиган, кўпликни кўрсатиш ниятида менинг чап ва ўнг қисмим, орқа ва олд қисмим, шунингдек, тепа ва паст қисмим турлича эканлигини айтадиган – ахир мен, фаҳмлашимча, кўпликка алоқадорман – мен ягона эканлигимни кўрсатиш ниятида эса ягоналикка алоқадор бўлган ҳолда мен – еттовлон орасида бир киши каби ягона эканлигимни айтадиган бўлса, нимаси қизиқ: шу тариқа унинг ҳам, бунинг ҳам ҳақиқатлиги очиб берилади. Шундай қилиб, агар кимдир тошлар,

---

<sup>7</sup> Бу ерда Афлотуннинг *ғоялар* ҳақидаги таъминоти баён қилинади (қ.: т. 1, Евтифрон, 18-изох). Парменид Сукротнинг сўларини шундай талқин қиладики, гўёки ғоялар ўз-ўзидан, мантикий нарсалар дунёсидан катъи назар мавжуд бўлади.

ёғоч ходалар ва ҳ.к. предметларда ягоналик ва кўплик айнан ўхшашлигини кўрсатишга ҳаракат қиладиган бўлса, у бизга ягона ва кўп нарсадан мисоллар келтиради, лекин ягона нарса бу кўплик эканлигини ҳам, кўп нарса ягона эканлигини ҳам исботлаб бермайди ва унинг сўзларида ҳеч қандай ажабланарли жиҳатлар йўқ, фақат барчамиз унга қўшилишимиз мумкин бўлган жиҳатлар бор деб айтамыз. Агарда кимдир мен ҳозиргина айтиб ўтган нарсани бажара олса, яъни дастлаб монандлик ва монанд эмаслик, кўплик ва бирлик, ҳаракат ва ҳаракатсизлик каби шу турдаги бошқа ғояларнинг ўз ҳолича алоҳидалиги ва бошқалардан ажралиб туришини белгилайдиган, сўнгра улар ўзаро аралашиб (қўшилиб) ва ажралиб (тарқалиб) кетишини исботлаб бера олса, мана шунда, Зенон, мен ёқимли суратда лол қоламан. Сенинг фикр-мулоҳазаларингни эса мен дадиллик билан ишлаб чиқилган деб топаман, лекин юқорида айтиб ўтилганидек, агар кимдир худди ўша душворлик (қийинчилик) турли усуллар билан барча ғояларни қамраб олишини, сиз буни кўзга кўринадиган нарсаларда кузатганингиздек, ақл югуртириш ёрдамида англаб етиладиган нарсаларда аниқлашни кўрсатадиган бўлса, мана шу ҳолатда мен янаям кўпроқ ҳайрон қолган бўлардим.

Ушбу нутқ давомида Пифодор аслида Парменид ва Зенон Сукротнинг ҳар бир фикри бўйича ранжийди деб ўйлади, лекин улар Сукротни диққат билан эшитдилар ва бир-бирига тез-тез кулимсираб нигоҳ ташлаган ҳолда, шу аснода ўзларининг қойил қолганликларини намойиш этдилар; Сукрот гапини тугатгач, Парменид куйидаги сўзларни айтди:

— Сукрот, сенинг баҳсдаги ғайратинг ва жўшқинлигинг ғоят завқлантиради! Лекин шуни айт-чи менга: ўзинг бошқалардан ажрата билган нарсаларга ўзинг ҳам амал қиласанми, яъни қайсидир ғоялар бир томондан, ҳар бири ўзича, бошқа томондан эса, уларга дахлдор бўлган нарсалар алоҳида мавжуд бўлишини тан оласанми? Масалан, сенга монандлик ўз ҳолича биз учун хос бўлган монандликдан бирон нарса билан фарқланиб турадиган ва бу шунингдек, ягоналик, кўплик ва сен эндиликда Зенондан эшитган ҳар бир нарсага тааллуқли бўлиб туюладими?

— Ҳа, — жавоб берди Сукрот.

— Яна, масалан, ўз ҳолича адолатли, ажойиб, ёқимли ва шунга ўхшаш ғояларга ҳам? — давом эттирди Парменид.

— Ҳа, — жавоб берди Сукрот.

— Нима, унда инсоннинг ғояси ҳам биздан ва бизга ўхшаганлардан алоҳида бўладими, инсон ғояси, шунингдек, олов, сув ғояси ўз ҳоличами?

Сукрот бунга қуйидагича жавоб берди:

— Бундай нарсалар хусусида, Парменид, мен тез-тез тушунолмай, ҳайрон бўламан, улар ҳақида, худди юқорида санаб ўтилганлар каби мулооҳаза билдириш керакми, ёки бошқачами.

— Ҳаттоки кулгили бўлиб кўриниши мумкин бўлган, масалан, соч, ифлослик, ахлат каби эътиборга лойиқ бўлмаган, ҳеч нарсага арзимайдиган ҳар қандай нарсалар хусусида ҳам уларнинг ҳар бири учун бизнинг қўлларимиз тегадиган нарсалардан фарқ қиладиган алоҳида мавжуд бўлган ғоя тан олиниши лозим ёки лозим эмаслиги хусусида ҳам тушунолмай, ҳайрон бўласанми, Сукрот?

— Мутлақо, — жавоб берди Сукрот, — ўйлайманки, бундай нарсалар фақат биз уларни кўриб тургандай ҳолича бўлади. Улар учун бирон-бир ғоя мавжудлигини тахмин қилиш ҳаддан ташқари таажжубланарли бўларди. Тўғри, баъзида мени барча нарсалар учун бу турдаги бирон-нарса мавжуд эмасми деган фикр безовта қиларди, лекин ҳар сафар, бунга яқинлашишим билан, қуруқ маҳмадонагарчилик, сафсатабозлик гирдобига ғарқ бўлишдан хавфсираган ҳолда шошганча тумтарақай қочишга ҳаракат қилардим. Мана энди, шу ерга етгач, мен яна ҳозиргина биз улар ғояларга эга деб айтиб ўтган нарсаларга мурожаат қиламан ва уларни астойдил кўриб чиқиш билан шуғулланяпман.

— Сен ҳали ёшсан, Сукрот, — деди Парменид, — фалсафа ҳали сенинг вужудингни бутунлай қамраб олмаган, фикримча, вақти келиб шундай ҳол рўй беради ва ўшанда бундай нарсаларнинг бирортаси сенга арзимас, аҳамиятсиз бўлиб кўринмайди; ҳозирги пайтда эса сен, ёш бўлганинг ҳолда, одамларнинг фикрини ҳаддан ортиқ ҳисобга оляпсан. Лекин нима бўлганда ҳам, шуни айт-чи: сенинг сўзларингга қараганда, уларнинг номларини уларга қўшиладиган бошқа нарсалар ҳам оладиган маълум бир ғоялар мавжуд деб ҳисоблайсан; масалан, монандликка қўшиладиганлар монанд, буюкликка қўшиладиганлар катта, гўзалликка қўшиладиганлар гўзал, адолатга қўшиладиганлар адолатли бўладими?

— Худди шундай, — жавоб берди Сукрот.

— Лекин ҳар бир қўшилувчи [ғояга] бутун ғояга қўшиладини ёки унинг бир қисмигами? Ёки, булардан ташқари, қўшилишнинг бошқа бир тури бўлиши мумкинми?

— Қандай қилиб? — сўради Сукрот.

— Сенингча, бутун бошли ғоя тўлалигича – гарчи у ягона бўлсада – кўлаб нарсаларнинг ҳар бирида бўладими ёки вазият қандайдир бошқача бўладими?

— Парменид, унга ўша ерда бўлишга нима ҳам тўсқинлик қиларди? — сўради Сукрот.

— Ахир ягона ва айнан бир хил бўлиб қолавергани ҳолда, шу билан бир пайтда у тўлалигича кўплаб алоҳида нарсалар таркибида бўлади ва шу тариқа ўзидан ажратилган бўлиб қолади<sup>8</sup>.

— Асло бундай эмас, — жавоб берди Сукрот, — ахир, масалан, бир куннинг ўзи<sup>9</sup> бир вақтнинг ўзида кўплаб жойларда бўлади ва бунда ўзидан ҳеч қанақасига ажралмайди, худди шу каби, ҳар бир ғоя ҳам, ягона ва айнан бир хил бўлиб қолавергани ҳолда, шу вақтнинг ўзида ҳамма жойда бўлиши мумкин.

— Қойил, Сукрот, жуда соз — деди Парменид, — сен бир вақтнинг ўзида кўп жойларда ягона ва айнан бир хил нарсаларни жойлаштирасан, гўёки кўплаб одамларни битта каноудан тўқилган қалин, пухта мато билан қоплагандай, сен ягона нарса тўлалигича кўп нарса остида жойлашган деб таъкидлайсан. Ёки сўзларнинг маъноси шундай эмасми?

— Шундай бўлса керак, — деди Сукрот.

— Шундай қилиб, бутун бошли каноули мато ҳар бир кишининг устида бўладими ёки бир кишининг устида матонинг бир қисми, бошқа кишининг устида эса – бошқа қисмими?

— Фақат бир қисми.

— Бас, демак, ғояларнинг ўзи, Сукрот, бўлиниш хусусиятига эга, — деди Парменид, — ва уларга алоқадор бўлган нарса

---

<sup>8</sup> Ўзининг алоҳида хислатлари билан бирданига барча нарсаларда мужассам топадиган ғояларни бошқалардан алоҳида ажратиш ҳақида Арасту ҳам ёзганди. қ.: Метафизика VII 14, 1039a 33b 2.

<sup>9</sup> Сукротнинг ягона нарса ва кўп нарса тубида айнан ўхшашлик ҳақидаги мисоли Гераклит диалектикасини ёсга солиб юборди.

уларнинг қисмларига ҳам алоқадор бўлади ва ҳар бир нарсада бутун ғоя эмас, балки унинг бир қисми бўлади.

— Афтидан, шундай шекилли.

— Хўш, Суқрот, ягона ғоя бизда ҳақиқатда қисмларга бўлинади ва бундан яхлитлигича қолаверади деб қатъий ишонтиришга қарор қила оласанми?

— Ҳеч қанақасига, — жавоб берди Суқрот.

— Қара-я, — деди Парменид, — агар сен энг буюкликни қисмларга ажратадиган ва кўплаб катта нарсаларнинг ҳар бири буюкликнинг бир қисми эканлиги туфайли буюкликнинг ўзидан кичикроқ бўладиган бўлса, беъманилик юзага келмайдими?

— Албатта, беъманилик юзага келади, — жавоб берди Суқрот.

— Энди, агар ҳар бир нарса тенгликнинг кичик бир қисмини қабул қиладиган бўлса, бу тенгдан кичик бўлган қисм уни нимагадир тенг қиладими?

— Бунинг имкони йўқ.

— Лекин, фараз қилайлик, орамиздан кимдир кичик нарсанинг бир қисмига эга бўлади: кичик нарса ўзининг бу қисмидан катта бўлади; шундай қилиб, кичикнинг ўзи каттароқ бўлади, кичикдан олинган қисм кўшилган нарса эса аввалгидан катта эмас, кичикроқ бўлади.

— Лекин асло бундай бўлиши мумкин эмас, — деди Суқрот.

— Агар улар на бутун ғояларга, на ғояларнинг қисмларига кўшила олмайдиган бўлса, Суқрот, — давом этди Парменид, — қандай қилиб сенда нарсалар ғояларга кўшилиши мумкин?

— Худо номи билан қасам ичаманки, — деди Суқрот, — буни аниқлаш жуда ҳам қийин деб ўйлайман.

— Мен ҳозир айтадиган нарса ҳақида қандай фикрдасан?

— Нима ҳақида?

— Ўйлайманки, сен ҳар бир ғояни қуйидаги сабабга кўра ягона деб ҳисоблайсан: кўп сонли қандайдир нарсалар сенга катта бўлиб кўринганда, уларнинг барчасига назар ташлаб, сен, қандайдир ягона ва айнан ўхшаш ғояни кўрасан ва шу асосда буюкликнинг ўзини ягона деб ҳисоблайсан шекилли.

— Сен ҳақсан, — деди Суқрот.

— Агар сен худди шу тарзда буюкликнинг ўзига ҳам, бошқа буюк нарсаларга ҳам маънавий назар ташлайдиган бўлсанг, у туфайли буларнинг ҳаммаси буюк бўлиб кўриниши лозим бўлган

қандайдир яна бир ягона буюклик акс этмайдими?

— Шунақа шекилли.

— Алқисса, буюкликнинг ва унга алоқадор бўлган нарсанинг ёнида вужудга келадиган яна бир буюклик, буларнинг ҳаммаси устида эса буларнинг ҳаммаси буюк бўладиган яна бир буюклик ғояси очилади. Шундай қилиб, ҳар бир ғоя сенда ягона бўлмайди, лекин чексиз кўплик бўлиб чиқади.

— Лекин, Парменид, — эътироз билдирди Сукрот, — бу ғояларнинг ҳар бири – фикр эмасми, ва у бошқа бир жойда эмас, фақат қалбда (кўнгилда) вужудга келиши лозим эмасми? Бундай ҳолатда уларнинг ҳар бири ягона бўлган бўларди ва ҳозир гапириб ўтилганидек ҳолга тушаган бўларди.

— Нима ҳам деяр эдик, — сўради Парменид, — ҳар бир фикр ягона ва бирон нарса ҳақида фикр эмасми?

— Лекин бунинг имкони йўқ, — деди Сукрот.

— Демак, фикр бирор нарса ҳақидаги фикр эканда?

— Ҳа.

— Мавжуд фикр ҳақидами ёки мавжуд бўлмаган фикр ҳақидами?

— Мавжуд фикр ҳақида.

— Бу фикр ҳамма нарсаларни [маълум бир турдаги] кучоққа олган ҳолда уларнинг қандайдир умумий (ягона) ғоясини ифодалайдиган бирликни фикрламайдими?

— Худди шундай.

— Ҳамонки бу ҳамма нарсалар учун худди ўшанинг ўзгинаси бўлиб қолаверар экан, ягона сифатида деб ўйланадиган бўлса, бу ғоя бўлмайдими?

— Бу ҳам зарурат бўлиб кўринади.

— Агар, — деди Парменид, — сен таъкидлагандек, бошқа ҳамма нарсалар ғояларга алоқадор бўлса, ёки ҳар қандай нарса фикрлардан иборат ва ҳамма нарсани фикрлайди, ёки гарчи у фикр бўлсада, фикрлашдан маҳрум деб ўйлашинг лозим эмасми?

— Лекин бу, — деди Сукрот, — маънога эга эмас. Менга шундай не бўлиб кўринадики, Парменид, вазият, қуйидагича бўлиши эҳтимоли юқори: ғоялар табиатда гўёки намуналар кўринишида бўлади, бошқа нарсалар эса улар билан ўхшаш бўлади ва уларнинг монандлик моҳияти, нарсаларнинг ғояларга алоқадорлиги фақат уларга ўхшаб кетишдан бошқа нарсдан

иборат бўлмайди.

— Бинобарин, — деди Парменид, — агар бирон нарса ғояга ўхшаб кетадиган бўлса, бу ғоя унга ўхшаб кетган нарса билан бу нарса унга ўхшаб кетган даражада ўхшаш бўлмаслиги мумкинми? Ёки монанд монандга ўхшаш бўлмаслигининг бирон-бир имконияти борми?

— Йўқ, бунинг имкони йўқ.

— Монанд ва унга ўхшаш бўлган нарса бир нарсанинг ўзига алоқадор бўлишининг сўзсиз зарурати йўқми?

— Ҳа, бу зарурдир.

— Лекин монанд нимага алоқадорлик орқали монанд бўлади, ўзи ғоя бўла олмайдимми?

— Албатта.

— Шундай экан, ҳеч нарса ғоя каби бўла олмайди ва ғоя бошқа ҳеч нарсага ўхшамайди, акс ҳолда бу ғоянинг олдида доимо бошқа бир ғоя пайдо бўлади, агар бу сўнги ғоя бирор нарсага ўхшаб кетадиган бўлса – яна янги ғоя пайдо бўлади ва агарда ғоя унга алоқадор нарсага ўхшаш бўлса, янги ғоялар доимий вужудга келиши ҳеч қачон тўхтамайди<sup>10</sup>.

— Сен мутлақо ҳақсан.

— Демак, нарсалар ғояларга ўхшаб кетиш воситасида алоқадор бўлмайди (аралашмайди): улар алоқадор бўлиши(аралашуви)нинг бошқа йўлларини излаш керак.

— Шундай бўлиб чиқади.

— Кўряпсанми энди, Сукрот, — деди Парменид, — ғоялар ўз ҳолича мавжудлиги эҳтимолига йўл қўйишда қандай катта қийинчиликлар вужудга келади.

— Жуда ҳам катта қийинчиликлар вужудга келаркан.

— Лекин шунга ишончинг комил бўлсинки, — давом этди, — сен ҳали, айтайлик, агар ҳар бир нарса учун ҳар сафар ундан алоҳида бўлиб турган ягона ғояга йўл қўядиган бўлсанг, қийинчиликнинг бутун ҳайбати ва маҳобатини ҳис қилмаган ҳисобланасан.

— Нима учун шундай? — савол берди Сукрот.

---

<sup>10</sup> Келтирилган далилга мувофиқ, *ғоялар* сони ҳескиз, чунки ҳар бир нарса ғояга, у эса, ўз навбатида, янги нарса учун намуна бўлган ғояга ўхшаб кетади. к.: *Арасту* . Метафизика I 9, 991a 31.

— Кўплаб ва хилма-хил сабабларга, асосан, қуйидаги сабабга кўра: агар кимдир ғоялар, бизнингча улар бўлиши лозим бўлгани каби, билиш учун умуман очиқ эмас деб таъкидлайдиган бўлса, бу фикрни билдирган шахс унга эътироз билдирадиган шахсдан кўра янглишгани, тажрибалироқ ва истеъдодлироқ эканлигини, баҳс-мунозара вақтида кўп сонли алоқаси энг узоқ далил-исботларни кузатиб бориш истагида бўлишини исботлашнинг имкони бўлмас эди. Акс ҳолда ғояларни билиб бўлмаслиги маъқуллаб туриб оладиган шахсларни фикридан қайтаришнинг имкони бўлмасди.

— Нима учун шундай, Парменид? — сўради Сукрот.

— Шу сабаблики, Сукрот, сен ҳам, ҳар бир нарсанинг қандайдир моҳияти мустақил равишда мавжуд бўлиши эҳтимолига йўл қўядиган бошқа ҳар қандай шахс ҳам, ўйлашимча, энг аввало, бизда биронта бундай моҳият йўқ эканлиги ҳақидаги фикрга рози бўлиши лозим.

— Ҳа, чунки бу ҳолатда у қандай қилиб мустақил равишда мавжуд бўла оларди? — сўз қистирди Сукрот.

— Сен тўғри гапиряпсан, — деди Парменид. — Негаки барча ғоялар моҳияти шундаки, улар фақат бири бошқасига нисбатан моҳият ҳисобланади ва бизда [уларда] бўлган фақат уларга алоқадорлик туфайли биз уларни у ёки бу ном билан атайдиган монандликларга нисбатан эмас (ёки буни ким қандай таърифламасин), балки фақат шу жиҳатдангина улар моҳиятга эга бўлади. Ўз навбатида, бизда бўлган, ғоялар билан бир хил номланадиган бу монандликлар ҳам фақат бир-бирига нисбатан мавжуд бўлади, ғояларга нисбатан эмас: бу монандликларнинг барчаси ўзига хос соҳани ташкил қилади ва у билан бир хил номдаги ғоялар сонига кирмайди.

— Қандай қилиб дейсан? — сўради Сукрот.

— Агар, масалан, — жавоб берди Парменид, — орамиздан кимдир кимнингдир хўжайини ёки кули бўлса, у албатта, ўз ҳолича, шундайлигича хўжайиннинг кули эмас, шунингдек, хўжайин ҳам ўз ҳолича, шундайлигича кулнинг хўжайини эмас, лекин унинг ҳам, бунинг ҳам муносабати инсоннинг инсонга муносабатидир. Хўжайинлик эса ўз ҳолича, ўз ҳолича кулга муносабат бўйича у бор бўлган нарса, худди шу тарзда ўз ҳолича куллик ўз ҳолича хўжайинликка нисбатан кулликдир. Бизда бор нарсанинг ғояларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, худди шу тарзда —



уларнинг ҳам бизга. Такрорлайман, ғоялар ўз ҳолича мавжуд ва фақат ўзига муносабатда бўлади, худди шу тарзда, бизда бўлган нарса фақат ўзимизга тегишли бўлади. Нима деганимни тушундингми?

— Тушунарли, — жавоб берди Суқрот.

— Шу сабабдан, — давом эттирди Парменид, — ўз ҳолича билим ҳам шундайлигича ҳақиқатни, ўз ҳолича ҳақиқатни билиш бўлиши керак эмасми <sup>11</sup>?

— Албатта.

— Энди, ҳар бир билим шу ҳолича ҳар бир нарсани шу ҳолича билиш бўлиши лозим, тўғрими?

— Ҳа.

— Бизнинг билимимиз эса бизнинг ҳақиқатни билишимиз бўлмайдими? Ҳар бир билим бизнинг нарсалардан бирига муносабатда бўлмайдими?

— Албатта.

— Лекин, сен тан олганингдек, биз ўз ҳолича ғояларга эга эмасмиз, бизда улар бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Албатта, йўқ.

— Шу аснода, ўз ҳолича мавжуд бўлган ҳар бир тур билим ғоясининг ўзи билан аниқланади деб ҳисоблаш керакми?

— Ҳа.

— Унга биз эга эмасмиз-а?

— Йўқ, эга эмасмиз.

— Бинобарин, биз ғояларнинг биронтасини билиб олмаймиз, чунки биз ўз ҳолича билимга алоқадор эмасмиз.

— Афтидан, шундай.

— Шу сабабдан биз учун на ўз ҳолича, шундайлигича ажойиб, на раҳмдил, на биз мустақил равишда мавжуд ғоялар сифатида йўл қўядиган барча нарсаларни билиб бўлмайди.

— Шундай шекилли.

---

<sup>11</sup> Парменид моҳиятни билишни мантиқий нарсаларни билишдан ажратади. Афлотун эса «Давлат»да ўз ҳолича билимни ва нарсалар ҳақидаги билимни ажратган ҳолда уларни бир қилиб боғлайди, чунки «ўз ҳолича» билим битта ўзига тегишли, лекин шу билан бирга, у қандайдир хислатларга эга бўлган ҳолда, «сифатли бир нарсага тегишли» бўлади, яъни алоҳида нарсани билишга айланади. Бу ердан умуман фан тоифаси ва хусусан фанлар таснифи келиб чиқади

— Лекин янада ажиб бир ҳолга эътибор қарат.

— Нима экан у?

— Тан оласанми ёки йўқми: агар бирон-бир машғулоти тури ўз ўзича мавжуд бўлса, у бизнинг билимимиздан анча мукамал бўладими? Гўзаллик ва бошқа барча нарсалар билан ҳам боғлиқ вазият худди шундай эмасми?

— Ҳа, шундай.

— Шундай экан, агар бирон нарса ўз ҳолича билимга алоқадор бўлса, ушбу энг мукамал билимга Худодан бошқа ҳеч ким бундай юқори даражада эга эмаслигини тан оласан, тўғрими?

— Албатта, тан оламан.

— Бошқа томондан, ўз ҳолича билимга эга бўлгани ҳолда, Худо бизда нима бор эканлигини билишга қодирми?

— Нимага энди қодир бўмасин?

— Шу сабабданки, Суқрот, — деди Парменид, — биз шу фикрга қўшилганимиздек, у ғояларнинг кучи бизда бор нарсаларга амал қилмайди ва бошқа томондан, бизда бор нарсанинг кучи ғояларга нисбатан амал қилмайди, лекин уларнинг иккаласи ҳам ўз ҳолича кифоя қилади.

— Ҳа, биз бу борадаги фикрга қўшилган эдик.

— Шундай қилиб, агар Худо юқорида айтиб ўтилган энг мукамал ҳукмронликка (устунликка) ва энг мукамал билимга эга бўлса, бунда Худонинг ҳукмронлиги ҳеч қачон бизга нисбатан амал қилмайди ва унинг билими на бизни, на бизнинг олам билан боғлиқ умуман ҳеч нарсани билиб олмайди: биз ўз ҳукмронлигимиз билан Худо устидан ҳукмронлик қилмаганимиз ва ўз билимимиз билан ҳеч қандай илоҳий нарсани билиб олмаганимиз каби, худди шу асосда, Худо ҳам бизнинг устимиздан ҳукмрон эмас ва инсоният ишларини билмайди.

— Бироқ агар Худога билишда рад этилса, бундай фикр жуда ҳам ғалати бўлиб кўринмайдими? — сўз қистирди Суқрот.

Парменид эса эътироз билдирди:

— Лекин, Суқрот, бунга ва ундан ташқари, бошқа кўплаб нарсаларга қўшимча равишда агар бу нарсалар ғоялари ҳақиқатда мавжуд бўлса ва агарда биз ҳар бир ғояни алоҳида бир мустақил нарса сифатида таърифлайдиган бўлсак, муқаррар равишда ғоялар ҳақида таълимот келтиради. Тингловчи тушунмай ҳайрон бўлади, бу ғоялар ёки умуман йўқ эканлиги ёки улар мавжуд бўлганда ҳам

инсон табиати учун сўзсиз идрок қилиб бўлмайдиган бўлишини исботлашга ҳаракат қилган ҳолда баҳслашади. Бундай эътирозлар асосли бўлиб кўринади, уларни билдирадиган шахсни эса, юқорида айтиб ўтилганидек, фикридан қайтариш жуда қийин бўлади. Ҳар бир нарсанинг маълум бир тури ва ўз ҳолича моҳияти мавжуд эканлигини тушуниш учун жуда истеъдодли бўлиш керак, буларнинг барчасини суриштириб, тагига етиш, ҳамма нарсани бутун тафсилотлари билан англаб етиш ва бошқаларга тушунтириш учун эса, бундан ҳам ажойиб иқтидор керак!

— Сенинг фикрингга қўшиламан, Парменид, — деди Сукрот, — менга сен айтаётган фикрлар ёқаяпти.

Парменид эса қуйидагича жавоб берди:

— Лекин бошқа томондан, Сукрот, агар кимдир ҳозиргина баён қилинганлар ва шунга ўхшашнинг ҳаммасини эътиборга олиб, нарсалар ғоялари мавжудлиги бўлиши мумкин эмас деб ҳисобласа ва ҳар бир мавжуд нарсалардан доимо ўзи учун айнан бир хил ғоя бўлиши эҳтимолига йўл қўймасдан, ҳар бир нарсанинг ғоясини алоҳида таърифламаса, у ўз фикрини қаерга йўналтиришни топа олмайди ва шу тариқа ҳар қандай мулоҳаза юритиш имкониятини йўққа чиқаради.

— Сен ҳақсан, — жавоб берди Сукрот.

— Фалсафа билан боғлиқ ишларни нима қиласан? Бундай нарсаларни билмаган ҳолда қаерга мурожаат қиласан?

— Ҳозирча мен буни умуман тасаввур ҳам қилмаяпман.

— Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, Сукрот, — деди Парменид, — сен ажойиб, адолатли, эзгулик ва бошқа ҳар қандай ғоя нима эканлигини вақтидан илгари, етарлича машқ қилмасдан туриб таърифлашга ҳаракат қилиясан. Мен буни ўтган куни, сенинг Асрасту билан суҳбатингни тинглаб тургандаёқ сезганман. Ишон, сенинг мулоҳаза юритишга интилишинг ажойиб, гўзал ва беназир, лекин токи ҳали ёш экансан, кўпчилик буни қуруқ маҳмаданалик, сафсатабоздик деб атайдиган ва ҳисоблайдиган нарсалар устида кўпроқ машқ қилишга интил; акс ҳолда ҳақиқат сендан ўзини олиб қочади.

### **(Ягона нарса ва бошқа нарса диалектикасига ўтиш)**

— Қайси усул билан машқ қилиш керак, Парменид? — сўради

Сукрот.

— Бу ҳақида сен Зенондан эшитгансан, — жавоб берди Парменид. — Лекин, тан бераман, сен ҳатто унга ҳам гапни зоҳирӣ нарсалар атрофида айлантириб, хаёл жойида бўлмаслигини рад қилиш борасида гап топиб, фақат зехн-идрок билан тушуниб етиш мумкин бўлган нарсаларни кўриб чиқиш ва ғоя сифатида тан олишни таклиф қилгансан.

— Аслида, — жавоб берди Сукрот, — мен бундай йўл билан ҳамма нарсалар монанд ва монанд эмас ва ҳ.к. эканлигини кўрсатиш қийин эмас деб биламан.

— Бу гапинг тўғри, — деди Парменид, — лекин агар яхшироқ машқ қилишни истасанг, бундай ташқари, қуйидагиларни бажариш керак: нафақат агар мавжуд бўлса, мавжуд нарсаларга бирон нима таклиф қилиш, ва тахминдан хулосалар кўриб чиқиш, балки худди шу нарсани мавжуд бўлмаганларга нисбатан ҳам тахмин қилиш лозим.

— Бу ерда нимани назарда тутяпсан? — сўради Сукрот.

— агар сен бир мунча вақт машқ қилишни истасанг, ҳеч бўлмаса Зенон томонидан билдирилган фаразни ол: фараз қилки, кўп нарса мавжуд ва бундан ўз ҳолича кўп нарса учун ўзига нисбатан ва ягона нарсага нисбатан ҳам, ягона нарса учун ўзига ва кўп нарсага нисбатан нималар келиб чиқиши мумкинлигига қара<sup>12</sup>. Бошқа томондан, агар кўп нарса мавжуд бўлмаса, яна бир марта кўриб чиқиш керакки, бундан ягона нарса учун ва кўп нарса учун уларнинг ўзига ва бир-бирига нисбатан нималар келиб чиқади. Шундан кейин, агар монандлик мавжуд ёки у мавжуд эмас деб тахмин қиладиган бўлсак, яна бир қарра, бу тахминларнинг ҳар биридан асос қилиб олинган учун ҳам, бошқа нарса учун ҳам, уларнинг ўзига ва бир-бирига нисбатидан қандай хулосалар келиб чиқади. Худди шу мулоҳаза юритиш усулини монанд эмасликка, ҳаракат ва ҳаракатсизликка, туғилиш ва ўлишга ва ниҳоят, борлик ва йўқликнинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш лозим; бир сўз билан айтганда, мавжуд ёки мавжуд эмасларга ёки бошқа бир ҳолатни ҳис қиладиганларга нималар тахмин қилмайсан, ҳар сафар бу

---

<sup>12</sup> Ушбу ҳолатда билиш учун предметнинг ўзи аҳамиятга ёки эга эмаслигидан қатъи назар, Парменид Сукротга предметни унинг барча алоқаларида ва билвосита ўрганишни таклиф қилади

тахминга нисбатан ҳам, битталаб олинган бошқа тахминларга нисбатан ҳам, худди улар кўп сонли ёки жамулжам бўлгани каби оқибатлар кўриб чиқилиши лозим. Бошқа томондан, агарда сен бу нарсаларда тегишли тарзда етарлича машқ қилиш, ҳақиқатни жиддий ва пухта тушуниб етиш ниятида бўлсанг, ўз танловингни нимада тўхтатганинг ва қандай тахмин қилганинг, мавжуд ёки мавжуд эмасларга тахмин қилганингдан қатъи назар, бошқа тахминларни ҳам доимо унинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам нисбатан кўриб чиқишинг лозим.

— Сен жуда оғир йўлни тасвишлаб бермоқдасан, Парменид, мен буни унчалик яхши тушунмаяпман. Яхшироқ тушунишим учун буни бирон-бир мисол ёрдамида кўрсатиб бера оласанми?

— Эҳ, Сукрот, мен қариянинг елкасига оғир вазифа юкляпсан, — жавоб берди Парменид.

— Бундай ҳолда, — деди Сукрот, — нима учун сен, Зенон, бу ишни биз учун қилиб беришинг мумкин эмас?

Зенон кулиб қўйди ва деди:

— Буни Пармендининг ўзидан сўраймиз, Сукрот: у айтаётган нарсалар у қадар оддий эмас. Нахотки сен қандай масала қўяётганингни кўрмайпсан? Агар биз бу ерда кўпроқ бўлганимизда эди, сўрашнинг ҳам кераги бўлмасди, чунки бу ҳақида кўпчилик орасида гапиришнинг, айниқса, анча ёшга бориб қолган киши учун керак эмас: ахир кўпчилик ҳар томонлама ва муфассал тадқиқотларсиз ва, ҳатто, иштибоҳларсиз ҳақиқатни англаб етиш имконияти йўқлигини тушунмайди. Алқисса, Парменид, шу аснода ўзим ҳам сени тинглаш ниятида Сукротнинг илтимосига қўшиламан.

Антифонтнинг сўзларига кўра, Пифодор ўзи ҳам, Арасту ҳам, қолган барча кишилар ҳам Зеноннинг бу сўзларидан кейин Пармениддан рад қилмасликни ва у ҳозиргина гапириб ўтганларни мисол ёрдамида тушунтириб беришни сўрганликларини ҳикоя қилиб берган.

Шунда Парменид қуйидаги сўзларни айтган:

— Рози бўлишга тўғри келади, гарчи мен ўзимни Ивик оти <sup>13</sup>

---

<sup>13</sup> Ивик ҳақида қ.: Федр, изоҳ 24. Қуйидаги шеър кўзда тутилади (фр. 2):

ҳолатида сезаётган бўлсам ҳам: кексайиб қолган жангчи икки гилдиракли жанг аравасида пойга мусобақасида қатнашиши керак бўлган ва у, ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, уни нималар кутаёганини билгани учун қалтираб турарди, шоир ўзини у билан таққослаган ҳолда, ўзи ҳам кексайган чоғида ўз хоҳишига қарши ишқ майдонида чиқиш қилишга мажбур эканлиги ҳақида гапиради. Буни эсда тутган ҳолда, мен катта бир кўрқув билан шу ёшга кирганда ушбу фикр-мулоҳазалар кенг ва чуқур уммонини қандай босиб ўтишим ҳақида ўйлайман. Яхшиси, уриниб кўраман: сизнинг кўнглингизни топиш керак, бунинг устига, Зенон айтганидек, бу ерда ҳамма ўзимизники, бегоналар йўқ. Шундай қилиб, нимадан бошлаймиз ва биринчи бўлиб нимани тахмин қиламиз? Агар сизга керак бўлса — модомики, бош қотирадиган ўйин ўйнашга қарор қилинган бўлса, — мен ўзимдан ва ўз ҳолича ягона нарса ҳақидаги қоидамдан бошлайман ҳамда агар ягона нарса мавжуд бўлса, қандай оқибатлар бўлиши, сўнгра ягона нарса мавжуд бўлмаганда қандай оқибатлар бўлиши мумкинлигини кўриб чиқаман.

— Албатта, — деди Зенон.

— Ким менга жавоб беради? — давом эттирди Парменид? Орангизда энг кичигингиз эмасми? У мени камроқ ўзига тортадиган бўларди ва айнан нимани ўйлаётган бўлса, шуни жаовб берган бўларди, шу билан бирга, унинг жавоблари мен учун нафас ростлашга имкон берган бўларди.

— Хизматингга мунтазирман, Парменид, — деди Арасту, — ахир, орамизда энг кичигимиз ҳақида гпирганда сен мени назарда тутгансан. Бас, саволингни бер, мен жавоб қайтараман.

### **(Ягона нарса учун хулосалаш билан ягона нарсани мутлақ ва нисбий фараз қилиш)**

— Хўш, — деди Парменид, — агар ягона нарса мавжуд бўлса,

---

И чарами разными в сети Киприды  
Крепкие вновь меня ввергает.  
Дрожу и боюсь я прихода его.  
Так на бегах отличившийся конь неохотно под старость  
С колесницами быстрыми на состязанье идет.

(Эллинские поэты) Пер. В. В. Вересаева.

бу ягона нарса кўп нарса бўлиши мумкинми?

*Арасту.* <sup>14</sup> Бу қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Демак, у қисмларга эга бўлмаслиги ва ўзи бутун, яхлит бўлмаслиги керак.

*Арасту.* Нимага шундай?

*Парменид.* Ўйлайманки, қисм бу бутун бир яхлитликнинг бир қисми.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Бутунлик, яхлитлик ўзи нима? Биронта етишмаётган қисми бўлмаган нарса бутун бир яхлитлик бўла олмайдими?

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Демак, иккала ҳолатда ҳам ягона нарса қисмлардан – бутун бир яхлитлик сифатида ҳам, қисмларга эга бўлган сифатида ҳам қисмлардан иборат бўлган бўларди.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Демак, иккала ҳолатда ҳам ягона нарса кўп нарса бўлган бўларди, ягона нарса эмас <sup>15</sup>.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* У кўп нарса эмас, ягона нарса бўлиши керак-ку.

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Демак, агар ягона нарса ягона нарса бўладиган бўлса, у бутун бир яхлитлик бўлмайди ва қисмларга эга бўлмайди.

*Арасту.* Йўқ, албатта.

*Парменид.* Шу сабабга кўра, умуман қисмларга эга бўлмаган

---

<sup>14</sup> *Арасту* ҳақида муқаддимага қаранг

<sup>15</sup> Сухбатнинг кейинги бобларида ўз ривожини топадиган Афлотуннинг ягона нарса ва бошқа нарса диалектикасини тушуниш учун шуни эътиборга олиш зарурки, Афлотун ягона нарсанинг бир неча турини ажратиб кўрсатади. Ягона нарсанинг биринчи тури ҳар қандай кўплика шунчалик қарама-қаршики, у ҳар қандай бўлинганликдан ва шу сабабли идеал маънода ҳар қандай бўлинганликдан маҳрум бўлади. У Афлотун «Давлат»да «моҳиятнинг нариги томонида» деб айтадиган соф «...дан ортик, ...дан ташқари»дир. Ягона нарсанинг икинчи тури бу – Афлотун оддий «битта нарса» эмас, «ягона борлик» деб атайдиган нарсадир. Ягона нарсанинг учинчи тури бу – ҳисоб ундан бошланадиган ва натурал сонлар каторидаги ҳар қандай сонга қарши қўйиладиган бирликдир. Ягона нарсанинг уч тури ушбу назариясини яққол шаклда Плотин келтириб ўтган (Эннеады V 1, 8).

Прокл анча ривожланган ва нозик дифференциация қилинган тоифалар билан, Афлотун – Плотин – Ямвлих анъанасига таяиб (кейинчалик бу позицияни Дамаский ҳам эгаллайди), ягона нарсанинг беш турини ташкил қилади (к.: *Лосев А. Ф.* Античный космос и современная наука, с. 281).

ҳолда у на ибтидога, на интиҳога, на ўртасига эга бўлиши мумкин эмас, чунки бу унинг қисмлари бўлган бўларди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Лекин ибтидо ва интиҳо ҳар бир нарсанинг чегарасини ташкил қилади-ку.

*Арасту.* Бошқачасига қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Демак, модомики у на ибтидосига, на интиҳосига эга эмас экан, ягона нарса чексиз-чегарасиз эканда<sup>16</sup>.

*Арасту.* Худди шундай.

*Парменид.* Шунингдек, ташқи кўринишдан ҳам маҳрум: у на айланасимон, на тўғри чизиққа алоқадор бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Айлана ахир бу унинг четлари марказдан бир хил масофада жойлашган шакл-ку.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Тўғри чизиқда эса — марказ иккала четни кўришга имкон бермайди.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Шундай қилиб, агар тўғри чизиқли ёки айланасимон шаклга алоқадор бўлганида, ягона нарса қисмларга эга ва кўп нарса бўлган бўларди.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Демак, агар қисмларга эга бўлмаса, у тўғри чизиқли ҳам эмас, шарсимон ҳам эмас.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Шундай бўлган ҳолида у ҳеч қаерда бўла олмайди, чунки на ўзида ва на бошқада бўла олмайди.

*Арасту.* Нима учун шундай?

*Парменид.* Бошқада бўлгани ҳолда у, ҳисоблаш керакки, бўлган жойида бўлган нарсалар билан қамраб олинган ва кўплаб жойларда уни ўзининг кўплаб қисмлари билан қамраб олинган бўларди, лекин ягона нарса қисмларга эга эмаслиги ва айланага алоқадор эмаслиги сабабли, у қуплаб жойларда доира бўйича

---

<sup>16</sup> Парменид томонидан берилган ягона нарса (битта нарса) чексиз, узлуксиз, ўзгармас, ҳаракатсиз, ҳаракатдан маҳрум, яъни соф фикрлаш соҳасида идеал борлиқ сифатида таърифи моҳиятан инкор қилинган ягоналик адоати орқали мантикий нарсалар дунёси билан боғлиқ бўлган Эмпедокл Сферосни натур-фалсафий тушунишга қарши қўяди



бирор нарсага дахлдор бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Мумкин эмас.

*Парменид.* Ўзида бўлгани ҳолда эса, у агар фақат ҳақиқатда ўзида бўлса, ўзидан бошқа ҳеч нарсани қуршаб олмайди: ахир нимадир ниманингдир ичида бўлиши ва у билан қуршаб (ўраб) олинмаслиги мумкин эмас.

*Арасту.* Албатта, бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Бинобарин, ўралган ва уни ўраб турганлар ҳар бири нимаси биландир бошқалардан фарқли бўлган бўларди – ахир, бир бутун яхлитликнинг ўзгинаси бир вақтнинг ўзида иккала ҳолатни ҳис қилиши ва қўзғатиши мумкин эмас, ва, шундай қилиб, ягона нарса битта эмас, иккита нарса бўлган бўларди.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Демак, ягона нарса ҳеч қаерда – на ўзида, на бошқаларда бўлмайди.

*Арасту.* Йўқ, бўлмайди.

*Парменид.* Ўйлаб кўрчи, шундай бўлгани ҳолда у ҳаракатсиз тинч ётиши ёки ҳаракат қилиши мумкинми.

*Арасту.* Нимага энди мумкин эмас?

*Парменид.* Чунки ҳаракат қилгани ҳолда у жойини ўзгартирган ёки ўзи ўзгарган бўларди: ахир бу ягона ҳаракат турлари-ку.

*Арасту.* Ҳа, тўғри.

*Парменид.* Лекин, ўзгарган ҳолда, ягона нарса эндиликда ягона нарса бўлмай қолади.

*Арасту.* Бўлмай қолади.

*Парменид.* Демак, у ўзгариш йўли билан ҳам ҳаракат қилмайди.

*Арасту.* Шубҳасиз, йўқ.

*Парменид.* У жойини ўзгартириш йўли билан ҳаракат қилмайдими?

*Арасту.* Бўлиши мумкин.

*Парменид.* Лекин, агар ягона нарса ҳаракат қилганида эди, у ёки жойида қолаверган ҳолда ўз атрофида айланган, ёки бир жойни бошқа жойга алмаштирган бўларди.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Шундай қилиб, ўз атрофида айланишда у марказга, шунингдек, унинг атрофида айланадиган бошқа қисмларга эга бўлиши зарур. Лекин на марказ ва на қисмлар унга хос бўлмаган нарса марказ атрофида айланиши, жойини ўзгартириши

мумкинми?

*Арасту.* Йўқ, бунинг асло имкони йўқ.

*Парменид.* Лекин, эҳтимол, [ягона нарса], ўрнини ўзгартирган ва гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўлган ҳолда не тарика ҳаракатланар?

*Арасту.* Ҳа, агар у ҳақиқатда ҳаракатланадиган бўлса.

*Парменид.* У бирон нарса ичида бўлиши мумкин эмас бўлиб чиқмайдими?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Демак, бирон нарсада пайдо бўлиш эҳтимоли янаям паст?

*Арасту.* Нима учун шундайлигини тушунмадим.

*Парменид.* Агар нимадир бирон нарсада пайдо бўладиган бўлса, у энди пайдо бўлгунга қадар у ерда бўлмаслиги зарур, лекин ҳамонки тез орада пайдо бўлар экан, тамомила ташқари бўлмаслиги ҳам керак.

*Арасту.* Шунақа.

*Парменид.* Демак, агар бу умуман бирон нарса билан рўй бериши мумкин бўлса, фақат қисмга эга бўлган нарса билан рўй берган бўларди; шунда бирон-бир қисм ниманингдир ичида, бошқа бир қисм эса шу вақтда ундан ташқарида бўлган бўларди; лекин қисмларга эга бўлмаган нарса ҳеч қанақасига бир вақтнинг ўзида тўлалигича бирон нарсанинг ичида ёки ташқарисида бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Агар на қисмлар бўйича, на тўлалигича тез орада пайдо бўлиши мумкин бўлмаса, бирон-бир жойда қисмларга эга бўлмаган ва бутун бир яхлитликни ташкил қилмайдиган нарса пайдо бўлишининг эҳтимоли янаям паст бўлиб кўринмайдими?

*Арасту.* Шунга ўхшайди.

*Парменид.* Демак, ягона нарса бирон-бир жойга йўналган ёки бирон нарсада пайдо бўлган ҳолда, ўз жойини ўзгартирмайди, у битта жойнинг ўзида айланмайди ва ўзгармайди.

*Арасту.* Афтидан, шунақа шекилли.

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарса бирон-бир ҳаракат тури билан ҳаракатланмайди.

*Арасту.* Ҳаракатланмайди.

*Парменид.* Лекин биз, шунингдек, унинг учун бирон нарсанинг

ичида бўлиш имконияти йўқ деб ҳам ҳисоблаймиз.

*Арасту.* Шунақа деб ҳисоблаймиз.

*Парменид.* Демак, ягона нарса ҳеч қачон битта жойнинг ўзида бўлавермайди.

*Арасту.* Нимага шундай?

*Парменид.* Чунки бунда у худди ўша жойдаги билан бир хил тарзда бошқа жойда ҳам бўлган бўларди.

*Арасту.* Мутлақо тўғри.

*Парменид.* Лекин ягона нарса учун на ўзида, на бошқада бўлиши имконияти йўқ.

*Арасту.* Бундай имконият йўқ.

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарса ҳеч қачон худди ўша нарсада бўлмайди.

*Арасту.* Афтидан, шундай шекилли.

*Парменид.* Лекин ҳеч қачон худди ўша нарсада бўлмайдиган нарса ҳаракатсиз тинч ҳолатда ва бир жойда турмайди.

*Арасту.* Ҳа, бунинг имкони йўқ.

*Парменид.* Шундай қилиб, маълум бўлишича, ягона нарса жойида ҳам турмайди, ҳаракатсиз ҳам бўлмайди.

*Арасту.* Афтидан, шундай.

*Парменид.* Энди, у на ўзига, на бошқага айнан ўхшаш бўлиши ва, бошқа томондан, ўзидан ёки бошқадан ҳам фарқланиб турадиган бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Нечук?

*Парменид.* Ўзидан фарқланиб турган ҳолда у, албатта, ягона нарсадан фарқ қилган ва ягона нарса бўлмаган бўларди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Бошқага айнан ўхшаш бўлган ҳолда эса, у ўзи эмас, бошқа бўлган бўларди, шундай экан, бу ҳолатда ҳам у аслида бўлгани каби – ягона нарса, лекин нимаси биландир ягона нарсадан фарқ қиладиган бўларди.

*Арасту.* Ҳа, айнан шундай.

*Парменид.* Демак, у бошқага айнан ўхшаш ёки ўзидан фарқланадиган бўлмайди.

*Арасту.* Бўлмайди.

*Парменид.* Лекин у, шунингдек, токи у ягона нарса бўлиб қолаверар экан, бошқадан фарқланмайди, чунки ягона нарса бирон нарсадан фарқ қилиши, ажралиб туриши ярамайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса унинг ягона нарса эканлиги туфайли бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Ёки, сенингча, бундай эмасми?

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Лекин, агар у ўзининг ягона нарса эканлиги сабабли бошқа нарса бўла олмаса, ўзи туфайли ҳам бошқа нарса бўла олмайди, агар у ўзи туфайли бошқа нарса бўла олмаса, унинг ўзи, асло бошқа нарса бўлмагани ҳолда, бошқа бирон нарсадан фарқланиб ҳам турмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Лекин у ўзига ҳам айнан ўхшаш бўлмайди.

*Арасту.* Нимага шундай?

*Парменид.* Наҳотки, ягона нарса унинг табиати айнан ўхшаш нарса унинг табиати билан бир хил бўлса?

*Арасту.* Наҳотки шундай эмас?

*Парменид.* Ахир нимадир бирон нарса билан айнан ўхшаш бўладиган бўлса, у ягона нарсага айланмайди.

*Арасту.* Унда нимага айланади?

*Парменид.* Кўп нарсага айнан ўхшаш бўлиб қолиб, у битта эмас, муқаррар равишда кўп нарсага айланади.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Лекин агар ягона нарса ва айнан ўхшаш нарса ҳеч нимаси билан фарқ қилмаса, нимадир айнан ўхшаш нарсага айланадиган ҳар сафар у ягона нарсага айланган ва ягона нарса бўлгани ҳолда айнан ўхшаш нарсага айланган бўларди.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Алқисса, агар ягона нарса ўзига айнан ўхшаш бўладиган бўлса, бу ҳолда у ўзи билан ягона нарса бўмайди ва шу тариқа, ягона нарса бўгани ҳолда ягона нарса бўлмайди. Лекин бунинг, албатта, имкони йўқ, демак, ягона нарса на бошқадан фарқланиб туриши, на ўзига айнан ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса на ўзига, на бошқага айнан ўхшаш бўлиши ёки бошқа бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Албатта, бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Энди, у на ўнга, на бошқага монанд ҳам, монанд эмас ҳам бўлмайди.

*Арасту.* Нима учун?

*Парменид.* Чунки монандлик бу – айнан ўхшашлик, маълум даражада унга хос бўлган ҳолатдир.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Лекин, маълум бўлишича, айнан ўхшашлик моҳиятан ягона нарсага ётдир.

*Арасту.* Ҳа, шундай экан.

*Парменид.* Энди, агар ягона нарса қандайдир хусусиятларга эга бўлганида, бундан ташқари, ягона нарса бўлиш учун биттадан ортиқ хусусиятга эга бўлган бўларди, бунинг эса имкони йўқ.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Демак, ягона нарса асло на ўзига, на бошқага айнан ўхшашликка йўл қўймайди.

*Арасту.* Шубҳасиз, шундай.

*Парменид.* Шундай экан, у на бошқага, на ўзига монанд бўла олмайди.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Бошқа томондан, ягона нарса бошқа бўлиш хусусиятига эга эмас, чунки бу ҳолатда у биттадан ортиқ хусусиятга эга бўлган бўларди.

*Арасту.* Ҳа, биттадан ортиқ хусусиятга эга бўларди.

*Парменид.* Лекин унинг ўзидан ва бошқадан фарқ қилиш хусусиятига эга эканлиги ўзига ҳам, бошқага ҳам монанд эмас, ҳамонки, айнан ўхшашлик хос бўлмаган ҳолатга монанд бўлгани каби.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Ягона нарса эса, аниқланганидек, фарқланиб туриш хусусиятига эга эмас, на ўзига ва на бошқага асло монанд эмас бўла олмайди.

*Арасту.* Албатта, бўла олмайди.

*Парменид.* Шундай экан, ягона нарса на ўзига ва на бошқага монанд ҳам, монанд эмас ҳам бўла олмайди.

*Арасту.* Шубҳасиз, бўла олмайди.

*Парменид.* Энди, шундай бўлгани ҳолда, у на ўзига ва на бошқага тенг ҳам, тенг эмас ҳам бўла олмайди.

*Арасту.* Нимага шундай?

*Парменид.* Тенг бўлгани ҳолда у ўзи тенг бўлган нарса билан бир хилда ўлчовларга эга бўлади.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* У таққосланиши мумкин бўлган катталиклардан кичик ёки катта бўлгани ҳолда у кичиклар билан таққослаганда кўпроқ ўлчовга, катталар билан таққослаганда эса – камроқ ўлчовларга эга бўлади.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Улар билан таққосланиши мумкин бўлмаган катталикларга нисбатан эса у на кўпроқ ва на камроқ ўлчовларга эга бўлади.

*Арасту.* Бошқача бўлиши ҳам мумкинми?

*Парменид.* Лекин айнан ўхшашликка алоқадор бўлмаган нарса битта ўлчовнинг ўзи бўлиши ёки бошқа билан айнан ўхшашликка эга бўлиши мумкинми?

*Арасту.* Мумкин эмас.

*Парменид.* Бир хил ўлчовга эга эмаслар эса на ўзига ва на бошқага тенг бўла олмайди.

*Арасту.* Кўриниб турибдики, шундай.

*Парменид.* Лекин, кўпроқ ёки камроқ сонли ўлчовларни ўз ичига олган ҳолда, у ўлчовлар иборат бўлган микдорга тенг қисмлардан иборат, лекин ундаги ўлчовлар сонига тенг сон бўлган бўларди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Агар фақат битта ўлчовдан иборат бўлганида шу ўлчовга тенг бўларди; лекин аниқланишича, унинг бирон нарсага тенг бўлиши мумкин эмас экан.

*Арасту.* Ҳа, бу маълум бўлди,

*Парменид.* Шундай қилиб, на бирон ўлчовга, на кўпчиликка, на камчиликка ва на айнан ўхшашликка алоқадор бўлмаган ҳолда, ягона нарса, шубҳасизки, ҳеч қачон на ўзига ва на бошқага тенг бўлмайди, шунингдек, ўзидан ёки бошқадан кўп ёки кам бўлмайди.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Энди мана бунга қулоқ сол. Ягона нарса бирон нарсадан ёши каттароқ ёки кичикроқ, ёки бир хил ёшда бўлиши мумкин, деб тасаввур қилса бўладими?

*Арасту.* Нимага энди бўмасин?

*Парменид.* Шунинг учун ҳамки, ўзи билан ёки бошқа билан бир хил ёшда бўлгани ҳолда у вақт бўйича ва монандлик бўйича

тенгликка алоқадор бўлади; биз эса ягона нарса на монандликка, на тенгликка алоқадор эмас деб айтиб ўтгандик.

*Арасту.* Ҳа, биз буни айтиб ўтгандик.

*Парменид.* Шунингдек, биз у монанд эмаслик ва тенг эмасликка ҳам алоқадор эмаслигини айтиб ўтганмиз.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Лекин шундай бўлгани ҳолда ягона нарса бирон нарсадан ёши катта ёки ёши кичик бўлиши ёки бир хил ёшда бўлиши мумкинми?

*Арасту.* Асло йўқ.

*Парменид.* Демак, ягона нарса на ўзидан ва на бошқадан ёши катта, ёши кичик ёки бир хил ёшда бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Шубҳасиз, шундай.

*Парменид.* Лекин агар ягона нарса шунақа бўлса, у умуман вақт бўйича мавжуд бўлиши мумкинми? Ахир вақт бўйича мавжуд бўлган нарсалар доимо ўзидан ёши катталашини зарур эмасми?

*Арасту.* Ҳа, зарур.

*Парменид.* Ёши каттароқ эса доим ҳам ёши кичикка нисбатан каттароқ эмасми?

*Арасту.* Бошқача бўлиши мумкинми?

*Парменид.* Демак, модомики, унда у ундан ёши каттароқ бўладиган нарса бўлар экан, ёши ўзидан каттароқ бўладиган нарса, шу билан бирга, ёши ўзидан кичикроққа ҳам айланаркан.

*Арасту.* Нималар деяпсан?

*Парменид.* Мана нима. Агар нимадир бошқадан аллақачон фарқли бўлса, у эндиликда ундан яна фарқ қилиши мумкин эмас, чунки у шундоқ фарқли ҳисобланади: агар нимадир бошқадан фарқли бўлган ёки энди фарқланадиган бўлса, демак, у шундай бўлган ёки яқинда шундай бўлади; лекин агар нимадир бошқадан фарқланадиган нарсага айланса, демак у ҳозирги пайтда фарқ қилмайди, келажакда фарқ қилмайди ва ўтмишда фарқ қилмаган, у фарқ қиладиганга айланади, бундан бошқача эмас.

*Арасту.* Ҳа, бу жуда зарур.

*Парменид.* Ёши каттароқ эса ёши кичикроқдан фарқ қиладиган бир нарсадир, бошқа бирон нарсадан фарқ қиладиган эмас.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Демак, ёши ўзидан каттароқ бўлиб қоладиган нарса шу, билан бирга, ёши ўзидан кичик бўлиб қолиши муқаррар.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Бошқа томондан, вақти бўйича у, албатта, ўзидан кўра на узоқ муддатли ва на қисқа муддатли бўлмайди ва ўзи билан бир хил вақт давомида бўлган ва бўлади.

*Арасту.* Ҳа, бу ҳам зарур.

*Парменид.* Шундай экан, вақт бўйича мавжуд бўлган ва унга алоқадор бўлган ҳамма нарса ўзи билан бир хил ёшга эга бўлиши ва шу билан бирга, ёши ўзидан каттароқ ва кичикроққа айланиши зарур бўлиб чиқади.

*Арасту.* Шундай, шекилли.

*Парменид.* Лекин ягона нарсага биронта бундай ҳолат хос эмас.

*Арасту.* Ҳа, ҳақиқатдан ҳам хос эмас.

*Парменид.* Демак, ягона нарса вақт билан алоқадор эмас ва бирон-бир вақтда мавжуд бўлмайди.

*Арасту.* Дарҳақиқат, мавжуд эмас; ҳар ҳолда, бизнинг мулоҳазаларимиз шуни кўрсатмоқда.

*Парменид.* Хўш, ундан кейинчи? «Бўлган», «бўлди», «бўла бошлаганди» сўзлари ўтган замонга алоқадорликни англатадиган бўлиб кўринмайдими?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Энди, «бўлган», «бўлди», «бўла бошлаганди» сўзлари ҳали рўй бериши лозим бўлган вақтга алоқадорликни кўрсатмайдими?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* «Бор», «бўла бошлади» сўзлари ҳозирги замонга алоқадорликни кўрсатадими?

*Арасту.* Худди шундай.

*Парменид.* Демак, агар ягона нарса ҳеч қайси замонга ҳеч қанақасига алоқадор бўмаса, демак у пайдо бўлмаган, шаклланмаган ва илгари бўлмаган, у бошланмаган, бошланмаётган ва ҳозирда йўқ, ва ниҳоят, у шаклланмайди, пайдо бўлмайди ва келажақда бўлмайди.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Лекин нимадир борлиққа бу усуллардан биридан кўра бошқача алоқадор бўлиши мумкинми?

*Арасту.* Бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Шундай экан, ягона нарса борлиққа алоқадор эмас.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.



**Парменид.** Ва шу сабабдан ягона нарса ҳеч қандай тарзда мавжуд эмас.

**Арасту.** Шубҳасиз, йўқ.

**Парменид.** Демак, у ягона нарса сифатида ҳам мавжуд эмас, чунки бу ҳолатда у мавжуд ва борлиққа алоқадор бўлиб қолган бўларди. Маълум бўлишича, ягона нарса, агар бундай мулоҳазаларга ишонадиган бўлсак, ягона нарса сифатида ҳам, умуман ҳам мавжуд эмас.

**Арасту.** Шундай бўлиб чиқади.

**Парменид.** Агар нимадир мавжуд бўлмаса, бирон нарса унга тегишли бўлиши ёки ундан келиб чиқиши мумкинми?

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** Бинобарин, унинг учун на ном ва на сўз, на у ҳақида билим, на уни ҳиссиёт орқали идрок қилиш ва на фикр мавжуд эмас.

**Арасту.** Шундай бўлса керак

**Парменид.** Демак, на уни айтиб бўлади, на у ҳақида мулоҳаза билдириб бўлади, на у ҳақида ўзида фикр шакллантириб бўлади, на уни билиб бўлади ва мавжуд бўлганлардан ҳеч нарса уни ҳиссиёт билан идрок қила олади.

**Арасту.** Маълум бўлишича, шундай.

**Парменид.** Лекин ягона нарса билан боғлиқ вазият ҳам шундай бўлиши мумкинми?

**Арасту.** Йўқ. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлади.

**Парменид.** Истайсанми, дастлабки тахминга қайтамыз ва, эҳтимол, шу тариқа бирон-бир бошқа нарсага келармиз?

**Арасту.** Албатта, истайман.

**Парменид.** Шундай қилиб, биз агар ягона нарса мавжуд бўлса, улар қандай бўлишидан қатъи назар, ягона нарса учун келиб чиқадиган оқибатларни қабул қилиши лозим деб таъкидлаймизми?

**Арасту.** Ҳа.

**Парменид.** Менинг фикрларимни бошидан бошлаб кузат: агар ягона нарса мавжуд бўлса, у мавжуд бўлгани ҳолда, борлиққа алоқадор бўлмаслиги мумкинми?

**Арасту.** Мумкин эмас.

**Парменид.** Шундай қилиб, ягона нарсанинг ягона нарса билан айнан ўхшаш бўлмаган борлиғи мавжуд бўлиши лозим, акс ҳолда ушбу борлиқ ягона нарсанинг борлиғи бўлмаган бўларди ва ягона

нарса унга алоқадор бўлмаган бўларди, лекин, барибир, «ягона нарса мавжуд» ёки «ягона нарса ягона» деб айтиш билан бир хил бўларди. Энди эса, биз «ягона нарса ягона», деган тахминдан эмас, балки «ягона нарса мавжуд», деган тахминдан келиб чиқамиз. Тўғрими?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Шунда «мавжуд» сўзи «ягона нарса»дан бошқа нарсани англатадими?

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Шу сабабли агар кимдир яқунда ягона нарса мавжуд деб айтадиган бўлса, бу ягона нарсанинг борлиққа алоқадор эканлигини англатадими?

*Арасту.* Албатта, англатади.

*Парменид.* Саволни яна бир марта такрорлаймиз: «ягона нарса мавжуд» деган тахминдан қандай оқибатлар келиб чиқади? Эътибор қаратчи, бу тахмин қисмларга эга бўлган ягона нарсани англатиши зарур бўлиб туюлмайдими?

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Мана бундай: агар «мавжуд» сўзи мавжуд ягона нарса ҳақида, «ягона нарса» эса – ягона мавжуд бўлган нарса ҳақида билдирадиган бўлса ва бошқа томондан, борлик ва ягона нарса айнан ўхшаш бўлмаса, лекин фақат биз эҳтимол қилган ягона мавжуд нарсага алоқадор бўлса, бунда мавжуд ягона нарсанинг ўзи бутун бир яхлитлик, ягона нарса ва борлиқ эса – унинг қисмлари бўлиши зарур эмасми?

*Арасту.* Зарур, адбатта.

*Парменид.* Энди, бу қисмларнинг ҳар бирини фақат қисм деб аташ керакми ёки ҳар бир қисм бутун бир яхлитликнинг қисми деб аталиши керакми?

*Арасту.* Бутун бир яхлитликнинг қисми деб.

*Парменид.* Демак, ягона бўлган нарса бир вақтнинг ўзида бутун бир яхлитлик ҳисобланади ва қисмларга эга, шундайми?

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Хўш, ундан кейинчи? Мавжуд ягона нарсанинг бу икки қисмидан ҳар бири – айнан ягона нарса ва борлиқ: ягона нарса ўзининг бир қисми сифатида борлиқсиз ва борлиқ ўзининг бир қисми сифатида ягона нарсасиз бошқалардан ўзгача бўлиб қолавериши мумкинми?

*Арасту.* Йўк, бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Демак, бу қисмларнинг ҳар бири, ўз навбатида, ягона нарсадан ҳам, борлиқдан ҳам иборат ва ҳар қандай қисм яна камида икки қисмдан иборат бўлади; худди шу асосда унинг бир қисмига айланиши лозим бўлган ҳамма нарса доимо аниқ шу тарзда бу иккала қисмдан иборат бўлади, чунки ягона нарса доимо борлиқдан, борлиқ эса – ягона нарсадан иборат бўлади, чунки у доимо иккитага айланиши сабабли ҳеч қачон муқаррар ягона нарса бўлмайди<sup>17</sup>.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Хўш, шундай қилиб, мавжуд ягона нарса чексиз кўп нарсани ифодаламайдими?

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Масалага яна қуйидаги тарзда ҳам ёндашиб кўр.

*Арасту.* Қай тарзда?

*Парменид.* Биз ягона нарса борлиққа алоқадор ва шу туфайли мавжуддир деб айтмаганмидик?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Айнан шу сабабли мавжуд ягона нарса кўп нарса бўлиб чиқди.

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Агар биз онгимиз билан, борлиққа алоқадор дея таъкидлайдиган қамраб оладиган, лекин уни фақат ўз ҳолича, бизнинг фикримизга кўра, у алоқадор бўлган нарсасиз оладиган бўлсак – у фақат ягона нарса бўлиб қоладими ёки кўп нарса бўлиб ҳамми?

*Арасту.* Ягона нарса бўлиб. Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлайман.

*Парменид.* Кўрамыз. Ягона нарса борлиқ эмас, лекин ягона нарса сифатида унга алоқадор бўлса, борлиқ ундан муқаррар равишда фарқ қилиши ва ўзи борлиқдан фарқ қилиши лозим

---

<sup>17</sup> «Мавжуд ягона нарса»да, шунингдек, бу «мавжуд ягона нарсанинг» чексиз бўлинадиган қисмларининг ҳар бирида, алоҳида «борлиқ»да ва алоҳида «ягона нарса»да борлиқ ва ягона нарса мавжудиги ҳақидаги фикр Плотин томонидан унинг тоифалари ўзаро алоқалари учун модель сифатида фойдаланилган. «Эннеада» да (VI 2, 7) у «мохият» ва «ҳаёт», «ҳаёт» ва «акл», «харакат» ва «ягона нарса» ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақида ёзади. Чексиз бўлинадиган ҳар бир алоҳида қисмда, Плотинга кўра, иккита ибтида – ягона нарса ва борлиқ албатта мавжуд бўлади.

эмасми?

*Арасту.* Шундай бўлиши керак.

*Парменид.* Демак, агар борлиқ ва ягона нарса бир-биридан фарқ қиладиган бўлса, ягона нарса борлиқдан у ягона нарса эканлиги сабабли фарқ қилмайди, худди шу тарзда борлиқ ҳам унинг борлиқ эканлиги сабабли ягона нарса билан таққослаганда бошқача ҳисобланмайди, лекин улар бир-биридан бошқа ва фарқлилиги сабабли фарқ қилади.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Шу сабабли бошқа нарса на ягона нарса билан, на борлиқ билан айнан ўхшаш эмас.

*Арасту.* Бошқачасига қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Агар улардан бирини танлайдиган бўлсак, хоҳласанг – борлиқ ва бошқани, хоҳласанг – ягона нарса ва бошқани, бунда ҳар бир танловда уларни «иккаласи» деб аташ тўғри бўлган иккита бундай аъзони олмаймизми?

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Мана бундай: «борлиқ» деб айтиш мумкинми?

*Арасту.* Мумкин.

*Парменид.* Шунингдек, «ягона нарса» деб айтиш ҳам мумкинми?

*Арасту.* Бу ҳам мумкин.

*Парменид.* Лекин бу тарзда уларнинг ҳар бири айтилмаганми?

*Арасту.* Айтилган.

*Парменид.* Агар мен «борлиқ ва ягона нарса» деб айтадиган бўлсам, уларнинг иккаласини айтган бўлмайманми?

*Арасту.* Албатта, иккаласини ҳам айтган бўласан.

*Парменид.* Шундай экан, агар мен «борлиқ ва бошқа» ёки «ягона нарса ва бошқа» деб айтадиган бўсам, демак доимо «иккаласи» ҳар бир жуфтлиги ҳақида гапирган бўламан. Тўғрими?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* «Иккаласи» деб тўғри айтиладиган нарса тўғри, иккита деб айтилдиган нарса эса нотўғри бўлиши мумкинми?

*Арасту.* Бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Бизнинг олдимизда иккита нарса турганда, уларнинг ҳар бири битта бўлмаслиги борасида бирон-бир имконият мавжудми?

*Арасту.* Асло йўқ.

**Парменид.** Лекин биз олган жуфтликларнинг ҳар бири иккита аъзо бирикувини ифодалайди; демак, уларнинг ҳар бири битта бўлади.

**Арасту.** Шак-шубҳасиз.

**Парменид.** Агар уларнинг ҳар бири битта бўлса, исталган бирликни исталган жуфт бирикуви билан қўшишда уларнинг ҳаммаси биргаликда учтага айланмайдими?

**Арасту.** Ҳа.

**Парменид.** Уч тоқ сон, икки эса – жуфт сон эмасми?

**Арасту.** Бошқачасига қандай бўлиши мумкин?

**Парменид.** Энди, икки таркибида икки марта бир, уч таркибида эса уч марта бир бор экан, икки мавжуд бўлганда икки марта ҳам бўлиши, уч мавжуд бўлганда эса уч марта ҳам бўлиши зарурми?

**Арасту.** Зарур.

**Парменид.** Икки ва икки марта мавжуд бўлганда икки карра икки ҳам бўлиши зарурми? Уч ва уч марта мавжуд бўлганда эса, уч карра уч ҳам бўлиши шартми?

**Арасту.** Бошқачасига қандай бўлиши мумкин?

**Парменид.** Энди, уч ва икки карра, шунингдек, икки ва уч карра мавжуд бўлганда икки карра уч ва уч карра икки бўлиши зарурми?

**Арасту.** Шак-шубҳасиз, зарур.

**Парменид.** Бинобарин, жуфт сонларнинг жуфт сонларга, тоқ сонларнинг эса тоқ сонларга, шунингдек, жуфт сонларнинг тоқ сонларга ва тоқ сонларнинг жуфт сонларга кўпайтмаси ҳам бўлиши мумкин.

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Агар шундай бўлса, унинг мавжуд бўлиши зарур эмас (шарт эмас) бўлган биронта сон қолган деб ўйламайсанми?

**Арасту.** Йўқ, бундай деб ўйламайман.

**Парменид.** Демак, агар бир мавжуд бўлса, сон (рақам) ҳам мавжуд бўлиши зарур.

**Арасту.** Албатта зарур.

**Парменид.** Лекин сон (рақам) мавжуд бўлганда кўп нарса ва мавжуд нарсанинг чексиз кўплиги ҳам бўлиши керак<sup>18</sup>. Аслида,

---

<sup>18</sup> *Сон* чексизлиги ҳақида неоплатончилар кўп талқин қилганлар ва изоҳ берганлар. Хусусан, Дамаскийда (Damascii successoris dubitationes et solutiones de primis principiis in Platonis Parmenidem / Ed. C. Ruelle. Paris, 1889) сонлар табиати ҳақида чексизликка қадар бирлашиш ва ажралишдан иборат бўлган бутун бошли муҳокама мавжуд (§ 200). Ушбу

сони миқдори ва борлиққа алоқадорлиги сабабли чексиз бўлиб чиқмайдими?

*Арасту.* Албатта, шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Лекин агар барча сонлар борлиққа алоқадор бўлса, унда соннинг ҳар бир қисми ҳам унга алоқадор бўлиши керакми?

*Арасту.* Худди шундай.

*Парменид.* Демак, борлиқ мавжуд бўлган кўплик ўртасида тақсимланиши керак ва ҳеч бир нарсада, на энг кичик ва на энг катта нарсада йўқ эмас? Қолаверса, бу ҳақида сўрашнинг ўзи ҳам беъмани, шундай эмасми? Дарҳақиқат, қандай қилиб борлиқ бирон-бир мавжуд нарсадан ажралган ҳолда бўлиши мумкин?

*Арасту.* Ҳа, бундай бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Шундай экан, у энг кичик, йирик ва бошқа эҳтимолий қисмларга бўлинган, энг юқори даражада қисмларга ажратилган ва борлиқ қисмлари сони чексиз кўпдир.

*Арасту.* Сен ҳақсан.

*Парменид.* Шундай қилиб, борлиқ қисмлари ҳаммадан кўп.

*Арасту.* Ҳа, ҳаммадан кўп.

*Парменид.* Хўш, улар орасида борлиқнинг қисми бўлган ва шу билан бир пайтда унинг қисми бўлмаган қисм борми?

*Арасту.* Бу қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Аксинча, агар у мавжуд бўлса, ўйлашимча, токи у мавжуд экан, у доимо нимадир бир нарса бўлиши лозим, ҳеч нарса бўлишнинг эса имкони йўқ.

*Арасту.* Ҳа, бу жуда зарур.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса борлиқнинг на кичик, на

---

чексизлик якуни бўлмаган бир нарса маъносида эмас, ажратиш учун чегаралар йўқлиги маъносида тушунилади. Шу сабабли ҳар қандай умумий нарса бу умумий нарсанинг қисмларидан иборат бўлган муайян нарсалар кўплигида мавжуд бўлган ҳолда бўлинади. Шуниси кизиқки, Дамаскийда «ягона нарса-ўзида», «бошқа нарса-ўзида» ва «борлиқ-ўзида» бир-бири билан фақат мазмун жиҳатидан алоқадор эмас, лекин реал оламда айрим нарсалар бошқа нарсалар билан боғланган бўлади ва, битта нарса қандай бўлмасин, шу билан бир вақтда у бошқа нарса ҳам ҳисобланади. Дамаский чексизлик ва кўплик ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилишда тўғридан-тўғри «Парменид»га ҳавола беради, бунда кўплик унда худди якунийга алоқадор бўлгани ҳолда якуний бўлиши мумкинлиги каби, ўзининг чексизликка алоқадорлиги сабабли чексиз бўлиб чиқади. Дамаскийга кўра, ўзи билан чегараланган, лекин тоза, соф кўринишдаги ҳар қандай сон якуний кўпликдан фаркли равишда доимо чексиз бўлади. Шундай қилиб, биз Дамаскийда унинг фикрига кўра, бу маъбудлар томонидан белгиланган эканлиги сабабли одам тушиниши (идрок қилиши) мумкин бўлмаган чегара ва чексизлик диалектикаси ҳақида кизиқарли мулоҳазаларни топамиз.

катта ва на бошқа бирон-бир қисмини истисно қилмаган ҳолда, ҳар бир алоҳида қисмида мавжуд.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Ягона нарса бир вақтнинг ўзида кўплаб жойларда бўлгани ҳолда бир бутун яхлитлик бўлиб қолаверадими? Бу ҳақида ўйлаб кўр!

*Арасту.* Мен ўйлаб кўрдим ва фикримча, бунинг имкони йўқ.

*Парменид.* Демак, бутун бир яхлитлик эмас экан, у қисмларга ажратилган бўлади; ахир қисмларга ажратилмаган ҳолда у бир вақтнинг ўзида борлиқнинг барча қисмларида бўлиши асло мумкин эмас.

*Арасту.* Бу тўғри.

*Парменид.* Энди, бўлинадиган нарса қисмлар сонига миқдорий жиҳатдан мос келиши шак-шубҳасиз зарур.

*Арасту.* Албатта зарур.

*Парменид.* Демак, яқиндагина борлиқ энг кўп сонли қисмларга бўлинган эканлигини таъкидлаб, биз ёлғон гапиргандик: ахир, маълум бўлишича, у ягона нарсадан кўп бўлган эмас, балки шунча сондаги қисмларга бўлинган экан, на борлиқ ягона нарсадан ажратилмаганлиги ва на ягона нарса борлиқдан ажратилмаганлиги сабабли иккита бўлгани ҳолда, улар доимо ҳамма нарсада тенг бўлади<sup>19</sup>.

*Арасту.* Афтидан, шундай чиқади.

*Парменид.* Шундай қилиб, борлиқ билан майда қисмларга бўлинган ягона нарсанинг ўзи жуда улкан ва чексиз кўпликни ташкил қилади.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Демак, нафақат мавжуд ягона нарса кўп нарса ҳисобланади, балки борлиқ билан майда қисмларга бўлинган ўз ҳолича ягона нарса ҳам кўп нарса бўлиши лозим.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Бироқ қисмлар бутун бир яхлитликнинг қисмлари эканлиги сабабли ягона нарса яхлит бир бутунлик сифатида чегараланиб қўйиши мумкин. Аслида ҳам, қисмлар бутун бир

---

<sup>19</sup> Ягона нарса ва борлиқ ўзаро алоқалари, уларнинг тенглиги, бир-биридан ажралмаслиги, уларнинг жуфтлиги Арасту томонидан «Метафизика»да талқин қилинади (IV 2, 1003B 23–26, 32–34).

яхлитлик билан қамраб олинмайдими?

*Арасту.* Шубҳасиз, қамраб олинади.

*Парменид.* Уларни қамраб оладиган нарса эса чегара ҳисобланади.

*Арасту.* Бундан бошқача бўлиши мумкинми?

*Парменид.* Шундай экан, мавжуд ягона нарса ўйлашимизча, бир вақтнинг ўзида ягона нарса ҳам, кўп нарса ҳам, бутун бир яхлитлик ҳам, қисмлар ҳам, чегараланган ҳам, миқдорий чексиз ҳам ҳисобланади.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Модомики, у чегараланган бўлса, у четларга эга эмасми?

*Арасту.* Албатта, эга бўлади.

*Парменид.* Энди, у бутун бир яхлитлик эканлиги сабабли ибтидоси, ўртаси ва интиҳосига эга бўлиши керак эмасми? Нимадир бу учта аъзо бўлмаган ҳолда, тўлиқ, бутун бир яхлитлик бўла оладими? Агар нимадир буларнинг биридан маҳрум бўлса, у тўлиқ, бутун бир яхлитлик бўлиб қолавериши мумкинми?

*Арасту.* Мумкин эмас.

*Парменид.* Демак, шундай бўлиб чиқадики, ягона нарса ҳам ибтидосига, ҳам интиҳосига, ҳам ўртасига эга бўлиши лозим.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Лекин ўрта бу четлардан бир хил масофада жойлашган бўлади, акс ҳолда у ўрта бўлмаган бўларди.

*Арасту.* Албатта шундай.

*Парменид.* Шундай бўлгани ҳолда, ягона нарса, афтидан, тўғри чизиқли, айланасимон ёки аралаш бир бошқа фигурага ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

*Арасту.* Ҳа, бу гапинг тўғри.

*Парменид.* Лекин, бундай хусусиятларга эга бўлган ҳолда у ҳам ўзида, ҳам бошқада бўлади оладими?

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Ахир қисмларнинг ҳар бири бутун бир яхлитликнинг ичида бўлади ва ундан ташқарида биронта қисм бўла олмайди.

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Барча қисмлар бутун бир яхлитлик томонидан қамраб олинадими?



*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Лекин ягона нарса бу – унинг барча қисмларидир: ҳаммадан кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Энди, ягона нарса бутун бир яхлитликни ташкил қилмайдими?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Лекин агар барча қисмлар бутун бир яхлитлик ичида жойлашса ва уларнинг барчаси ягона нарсани ва бутун бир яхлитликни ташкил қилса ҳамда ҳамма нарса бутун бир яхлитлик билан қамраб олинса, бу ягона нарса ягона нарса билан қамраб олиниши ва шу тариқа, ягона нарса ўзининг ичида бўлишини англатмайдими<sup>20</sup>?

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Лекин, бошқа томондан, бутун бир яхлитлик қисмларга – на барча қисмларда, на қисмларнинг алоҳида биронтасида жойлашмайди. Аслида, агар у барча қисмларда жойлашадиган бўлса, у битта қисмда ҳам жойлашган бўлиши керак, унки бирон-бир битта қисмда жойлашмаган ҳолда у барча қисмларда ҳам бўла олмасди; чунки агар бу қисм – барча қисмлардан бири бўлса, бутун бир яхлитлик эса мавжуд бўлмаса, у қандай қилиб барча қисмларда бўлиши мумкин?

*Арасту.* Бунинг ҳеч қандай имкони йўқ.

*Парменид.* Лекин у алоҳида қисмларда ҳам жойлашмаган: ахир агар бутун бир яхлитлик айрим қисмларда жойлашган бўлганида эди, катта нарса кичик нарсанинг ичида бўларди, бундай

---

<sup>20</sup> «Парменид»нинг ўзида бўлган ягона нарса ҳақида фикри бутун бир яхлитлик ва қисм диалектикасидан келиб чиқади. Арастунинг «Физика» асарида ҳам у ягона нарса узлуксизлиги ва кўп сонли эканлигини ҳақида ёзганда ҳам бу масала муҳокама қилинади (I 2, 185b 11–15).

Секст Эмпирик «Пиррон қоидалари уч китоби»да (пер. Н. В. Брюлловой-Шаскольской. СПб., 1913) «Бутун бир яхлитлик ва қисмлар ҳақида» боби мавжуд (III 14, 98—101). Секст ҳам, худди Арасту каби, қийин аҳволга тушиб қолган, чунки бир томондан, ёки бутун бир яхлитлик унинг қисмларидан бошқа бир нарса эмас, ёки қисмларнинг ўзи бутун бир яхлитликни ташкил қилади. Агар бутун бир яхлитлик қисмдан кўра бошқа нарса бўлса, у ҳеч нарсадир, чунки қисмлар йўқ бўлиб кетганда ҳеч нарса қолмайди. Агар қисмлар бутун бир яхлитликни ташкил қиладиган бўлса, у ўзи мавжудликка эга бўлмайди ва фақат қуруқ ном ҳисобланади. Бу ердан Секст унга хос бўлган қатъийлик билан ягона нарса мавжуд эмас, лекин қисмлар ҳам мавжуд эмас деб хулоса чиқаради, бунда ушбу хулосани гапнинг кифтини келтирадиган сафсата (софизм) билан тасдиқлашга ҳаракат қилади.

бўлишининг эса асло имкони йўқ.

*Арасту.* Ҳа, имкони йўқ.

*Парменид.* Лекин, на қисмларнинг кўпчилик қисми ичида, на уларнинг биронтасида ва на барча қисмларда жойлашмаган ҳолда бутун бир яхлитлик бошқа бирон нарсада жойлашиши керак эмасми ёки умуман ҳеч қаерда жойлашиши керак эмасми?

*Арасту.* Керак.

*Парменид.* Лекин, ҳеч қаерда жойлашмаган ҳолда у ҳеч нарса эмас бўлган бўларди, аммо у бутун бир яхлитлик эканлиги ва ўзининг ичида жойлашмаган эканлиги сабабли у бошқа нарсада жойлашиши керак эмасми?

*Арасту.* Албатта, шундай бўлиши керак.

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарса бу - бутун бир яхлитлик эканлиги сабабли, у бошқа нарса ичида жойлашади, у барча қисмларнинг йиғиндиси эканлиги сабабли эса – ўзининг ичида жойлашган бўлади. Шундай қилиб, ягона нарса ўзининг ичида ҳам, бошқа нарсада ҳам бўлиши мумкин.

*Арасту.* Ҳа, бу жуда зарур.

*Парменид.* Лекин, бундай хусусиятларга эга бўлгани ҳолда у ҳам ҳаракатланиши, ҳам ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлиши лозим.

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* У, ўзининг ичида бўлгани ҳолда, албатта, ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлади: ахир, ягона нарса ичида бўлган ва ундан чиқмаган ҳолда у худди ўша жойда – ўзининг ичида бўлади.

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Доим бир жойда бўладиган нарса эса доимо ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлиши лозим.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Энди, доимо бошқа нарсанинг ичида бўладиган нарса, аксинча, ҳеч қачон ўшанинг ичида бўлмаслиги керакми? Ҳеч қачон ўщанинг ичида бўлмаган ҳолда эса - ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлмаслиги, ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлмаган ҳолда эса - ҳаракатда бўлиши лозим, шундайми?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Шундай қилиб, доим ўзининг ичида ва бошқа нарса ичида бўлгани ҳолда ягона нарса доимо ҳаракатда бўлиши ва ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлиши лозим.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

**Парменид.** Кейин у, модомики, юқорида айтиб ўтилган хусусиятларга эга бўлар экан, ўзига айнан ўхшаш бўлиши ва ўзидан фарқ қилиши ва худди шу тарзда бошқа нарсага айнан ўхшаш ва ундан фарқ қилиши лозим.

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** Ўйлайманки, ҳар қандай нарса бошқа ҳар қандай нарсага қуйидаги муносабатда бўлади: у ёки бошқа нарсага айнан ўхшаш ёки бошқача бўлади; агарда у айнан ўхшаш эмас ва бошқача эмас бўлса, унинг бошқа нарсага муносабати ёки қисмининг бутун бир яхлитликка муносабати, ёки бутун бир яхлитликнинг қисмга муносабати бўлиши мумкин.

**Арасту.** Шундай бўлиб чиқади.

**Парменид.** Шундай қилиб, ягона нарса ўзининг бир қисми саналиши мумкинми?

**Арасту.** Асло йўқ.

**Парменид.** Демак, агар ягона нарса ўзига худди қисмга каби муносабатда бўлганида эди, у ўзига нисбатан унинг бир қисми бўлгани ҳолда бутун бир яхлитлик ҳам бўлмасди.

**Арасту.** Ҳа, бунинг имкони йўқ.

**Парменид.** Ягона нарсага муносабат бўйича ягона нарса бошқа нарса эмасми?

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Демак, у ўзидан фарқли бўлиши мумкин эмас.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Шундай қилиб, агар ўзига муносабат бўйича ягона нарса на бошқа нарса, на бутун бир яхлитлик, на қисм саналмас экан, у ўзига нисбатан айнан ўхшаш бўлиши керак эмасми?

**Арасту.** Бўлиши керак.

**Парменид.** Лекин қандай қилиб? Ўзида бўлиб турган ўзи билан таққослаганда бошқа жойда жойлашган нарса бошқа жойда бўлиб туриш оқибатида ўзига нисбатан бошқа нарса бўлиши керак эмасми?

**Арасту.** Афтидан, шундай бўлиши керак.

**Парменид.** Лекин ягона нарса айнан шундай бўлиб чиқди, чунки у бир вақтнинг ўзида ўзининг ичида ҳам, бошқа нарсада ҳам бўлади.

**Арасту.** Ҳа, шундай бўлиб чиқди.

**Парменид.** Демак, шу сабабдан ягона нарса, афтидан, ўзига

нисбатан бошқа нарса бўлиши верак.

*Арасту.* Афтидан, шундай.

*Парменид.* Энди, агар нимадир бирон нарсадан фарқ қиладиган бўлса, у фарқ қиладиган нарсадан фарқ қилмайдими?

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона бўлмаган ҳамма нарса ягона нарсага нисбатан бошқа нарсами ва ягона нарса – ягона бўлмаган нарсага нисбатан бошқа нарсами?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарса бошқага нисбатан бошқа нарса бўлиши лозим.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Лекин мана бунга қара: айнан ўхшаш нарса ва бошқа нарсанинг ўзи бир-бирига қарама-қарши эмасми?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Айнан ўхшаш нарса қачондир бошқа нарсада ёки бошқа нарса айнан ўхшаш нарсада бўлиши мумкинми?

*Арасту.* Бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Лекин агар бошқа нарса ҳеч қачон айнан ўхшаш нарсада бўла олмаса, мавжуд нарса ичида бошқа нарса бирн-бир вақт давомида бўлиши мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ; ахир агар у бирон муддат бирон нарсанинг ичида бўлганида эди, шу вақт мобайнида фарқ қиладиган айнан ўхшашнинг ичида бўлган бўларди. Шундай эмасми?

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Агар бошқа нарса ҳеч қачон айнан ўхшаш нарсанинг ичида бўлмаса, у ҳеч қачон мавжуд нарсадан биронтасида бўла олмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Демак, бошқа нарса ягона бўлмаган нарсада ҳам, ягона нарсада ҳам бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Демак, ягона нарса ягона бўлмаган нарсадан ва ягона бўлмаган нарса ягона нарсадан бошқа нарса воситасида фарқ қилмайди.

*Арасту.* Йўқ.

*Парменид.* Худди шу тарзда ўзининг воситасида бўлмаган ҳолда улар ўзаро фарқ қилади, чунки улар бошқа нарсага алоқадор

эмас.

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Агар улар ўзининг воситасида ва бошқа нарса воситасида фарқ қиладиган бўлмаса, уларнинг икки томонлама фарқлари эътибордан қолиб кетмайдими?

**Арасту.** Эътибордан четда қолиб кетади.

**Парменид.** Лекин бошқа томондан, ягона бўлмаган нарса ягона нарсага алоқадор эмас; акс ҳолда ягона бўлмаган нарса ягона бўлмаган нарса бўлмасди ва қандайдир тарзда ягона нарса бўлган бўларди.

**Арасту.** Тўғри.

**Парменид.** Лекин ягона бўлмаган нарса шунингдек, сон ҳам бўлмайди, чунки сонга эга бўлгани ҳолда у асло ягона бўлмаган нарса бўла олмасди.

**Арасту.** Йўқ, албатта.

**Парменид.** Хўш, эндичи? Ягона бўлмаган нарса ягона нарсанинг бир қисми эмасми? Ёки бу ҳолатда ҳам ягона бўлмаган нарса ягона нарсага алоқадор бўлармиди?

**Арасту.** Алоқадор бўларди.

**Парменид.** Демак, агар умуман бу – ягона нарса, у эса – ягона бўлмаган нарса бўлса, ягона нарса на ягона бўлмаган нарса бир қисми бўлиши, на қисм сифатида унга нисбатан бутун бир яхлитлик бўлиши мумкин эмас; бошқа томондан, ягона бўлмаган нарса ҳам на ягона нарсанинг бир қисми, на қисм сифатида ягона нарсага нисбатан бутун бир яхлитлик бўлиши мумкин эмас <sup>21</sup>.

**Арасту.** Алаббта, йўқ.

**Парменид.** Лекин биз улар орасида на қисмнинг бутун бир яхлитликка, на бутун бир яхлитликнинг қисмга, на тафовутларга

---

<sup>21</sup> Ягона нарса ва бошқа нарса, яъни ягона бўлмаган нарса, қисм ва бутун бир яхлитлик, бутун бир яхлитлик ва қисм диалектикаси ҳақида, айнан ўхшашлик ва фарқ қилиш муносабатлари ҳақида мулоҳазалар қадим замонларда баъзида самарасиз аклий машқлар сифатида қабул қилинган бўлиб, бунда унга кўра Парменид Арасту билан суҳбатнинг бошида дастлаб «битта нарса» мавжудлигини, кейин эса унинг мавжуд эмаслигини исботлашга тайёрланган ҳолда «бош қотирадиган ўйин» ҳақида гапирадиган Афлотуннинг ўзи айбдор бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда ўзининг илк тамойилларини Афлотуннинг «Парменид»ига асослаган неоплатончи Дамаский куйидагича ёзиб қолдирганди: «Парменид ўйинчига ўхшайди. Айримларга у мантиқ билан хўжа кўрсинга шуғулланадиган бўлиб кўринади» (§ 320). Бироқ қадимги юнон ва рум фалсафаси тарихи, Афлотунда асло софистик машқлар эмас, балки айнан ягона нарса диалектикаси мунтазам чуқурлашиб бориши ва дифференциацияси ҳақида далолат берган ҳолда, бизга бунинг тескариси ҳақида сўзлайди.

эга бўмайдиган нарсалар ўзаро айнан ўхшаш бўлади деб айтиб ўтгандик.

*Арасту.* Ҳа, шундай дегандик.

*Парменид.* Лекин агар вазият шундай бўлса, ягона нарса ягона бўлмаган нарса билан айнан ўхшаш деб таъкидлашимиз лозим эмас?

*Арасту.* Шундай қилиш лозим.

*Парменид.* Демак, шундай бўлиб чиқадики, ягона нарса бошқа нарсдан ва ўзидан фарқ қилади ва шу билан бир пайтда, унга ва ўзига айнан ўхшаш бўлади.

*Арасту.* Эҳтимол, бу мазкур мулоҳазалардан келиб чиқадиган энг тўғри хулоса шекилли.

*Парменид.* Лекин ягона нарса, шунингдек, ўзига ва бошқа нарсага нисбатан монанд ва монанд эмас бўладими?

*Арасту.* Бўлиши мумкин.

*Парменид.* Ҳар ҳолда, у бошқа нарсага нисбатан бошқача бўлиб чиққан экан, бошқа нарса ҳам унга нисбатан бошқача бўлиши лозим.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Лекин, у шунингдек, бошқа нарсдан, бошқа нарса эса ундан фарқ қилиши – кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас – десак тўғри бўладими?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Агар кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас бўлса, демак – бир хил.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса бошқа нарсага нисбатан нимадир фарқли нарсани ҳис қилиши ва аксинча, ягона нарса бошқа нарсага нисбатан ва бошқа нарса ягона нарсага нисбатан бир хил нарсани ҳис қилиши лозим.

*Арасту.* Бу билан нима демоқчисан?

*Парменид.* Айтмоқчиманки, сен номларнинг ҳар бирини бирон-бир нарсага нисбатан қўлламайсанми?

*Арасту.* Қўлламан.

*Парменид.* Битта номнинг ўзидан эса бир мартадан кўпроқ фойдаланишинг мумкинми?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Лекин уни бир марта айтгач, сен у билан у

муносабатда бўлган нарсани белгилаб, уни кўп марта айтган ҳолда эса, бошқа нарсани белгиламайсанми? Ёки битта номнинг ўзини муқаррар равишда бир марта ёки кўп марта айтган ҳолда сен битта нарсанинг ўзини белгилайсанми?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Лекин «бошқа нарса» сўзи ҳам ниманингдир номику.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Демак, сен унинг номини – бир марта ёки кўп марта – айтганда, сен буни бошқа бирон нарсани белгилаш учун қиласан ва бошқа нарсани айтмайсан, фақат у ном бўлиб хизмат қиладиган нарсани айтасан, шундайми.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Мана энди, биз бошқа нарса ягона нарсадан фарқ қиладиган нимадир ва ягона нарса – бошқа нарсадан фарқ қиладиган нимадир эканлиги ҳақида гапирганда икки марта «фарқ қиладиган» деб айтиб, шу тариқа биз бу сўз билан бирон-бир бошқа табиатни эмас, лекин доимо ўша нарсани ифода қиладиган сўзни атаймиз.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса бошқа нарсадан қай даражада фарқли бўлса, бошқа нарса ҳам худди шу даражада ягона нарсадан фарқли бўлади ва уларга хос бўлган «фарқ қиладиган бўлиш» хусусиятига келадиган бўлсак, ягона нарса қандайдир бошқа бир фарққа эмас, балки бошқа нарса эга бўлган билан бир хил фарққа эга бўлади. Нимадир қай тарзда бўлса ҳам айнан ўхшаш бўлса, монанд ҳисобланади. Шундай эмасми?

*Арасту.* Худди шундай.

*Парменид.* Мана энди, ягона нарса бошқа нарсадан фарққа эга бўлганлиги сабабли, худди шу сабабга кўра, уларнинг ҳар бири ҳар бир нарсага монанд, чунки ҳар бир нарса ҳар бир нарсадан фарқ қилади.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Лекин бошқа томондан, монандлик монанд эмасликка қарама-қарши.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Бинобарин, бошқа нарса ҳам айнан ўхшашга қарама-қарши.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Лекин шунингдек, аниқланишича, ягона нарса бошқа нарса билан айнан ўхшаш экан.

*Арасту.* Ҳа, бу нарса аниқланди.

*Парменид.* Ахир бу қарама-қарши ҳолатлар – бошқа нарса билан айнан ўхшаш бўлиш ва бошқа нарсадан фарқ қилиш-ку.

*Арасту.* Булар тамомила қарама-қарши нарсалар.

*Парменид.* Лекин улар турлича эканлиги сабабли монанд бўлиб чиқади.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Демак, айнан ўхшашликда улар ўхшаб кетиш хусусиятига қарама-қарши хусусият туфайли монанд эмас бўлади. Ахир уларни бошқа нарса монанд қилиб қўйган?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Демак, уларни айнан ўхшашлик уларни монанд эмас қилади, акс ҳолда у бошқа нарсага қарама-қарши бўлмайди.

*Арасту.* Афтидан шундай.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса бошқа нарсага монанд ва монанд эмас бўлади: чунки бошқа нарса – монанди, айнан ўхшаш нарса эса – монанд эмас.

*Арасту.* Ҳа, афтидан, ягона нарса шундай талқинга ҳам эга.

*Парменид.* Бундан ташқари яна қуйидаги таърифга ҳам.

*Арасту.* Қандай таърифга?

*Парменид.* У айнан ўхшашлик хусусиятига эга эканлиги сабабли, у бошқачалик хусусиятидан маҳрум, бошқачалик хусусиятига эга бўлмаган ҳолда эса у монанд эмас бўлиши мумкин эмас, монанд эмас бўлгани ҳолда эса у монанд ҳисобланади. У бошқачалик хусусиятига эга эканлиги сабабли у – бошқа нарса, чунки бошқа нарса бўлгани ҳолда монанд эмас ҳисобланади.

*Арасту.* Сен ҳақсан.

*Парменид.* Бинобарин, агар ягона нарса бошқа нарса билан айнан ўхшаш ҳам, ундан фарқ қиладиган ҳам бўлса, иккала хусусиятга ва уларга алоҳида равишда мувофиқ ҳолда у бошқа нарсага монанд ва монанд эмас бўлади.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* У ўзидан фарқли ҳам, айнан ўхшаш ҳам бўлиб чиққанлиги сабабли энди иккала хусусиятга ва уларнинг ҳар



бирига алоҳида мувофиқ ҳолда худди шу тарзда ўзига монанд ва монанд эмас бўлиб чиқмайдими?

*Арасту.* Албатта, шундай.

*Парменид.* Энди ягона нарсанинг ўзи билан ва бошқа нарса билан тугишиш ва тегишмаслик (туташиш ва туташмаслик) билан боғлиқ вазиятни қара.

*Арасту.* Қулоғим сенда.

*Парменид.* Маълум бўлишича, ягона нарса бутун бир яхлитлик сифатида ўзининг ичида ётар экан.

*Арасту.* Бу нарса маълум бўлди.

*Парменид.* Лекин ягона нарса бошқа нарсада ҳам жойлашган бўлмайдими?

*Арасту.* Бўлади.

*Парменид.* У бошқа нарсада жойлашган эканлиги сабабли бошқа нарса билан туташади, ўзининг ичида жойлашган эканлиги сабабли эса бошқа нарса билан туташади истисно қилинади ва у фақат ўзига туташади, чунки ўзининг ичида жойлашган бўлади<sup>22</sup>.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса ўзи билан ва бошқа нарса билан туташиб туради.

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Қуйидаги ҳолат билан боғлиқ вазият қандай: бирон нарса билан туташади лозим бўлган ҳамма нарса у туташади лозим бўлган нарсанинг ёнида бўлиши, унинг ёнидан у ерда жойлаган ҳолда у билан туташади мумкин бўлган жой эгаллаши керакми?

*Арасту.* Керак.

*Парменид.* Шундай экан, агар ягона нарса ўзи билан ўзи туташади керак бўлса, у ўз жойлашган жойнинг ёнидан жой эгаллаган ҳолда ўзининг ёнида ётиши керак.

*Арасту.* Ҳа, шундай бўлиши керак.

*Парменид.* Албатта, агар ягона нарса иккита бўлганида эди, у

---

<sup>22</sup> Бу ерда иккита тоифа — ягона нарса ва бошқа нарса диалектикасини ифодалайдиган «нимадандир ташқарида мавжуд бўлган» ва «туташиш» инога илгари сурилади. Арасту («Физика») соф тавсифий кўринишда бир қатор расмий-мантикий тоифаларни кўрсатиб ўтган бўлиб, уларнинг орасида «биргаликда», «алоҳида», «тегиш, теккизиш», «оралик», «тартиб бўйича кейинги», «чегарадош, ёнма-ён», «узлуксиз» ва бошқаларни топиш мумкин. Қ.: V 2, 227b 1–2; 3, 226b 21–227a.

бу ишни қилиши ва бир вақтнинг ўзида иккита жойда бўлиши мумкин бўларди, лекин модомики у битта экан, бу ишни бажара олмайди.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Демак, битта заруратнинг ўзи ягона нарсага иккита бўлишни ҳам, ўзи билан туташни ҳам тақиқлайди.

*Арасту.* Битта заруратнинг ўзи.

*Парменид.* Лекин у бошқалар билан ҳам туташмайди.

*Арасту.* Нима учун?

*Парменид.* Чунки, биз таъкидлаганимиздек, туташин лозим бўлган нарса алоҳида бўлиб қолавериши, у туташини лозим бўлган нарсанинг ёнида бўлиши, лекин уларнинг орасида ҳеч қандай учинчи нарса бўлмаслиги лозим.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Шундай қилиб, агар туташин ўринга эга бўладиган бўлса, камида иккита аъзонинг кўзга кўриниб туриши талаб этилади.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Агар иккита ёндош аъзога учинчи аъзо ҳам қўшиладиган бўлса, уларнинг сони учта, туташин эса иккита бўлади.

*Арасту.* Ҳа, худди шунақа.

*Парменид.* Шундай қилиб, доимо битта аъзо қўшилганда яна битта туташув қўшилади ва туташувлар сони туташувчи аъзолар сонидан битта кам бўлади. Дарҳақиқат, дастлабки икки аъзо туташувдан қанчалик кўп бўлган бўлса, яъни уларнинг сони туташувлар сонидан қанчалик катта бўлса, худди шу тарзда уларнинг ҳар бир кейинги сони барча туташувлар сонидан шунчага катта бўлади, чунки энди бир вақтнинг ўзида аъзолар сонига бирлик ва туташувлар сонига битта туташув қўшилиб боради.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Шундай қилиб, аъзолар сони қанча бўлмасин, туташувлар сони доимо биттага кам бўлади.

*Арасту.* Худди шундай.

*Парменид.* Лекин агар иккита эмас, фақат битта аъзо мвжуд бўлса, демак, бунда туташув бўлмайди.

*Арасту.* Қандай қилиб?

**Парменид.** Ахир биз таъкидлаб ўтдикки, бошқа нарса – ягона бўлмаган нарса ягона нарса эмас ва унга алоқадор эмас, чунки у умуман бошқадир.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Демак, бошқа нарсада сон йўқ, чунки унда бирлик (бир) йўқ.

**Арасту.** Бошқача қандай бўлиши мумкин?

**Парменид.** Бинобарин, бошқа нарса – бир ҳам эмас, икки ҳам эмас ва унга нисбатан умуман бирон-бир сонни қўллаб бўлмайди.

**Арасту.** Ҳа, қўллаб бўлмайди.

**Парменид.** Демак, ягона нарса фақат битта ва у иккита бўлиши мумкин эмас.

**Арасту.** Шак-шубҳасиз, бўлиши мумкин эмас.

**Парменид.** Шу сабабга кўра ҳам, модомики, иккита аъзо йўқ экан, демак туташув ҳам бўлмайди.

**Арасту.** Худди шундай.

**Парменид.** Демак, ягона нарса бошқа нарса билан туташмайди ва бошқа нарса ягона нарса билан туташмайди, чунки туташувнинг ўзи йўқ.

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Шундай қилиб, буларнинг барчасига кўра, ягона нарса ўзи билан ҳам, бошқа нарса билан ҳам туташади ва туташмайди.

**Арасту.** Шундай бўлиб чиқади.

**Парменид.** Лекин, у, шунингдек, ўзига ва бошқа нарсага тенг ва тенг эмас бўлмайдами?

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** Ахир, агар ягона нарса бошқа нарсадан каттароқ ёки кичикроқ ёки аксинча, бошқа нарса ягона нарсадан каттароқ ёки кичикроқ деб фараз қиладиган бўлсак, бунда – тўғри эмасми – улар ўз моҳиятларига кўра, яъни ягона нарса бу ягона нарса эканлиги, бошқа нарса эса – ягона нарсага нисбатан бошқа нарса эканлиги туфайли бир-биридан қанчагадир катта ёки кичик бўлади. Лекин агар ўзининг моҳиятидан ташқари уларнинг иккаласи тенгликка ҳам эга бўлса, бунда улар бир-бирига тенг бўлади; агар бошқа нарса буюкликка, ягона нарса эса, кичикликка эга бўлса, буюклик унга қўшиладиган ғоялардан бири каттароқ, кичиклик қўшиладиган ғоя эса – кичикроқ бўлиб чиқади. Шундай

эмасми?

*Арасту.* Албатта, шундай.

*Парменид.* Демак, шу иккита буюклик ва кичиклик ғояси мавжуд. ахир агар улар мавжуд бўлмаганида, улар бир-бирига қарама-қарши ва мавжуд нарсада бўла олмасди.

*Арасту.* Бўла олмасди.

*Парменид.* Лекин агар ягона нарсада кичиклик мавжуд бўлса, у бутун бир яхлитликда ёки унинг бир қисмида бўлади.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Фараз қилайлик, у бутун бир яхлитликда бўлиб турибди. Бу ҳолатда у ёки бутун бир яхлитлик бўйлаб бир текисда тарқалиши ёки уни қамраб олиши мумкинми?

*Арасту.* Шак-шубҳасиз, мумкин.

*Парменид.* Лекин, бутун бир яхлитлик бўйлаб бир текисда тарқалган ҳолда у бир оз тенгрок, қамраб олган ҳолда эса, ундан бир оз каттарок бўлмайдами?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Демак, бир оз дегани, нимагадир тенг ёки нимадандир каттарок бўлиши ҳамда ўзи эмас, балки буюклик ёки тенглик сифатида иштирок этиши мумкин.

*Арасту.* Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Шундай қилиб, бир оз дегани бутун бир яхлитликда бўлиши мумкин эмас, фақат унинг бир қисмида бўлиши мумкин, холос.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Бироқ барча қисмларида ҳам эмас, акс ҳолда бир ознинг роли бутун бир яхлитликка нисбатан бўлгани билан бир хил бўлади, яъни у ўзи жойлаган қисмга ёки тенг ёки ундан катта бўлади.

*Арасту.* Ҳа, шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, модомики, на бутун бир яхлитликда, на унинг бирор қисмида бўлиши мумкин эмас экан, бир оз дегани ҳеч қачон мавжуд бўлган нарсанинг биронтасида бўлмайди; демак, бир ознинг ўзидан бошқа ҳеч қандай бир оз бўлмайди.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарсада буюклик ҳам бўлмайди: ахир унда буюкликнинг ўзидан ташқари яна нимадир, масалан, буюклик иборат бўладиган нарса каттарок бўлиб чиқади ва бунга

кўшимча равишда бу буюклик ундан устун келиши лозим бўлган бир оз дегани йўқ бўлганида, у ҳақиқатда буюк бўлади. Лекин сўнгги ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас, чунки бир оз дегани ҳеч нимада жойлашмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Лекин буюкликнинг ўзи фақат битта бир оз деганининг ўзидан катта ва бир оз деганининг ўзи фақат битта буюкликдан кичкина.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Бинобарин, бошқа нарса ягона нарсадан катта ҳам эмас, кичик ҳам эмас, чунки у на буюкликдан ва на кичикликдан иборат эмас; энди буларнинг кейингилари ягона нарсага нисбатан эмас, балки фақат бир-бирига нисбатан бўлиш ва устунлик қилиш қобилиятига эга; ва ниҳоят, ягона нарса ҳам буюклик ва кичикликдан, шунингдек, бошқа нарсадан на катта ва на кичик бўлиши мумкин эмас, чунки у ҳам на буюклик ва кичикликни ўз ичига олмайди.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, агар ягона нарса бошқа нарсадан катта ҳам, кичик ҳам бўлмаса, ундан ортиқ бўлиш ёки ортиқ бўлмаслик зарурми?

*Арасту.* Зарур.

*Парменид.* Лекин ўзи ортиқ бўлмайдиган ва ундан ортиқ бўлинмайдиган нарса ўлчовга тенг бўлиши, ўлчовга тенг бўлгандан кейин эса умуман тенг бўлиши зарур.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Энди, ягона нарсанинг ўзи ўзига нисбатан худди шундай муносабатда бўлади; чунки у на буюкликни ва на кичикликни ўз ичига олмайди, у ўзидан ортиқ бўлмайди ва ортда ҳам қолмайди, лекин ўлчовга тенг бўлгани ҳолда ўзига ҳам тенг бўлади.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Демак, ягона нарса ўзига ва бошқа нарсага тенг бўлади.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Энди, ўзидда бўлгани ҳолда ягона нарса, шунингдек, ташқридан ўзини ўраб олади ва ўраб олувчи сифатида ўзидан катта бўлади, ўраб олинувчи сифатида эса, кичикроқ бўлади.

Шундай қилиб, ягона нарса ўзидан катта ҳам, кичик ҳам бўлиб чиқади.

*Арасту.* Ҳа, шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Лекин, ягона нарсдан ташқарида ва бошқа нарсдан ташқарида ҳеч нарса бўлмаслиги зарурми?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Лекин мавжуд бўлган нарса доим қаердадир бўлиши керак-ку<sup>23</sup>.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Бирон ниманинг ичида бўлган нарса, кичик нарса катта нарсанинг ичида бўлгани каби, унинг ичида бўлмайдами? Ахир, акс ҳолда, бири бошқасининг ичида бўлмаган бўларди.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Бошқа нарса ва ягона нарсдан бошқа ҳеч нима йўқлиги ва улар бирон-ниманинг ичида бўлиши зарурлиги сабабли, улар бир-бирида – бошқа нарса ягона нарсада ва ягона нарса бошқа нарсада бўлиши ёки ҳеч қаерда бўлмаслиги зарурми?

*Арасту.* Афтидан, шундай.

*Парменид.* Ягона нарса бошқа нарсада бўлиши сабабли, бошқа нарса уни ўраб турувчи сифатида ягона нарсдан катта бўлади, ягона нарса эса, ўралиб турувчи сифатида бошқа нарсдан кичикроқ бўлади; бошқа нарса ягона нарсада бўлиши сабабли ягона нарса худди шу асосда бошқа нарсдан катта, бошқа нарса эса – ягона нарсдан кичик бўлади.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Демак, ягона нарса ўзидан ва бошқадан катта ҳам, кичик ҳам, тенг ҳамдир.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Энди, модомики, у катта, кичик ёки тенг экан, ўзига

---

<sup>23</sup> Афлотуннинг «Тимей» асарида мавжуд бўлган нарсаларнинг ҳар хил турлари ҳақида бутун бошли муҳокама мавжуд. Бири – фикрлашга хос, ҳеч қаерга кирмайдиган, туғилмайдиган, абадий, кўзга кўринмайдиган, ҳис қилинмайдиган, яъни билиш мумкин бўлган. Иккинчиси – у ҳам фикрлаш соҳасига мансуб, лекин туғилган, ҳиссиётлар учун очик, ҳаракатчан, пайдо бўладиган, йўқ бўладиган – фикрлаб бўладиган. Учинчиси – материя чексизлигини ўз иига оладиган, ҳиссиётлар асосида (улар ҳам ишончсиз ахир) «барча мавжуд нарсалар муқаррар равишда қайсидир жойда бўлиши ва маълум бир маконни эгаллаши лозим» эканлигига ишонтаришга ҳаракат қиладиган нотўғри мулоҳаза юритиш учун очик бўлган макон. Бироқ, Афлотунга кўра, ғоялар моддий маконга жойлашиши мумкин эмас, улар қайсидир маконни эгаллайдиган моддий ҳолдаги буюмлардан фарқли равишда ҳиссиётлар билан тушуниб етилмайди.

ва бошқа нарсага нисбатан шунча, кўпроқ ёки камроқ ўлчовга, худди шу каби қисмларга ҳам эга бўлади.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Лекин, худди шунча, каттароқ ёки кичикроқ ўлчовларга эга бўгани ҳолда, у, бинобарин, миқдорий жиҳатдан ўзидан ва бошқа нарсадан катта ёки кичик бўлади, шунингдек, ўзига ва бошқа нарсага миқдорий жиҳатдан тенг ҳам бўлади.

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Агар ягона нарса нимадандир катта бўлса, у билан таққослаганда кўпроқ ўлчовга, қанча ўлчов бўлса – шунча қисмларга эга бўлади; агар у нимадандир кичик ёки унга тенг бўлса ҳам вазият худди шу йўсинда рўй беради.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Шундай қилиб, ўзидан катта ва кичик, шунингдек, ўзига тенг бўлгани ҳолда у аслида унда бўлган билан бир хил, кўпроқ ёки камроқ ўлчовларга, қанча ўлчов бўлса – шунча қисмларга эга бўлади?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин??

*Парменид.* Лекин, ўзида бўлгани билан бир хил қисмларга эга бўлгани ҳолда, миқдори жиҳатдан у ўзига тенг бўлади, уларга кўпроқ эга бўлган ҳолда эса – миқдорий жиҳатдан кўпроқ, камроқ эга бўлган ҳолда эса, миқдорий жиҳатдан камроқ бўлади.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Ягона нарса, худди шу тарзда бошқа нарсага ҳам муносабатда бўладими? Ягона нарса ундан каттароқ бўлиб чиқиши сабабли миқдорий жиҳатдан ҳам ундан каттароқ бўлиши зарур; чунки кичик билан кичикроқ, ҳажми бўйича бошқа нарсага тенг эканлиги сабабли эса, унга миқдорий жиҳатдан ҳам тенг бўлиши лозим.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса яна, афтидан, миқдорий жиҳатдан ўзидан ва бошқадан катта, кичик ва тенг бўлади.

*Арасту.* Ҳа, шундай бўлади.

*Парменид.* Ягона нарса шунингдек, вақтга ҳам алоқадор эмасми? Вақа алоқадор бўлгани ҳолда у ўзидан ва бошқа нарсадан ёшроқ ва каттароқ, шунингдек, ўзидан ва бошқа нарсадан ёш эмас ва катта эмас бўлмайдими?

*Арасту.* Қандай қилиб?

**Парменид.** Агар ягона нарса мавжуд бўлса, унга албатта, борлиқ хос бўлади.

**Арасту.** Ҳа.

**Парменид.** Наҳотки «бор» борлиқнинг ҳозирги замонга алоқадорлигидан бошқа бир нарсени англатса? «Бўлган» борлиқнинг ўтган замонга, «бўлади» эса келаси замонга алоқадорлигини англатмайдими?

**Арасту.** Албатта, англатади.

**Парменид.** Шундай қилиб, агар ягона нарса борлиққа алоқадор бўлса, демак у вақтга ҳам алоқадор бўлади.

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Демак, ҳозирги вақтга?

**Арасту.** Да.

**Парменид.** Демак, модомики вақт билан бирга олға қадам ташлар экан, у доимо ёши ўзидан катта бўлиб боради.

**Арасту.** Албатта, шундай.

**Парменид.** Ёши каттароқ ёши кичикроқ бўладиганга нисбатан ёши каттароққа айланиши ёдингдами?

**Арасту.** Ёдимда.

**Парменид.** Агар ягона нарса ўзидан кўра ёши каттароқ бўладиган бўлса, у ёшараётган сифат ўзидан ёши каттароққа айланиши лозим.

**Арасту.** Албатта, шундай.

**Парменид.** Унда у ўзига нисбатан ёши каттароқ ва ёши кичикроққа айланади, шундай бўлиб чиқадими.

**Арасту.** Ҳа.

**Парменид.** Унинг ўтмиш ва келажак оралиғида ҳозирги пайтда шаклланиши рўй бераётганда, у ёши каттароқ эмасми? Ахир, «аввал, илгари»дан «кейин»га ўтар экан, у «ҳозир»ни асло айланиб ўтиб кета олмайди».

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Шундай қилиб, ҳозирги пайтда бўлганда ва бундан катталашмай кўйганда катта бўлмай кўяди, лекин каттароқ бўладими? Аслида, ягона нарса узлуксиз олға томон ҳаракатланиши сабабли у ҳеч қачон ҳозирги пайтда тўхталиб қолиши мумкин эмас: ахир олдинги қараб кетаётган нарса ҳозирги пайтни ортда қолдирган ва келажакни эгаллаб ола бошлаган ва шу тариқа уларнинг оралиғидан ўрин олган ҳолда ҳозирги пайт ва



келажак билан туташиш хусусиятига эга бўлади.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Агар шаклланиб борадиган ҳамма нарса ҳозирги замондан ўтиши зарур бўлса, у билан бараварлашгач, шаклланишни тўхтатади ва шу маҳалад у шаклланиш давомида эришган нарса ҳисобланади.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарса катталашган ҳолда ҳозирги замонга етгач, у шаклланишни тўхтатади ва бу лаҳзада каттароқ бўлади.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Лекин у ёши каттароқ бўлиб шаклланган нарсдан ёши каттами? У ўзидан кўра ёши каттага айланиб бормаганми?

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Ёши каттароқ эса, ёши кичикроқдан кўра, ёши катталашганми?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Демак, ягона нарса ёши катталашган ҳолда, ҳозирги замонга эриган лаҳзадаги ўзидан ёши кичикдир.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Лекин ҳозирги замон унинг бутун борлиғи умумий кечиши давомида доимо мавжуд бўлади, чунки ягона нарса қачон мавжуд бўлганлигидан қатъи назар, ҳозирги замонда доимо мавжуд бўлади.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарса доимо ёши ўзидан катта ва кичик бўлган, ҳозирги замонда ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлади.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Лекин у ўзига тенг вақт ҳисобланадими ёки ундан катта вақт ҳисобланади ёки шунга айланадими?

*Арасту.* Ўзига тенг.

*Парменид.* Агар у тенг вақтга айланса ёки шундай бўлса, демак у бир хил ёшга эга бўлади.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин??

*Парменид.* Бир хил ёшга эга бўлган нарса эса ёшроқ ҳам, каттароқ ҳам бўлмайди.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

**Парменид.** Демак, агар ягона нарса ўзига тенг вақтга айланса ёки шундай бўлса, бунда у ўзидан кўра на ёшроқ ва на каттароқ ҳисобланмайди ва на ёшроқ ва на каттароққа айланмайди <sup>24</sup>.

**Арасту.** Менимча йўқ.

**Парменид.** Бошқаданчи?

**Арасту.** Бир нарса деёлмайман.

**Парменид.** Лекин сен айтишинг мумкинки, ягона нарсадан бошқа нарсалар, модомики улар бошқа нарса эмас, бошқа нарсалар экан, ягона нарсадан кўра кўп сонли экан, бошқа нарсалар ягона нарсадан кўра бошқа ҳисобланади, чунки бошқа нарса бўлгани ҳолда улар битта бўлган бўларди, бошқа нарсалар бўлгани ҳолда эса биттадан кўра кўп сонли бўларди ва кўпликни ташкил қиларди, шундайми?

**Арасту.** Ҳа, ташкил қилади.

**Парменид.** Кўплик бўлгани ҳолда эса, улар ягона нарсадан кўра кўпроқ сонга алоқадор бўлади.

**Арасту.** Бошқача қандай бўлиши мумкин??

**Парменид.** Энди, нима олдинроқ вужудга келади ва вужудга келган: кўп сонлими ёки кам сонлими деб таъкидлаймизми?

---

<sup>24</sup> «Парменид»да ягона нарса *бор* ва *ёши ўзидан каттароқ ва кичикроқ бўлиб боради*, чунки «бўлган»дан «бўлади»га ўтишда у ўтмиш билан келажак ўртасида чегара бўлгани ҳолда бирданига бўлиб туриш ва шаклланишни ўз ичига оладиган «ҳозир»га дуч келади. Арасту «Физика» асарида иккита бобни (IV 10–11, 217Б 29—219а 26) вақт ва унинг «ҳозир» тоифаси билан боғлиқликда ҳаракат қилишига бағишлаган. Уларда Афлотуннинг «Парменид»ига яқин бўлган вақт қисмларнинг бир вақтнинг ўзида ўтмишда ва келажакда бўлишига яқин нуқтаи назар билдирилган, бунда «унинг бир қисми бўлган ва ҳозирда мавжуд эмас, бошқа қисми эса – келажакда ва у ҳозирча мавжуд эмас»; бундан куйидаги хулоса келиб чиқади: «Мавжуд бўлмаган нарсадан ҳосил бўладиган нарса, гўйи шундай бўлиб кўринганидек, мавжудликка алоқадор бўлиши мумкин эмас». Шу сабабли агар вақт мавжуд бўлса, уни механик тарзда қисмларга ажратиш мумкин эмас, лекин доимо бошқа ва бошқа бўлган «ҳозир» тушунчасини киритиш зарур; «унинг ўз-ўзида йўқолиб кетиши мумкин эмас, чунки бу ҳолда у мавжуд бўлади; «ҳозир» бошқа «ҳозир»да йўқ бўлиб кетишини ақлга сиғдириб ҳам бўлмайди.

Бироқ «ҳозир» туфайли ягона нарса *шаклланадиган* ва *мавжуд* бўлган «Парменид» диалектикасидан фарқли равишда, Арасту, «ҳозир»да олдинги ва кейинги мавжуд эканлигини тан олган ҳолда, бунда фақат на сифат ва на сон билан аниқланадиган ва «шу тарика, ҳаракат ҳисобланмаган» вақтни аниқлаш учун қийинчилик кўради, холос. Лекин у «ҳаракатсиз ҳам мавжуд эмас», чунки «агар «ҳозир» ҳар сафар бошқача эмас, айнан ўхшаш ва ягона бўлганида эди, вақт ҳам бўлмаган бўларди». «Ҳозир» вақтни ўлчайди, чунки у олдин ва кейин келади. У «доимо бошқа ва бошқа вақтда («ҳозир» сифатида унинг моҳияти ҳам мана шунда)». Арасту «агар вақт мавжуд бўлмаса, «ҳозир» ҳам бўлмайди, агар «ҳозир» мавжуд бўлмаса, вақт ҳам бўлмайди» деган хулоса чиқаради, яъни у худди Парменид каби, «ҳозир» ҳақида вақтнинг шаклланиши ва борлик манбаси сифатида деган хулосага келади.

*Арасту.* Камроқ сонли.

*Парменид.* Лекин энг кам бу – биринчи, у эса бир демакдир. Тўғрими?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Шундай қилиб, сонга (рақамга) эга бўлган ҳамма нарсадан ягона нарса биринчи бўлиб вужудга келган; лекин қолган ҳамма нарсалар ҳам сонга (рақамга) эга, чунки улар бошқалардир, бошқа эмас.

*Арасту.* Ҳа, эга бўлади.

*Парменид.* Биринчи бўлиб юзага келган, ўйлайманки, илгарироқ вужудга келган, бошқа нарсалар эса – кейинроқ; кейинроқ вужудга келганлар эса, олдинроқ вужудга келганлардан ёшроқ бўлади ва шу тариқа, бошқа нарсалар ягона нарсадан ёшроқ, ягона нарса эса бошқа нарсалардан ёши каттароқ бўлиб чиқади.

*Арасту.* Ҳа, шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Қуйидаги борасида қандай фикр билдириш мумкин: ягона нарса ўз моҳиятига зид равишда вужудга келиши мумкин, ёки бунинг имкони йўқми?

*Арасту.* Имкони йўқ.

*Парменид.* Лекин ягона нарса қисмлардан иборат бўлиб чиқди, қисмларга эга бўлса, демак, ибтидоси, интиҳоси ва ўртасига ҳам эга бўлади.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Ягона нарсанинг ўзида ҳам, бошқа ҳар қандай нарсада ҳам энг аввало, ибтидо, ундан кейин эса, то интиҳога қадар қолган барча нарса вужудга келмайдими?

*Арасту.* Яна қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Биз тан оламизки, бу қолган барча нарсалар – ягона нарса ва бутун бир яхлитлик қисмининг моҳияти ва фақат унинг ўзигина интиҳо билан бирга ягона нарса ва бутун бир яхлитликка айланади.

*Арасту.* Тан оламиз.

*Парменид.* Интиҳо эса, ўйлашимча, охирги бўлиб вужудга келади ва у билан бирга, ўз моҳиятига кўра, ягона нарса ҳам вужудга келади; шундай экан, агар ягона нарса ўз моҳиятига зид равишда вужудга келиши зарур бўлса, интиҳо билан биргаликда бошқа нарсадан кейин вужудга келиб, у ўз моҳиятига мувофиқ

вужудга келган бўларди.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса бошқа нарсадан ёшроқ, бошқа нарса эса ягона нарсадан ёши каттароқдир.

*Арасту.* Мен учун бу – яна бир бор шубҳасиз.

*Парменид.* Мана энди қара: ягона нарсанинг ёки бирон-бир бошқа нарсанинг ибтидоси ёки бошқа бирон-бир қисми – фақат бу қисмлар эмас, қисм бўлса – қисм каби ягона нарса бўлиб туюлмайдими?

*Арасту.* Шундай туюлади.

*Парменид.* Бироқ агар шундай бўлса, бунда ягона нарса ҳам биринчи, ҳам иккинчи қисмнинг вужудга келиши билан бир вақтда вужудга келади ва бошқа нарсалар вужудга келганда ўзининг вужудга келишида на биринчи, на охирги ва на бошқа бирон-бир қисмни ўтказиб юбормасдан у охирги қисмга етиб бориб, бутун бир яхлитликка айланмагунга қадар қайси қисм қайси қисмга қўшилмасин, ҳеч қайси қисмдан ортда қолмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Демак, ягона нарса қолган бошқа барча нарсалар билан бир хил ёшга эга бўлади, шундай экан, агар ягона нарса ўзининг моҳиятини (табиатини) бузмаса, у бошқа нарсадан олдин ҳам эмас, кеч ҳам эмас, балки у билан бир вақтда вужудга келиши лозим. ушбу фикр-мулоҳазаларга кўра, ягона нарса бошқа нарсданан ёш ҳам, ёши катта ҳам ва бошқа нарса ягона нарсданан ёш ҳам, ёши катта ҳам бўлиши мумкин эмас, олдинги қоидага мувофиқ эса, у бошқа нарсданан ёшроқ ҳам, ёши каттароқ ҳам ҳисобланади, худди бошқа нарса ягона нарсданан ёшроқ ва ёши каттароқ бўлгани каби.

*Арасту.* Ҳа, албатта.

*Парменид.* Ягона нарса мана шунақа ва у мана шунадй вужудга келган. Лекин энди ягона нарса бошқа нарсданан ёшроқ ва ёши каттароққа қандай айланиши, бошқа нарсанинг эса ягона нарсданан ёшроқ ва ёши каттароққа қандай айланиши ва унинг на ёшроқ, на ёши каттароққа айланмаслиги ҳақида нима дейиш мумкин? Шаклланиш билан боғлиқ вазият борлик билан боғлиқ вазият билан бир хилми ёки бошқачами?

*Арасту.* Буни айта олмайман.

*Парменид.* Мен эса қуйидаги фикр билан чекланаман: агар

бирон нарса бошқа нарсадан ёши каттароқ бўлса, у фақат вужудга келган пайтда ёш бўйича қанчалик фарқ қилган бўлса, ўшанча катта бўлиши мумкин ва худди шу тарзда ёши кичикроқ янада ёшроқ бўла олмайди, чунки тенг катталиклар, тенг бўлмаган катталиклар – вақт ёки бошқа нарсага қўшилган ҳолда – доимо уларни аввал бошдан қанчалик фарқ қилган бўлса, шунчалик фарқ қиладиган қилиб қолдиради.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин??

*Парменид.* Шундай қилиб, модомики, ёш бўйича улар доимо бир хил фарқ қилар экан, битта мавжуд нарса ҳеч қачон бошқа мавжуд нарсадан ёшроқ ёки ёши каттароқ бўлиб қолмайди: бири ёши каттароқ бўлган ва ёши каттароққа айланган, бошқаси эса ёши кичикроқ бўлган ва ёши кичикроққа айланган, лекин улар бундай шаклланиб бормаган.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Шу сабабли мавжуд ягона нарса ҳеч қачон бошқа мавжуд нарсадан на ёши каттароқ, на ёшроқ бўлиб қолади.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Лекин қара, улар шундай қилиб бир-бирига нисбатан ёшроқ ёки ёши каттароқ бўлиб қолмайдими?

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Ягона нарса бошқа нарсадан ёши катта ва бошқа нарса ягона нарсадан ёши катта бўлиб қолган тарзда.

*Арасту.* Бундан нима келиб чиқар экан?

*Парменид.* Ягона нарса бошқа нарсадан ёши катта бўлганда, у бошқа нарсага қараганда кўпроқ вақт мавжуд бўлган деб ҳисоблаш керак.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Лекин яна бир марта ўйлаб кўр: агар биз каттароқ ёки кичикроқ вақтга бир хил вақт қўшадиган бўлсак, каттароқ вақт кичикроқ вақтдан тенг миқдорда фарқ қиладими ёки кичикроқ қисмгами?

*Арасту.* Кичикроқ қисмга.

*Парменид.* Шундай қилиб, кейинчалик ягона нарса ёши бўйича боқа нарсадан улар дастлаб фарқ қилган миқдорчалик фарқ қилмайди, лекин бошқа нарса билан бир хилда вақт оширилгани ҳолда у ёши бўйича мунтазам равишда бошқа нарсадан аввалги фарқ қилган даражадан бошқача фарқ қилади. Тўғрими?

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Шундай қилиб, ёши бўйича нисбатан кичикроқ бўлган нимадир билан авалги даражадан бошқача фарқ қиладиган нарса у билан таққослаганда ёши каттароқ бўлган нарсага нисбатан аввалгига қараганда ёшроқ бўлиб қоладими?

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Агар у ёшроқ бўлиб қоладиган бўлса, бошқа нарса ўз навбатида, аввалги ҳолат билан таққослаганда ягона нарсадан ёши каттароққа айланадими?

*Арасту.* Албатта, айланади.

*Парменид.* Шундай қилиб, кейинроқ вужудга келган нарса олдинроқ вужудга келган ва ёши каттароқ бўлган нарса билан таққослаганда ёши каттароққа айланади. Бироқ ҳеч қачон ёши каттароқдан ёши каттароқ бўлмайди, балки ёши каттароққа айланади, чунки ёши каттароқ «ёшроқ» йўналишида, унинг ўзи эса – «ёши каттароқ» йўналишида ўсиб боради. Ўз навбатда, ёши каттароқ шу тариқа ёши кичикдан ёшроқ бўлиб боради, чунки уларнинг иккаласи, қарама-қарши томонга йўналган ҳолда, ўзаро қарама-қарши бўлиб шаклланади: ёши кичикроқ – ёши каттадан ёши каттароқ, ёши каттароқ эса – ёши кичикдан ёшроқ бўлиб. Лекин улар шундай бўлиб қола олмайдилар, чунки агар улар шунай бўлиб қолганларида шаклланшидан тўхтаган ва шундай ҳисобланар эдилар. Аслида эса улар [фақат] бир-биридан ёшроқ ва ёши каттароқ бўлиб боради: ягона нарса бошқа нарсадан ёшроқ бўлиб боради, чунки у ёши каттароқ ва олдинроқ вужудга келган, бошқа нарса эса – ягона нарсага нисбатан ёши каттароқ бўлади, чунки кейинроқ вужудга келган. Худди шу асосда бошқа нарса ҳам худди шу тарзда ягона нарсага муносабатда бўлади, чунки маълум бўлишича, ягона нарса ундан каттароқ ва ундан илгари вужудга келган.

*Арасту.* Ҳа, бу ундай туюлади.

*Парменид.* Демак, ҳеч нарса ҳеч қачон бошқа нарсадан ёши каттароқ ёки ёшроқ бўлиб қолмаслиги ва улар бир-биридан доимо бир хил сонга фарқ қилиши сабабли ягона нарса ҳам бошқа нарсадан на ёши каттароқ ва на ёшроқ, бошқа нарса ҳам ягона нарсадан на ёши каттароқ ва на ёшроқ бўлиб қолади; олдинроқ вужудга келган нарса кейинроқ вужудга келган нарсадан, худди шу тарзда кейинроқ вужудга келган нарса олдинроқ вужудга

келган нарсадан доимо турлича қисмга фарқ қилиши зарур бўлиб кўриниши сабабли, шунингдек, бошқа нарса ягона нарсадан, ягона нарса эса бошқа нарсадан ёши каттароқ ва ёшроқ бўлиб шаклланиши зарур.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Шу фикр-мулоҳазалар туфайли, ягона нарса, бир томондан, ўзидан ва бошқа нарсадан ёши каттароқ ва ёшроқ ҳисобланади ва бўлади, бошқа томондан эса – ўзидан ва бошқа нарсадан ёши каттароқ ва ёшроқ ҳисобланмайди ва бўлмайди.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Ягона нарса вақт бўйича ва хусусият бўйича ёши каттароқ ва ёшроқ бўлишга алоқадор эканлиги сабабли, модомики, вақтга алоқадор экан, у ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замонга алоқадор бўлиши керакмасми?

*Арасту.* Шундай бўлиши керак.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса бўлган, бор ва бўлади ҳам; у шаклланган, шаклланмоқда ва шаклланади.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин??

*Парменид.* Шу сабабли унинг учун нимадир бўлиши мумкин ва бу нимадир бўлган, бор ва бўлади.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Демак, модомики, биз ҳам ҳозирда у билан мазкур ишларнинг барчасини бажарар эканмиз, уни билиш, у ҳақида фикр, уни ҳиссиёт билан идрок қилиш мумкин.

*Арасту.* Сен ҳақсан.

*Парменид.* Унинг учун ном ва сўз бор ва у номланади ва у ҳақида фикр билдирилади; ва бошқа нарсага тегишли бўлган ҳар нарса ягона нарсага ҳам тегишли бўлади.

*Арасту.* Буларнинг барчаси, шубҳасиз, шундай.

*Парменид.* Учинчи нарса ҳақида сўзлашамиз. Агар ягона нарса худди биз уни кузатгандай бўлса, у бир томондан, битта ва кўп нарса бўлгани ва бўлмагани ҳолда, бошқа томондан эса на битта ва на кўп кўп нарса бўлмагани ҳолда, бундан ташқари, вақтга алоқадор бўлгани ҳолда борлиқ мавжуд эканлиги сабабли қанчадир вақт унга алоқадор ва борлиқ мавжуд эмаслиги сабабли қанчадир вақт унга алоқадор бўлмасилиги лозим эмасми?

*Арасту.* Шундай бўлиши керак.

*Парменид.* Лекин у, борлиққа алоқадор бўлганда, унга алоқадор

бўлмаслиги ва аксинча, борлиққа алоқадор бўлмаганда унга алоқадор бўлиши мумкинми?

*Арасту.* Мумкин эмас.

*Парменид.* Бинобарин, у борлиққа турли вақтда алоқадор ва алоқадор эмас; фақат шу тарздагина у битта нарсанинг ўзига алоқадор бўлиши ва бўлмаслиги мумкин.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Лекин вақт ягона нарсанинг борлиққа қўшиладиган ва уни тарк этадиган фурсати эмасми? Ахир агар у ёки эгалик қиладиган, ёки уни қолдирадиган фурсат бўлмаса, ягона нарса бирон нарсага гоҳ эгалик қилишга, гоҳ эгалик қилмасликка қандай қилиб қодир бўлади?

*Арасту.* Бунинг имкони йўқ.

*Парменид.* Борлиққа қўшилишни сен вужудга келиш деб атамайсанми?

*Арасту.* Атайман.

*Парменид.* Борлиқни тарк этиш йўқ бўлиш (ҳалок бўлиш, йўқолиш, завол) эмасми?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Шундай қилиб, маълум бўлишича, ягона нарса борлиққа қўшилган ва уни тарк этган ҳолда вужудга келади ва нобуд бўлади.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* У ягона нарса ва кўп нарса, вужудга келадиган ва нобуд бўладиган эканлиги сабабли кўп нарса ягона нарсага айланганда нобуд бўлмайдими ва ягона нарса кўп нарсага айланганда нобуд бўлмайдими?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* У ҳам ягона нарса, ҳам кўп нарса бўлиб шаклланиши сабабли у узилиши ва бирлашиши керак эмасми?

*Арасту.* Албатта шундай.

*Парменид.* Энди, у монанд ва монанд эмас бўлиб шакллангандамонанд бўлиши ва монанд бўлмаслиги керак эмасми?

*Арасту.* Шундай бўлиши керак.

*Парменид.* Катта, кичик, тенг бўлиб шаклланганда, у ортиши, кичрайиши, тенг бўлиши керакми?

*Арасту.* Ҳа.



**Парменид.** У ҳаракатда бўлганда, тўхтаганда ёки ҳаракатсиз тинч ҳолатдан ҳаракатга ўтганда, ўйлашимча, у ҳеч қайси бир вақтда бўлиши керак эмас.

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** Аввал ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлган, кейин ҳаракат қилган ҳолатда ва аввал ҳаракатд бўлиб, кейин ҳаракатсиз тинч ҳолатга тушган ҳолда у ўзгаришга учрамаган ҳолда буни ҳис қилишга қодир бўмайди.

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Ахир унинг давомида нимадир бирданига ҳам ҳаракатда бўлиши, ҳам ҳаракатсиз, тинч ҳолатда бўлиши мумкин бўлган вақт йўқ-ку.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Лекин у ўзгаришларга дуч келмаган ҳолда ўзгармайди ҳам-ку.

**Арасту.** Бу ақлга сиғмайдиган нарса.

**Парменид.** Унда у қачон ўзгаради? Ахир у ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлган ҳолда ҳам, ҳаракатда бўлган ҳолда ҳам ўзгармайди.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Бундай ҳолатда у ўзгарган фурсатда нимада бўлиши тажжубли эмасми?

**Арасту.** Айнан нима?

**Парменид.** «Бирдан» <sup>25</sup>, чунки бу «бирдан», афтидан, ундан бошлаб у ёки бу томонга ўзгариш рўй берадиган бир нарсани англатади. Аслида, ўзгариш, токи у ҳаракатсиз тинч ҳолат экан, ҳаракатсиз тинч ҳолатдан бошланмайди ва токи ҳаракат давом этар экан, ҳаракатдан ҳам бошланмайди; бироқ моҳиятан ғалати бўлган бу «бирдан» ҳаракатсиз тинч ҳолат ва ҳаракат оралиғида вақт доирасидан ташқарида ётади; лекин унга қараб ва ундан чиқадиган йўналишда ҳаракатда бўлган нарсалар ҳаракатсиз тинч

---

<sup>25</sup> «Бирдан» тушунчаси юқорида айтиб ўтилган «ҳозир» тушунчаси билан параллел. Негизига кўра, улар айнан ўхшашдир, чунки «бирдан» ундан бошлаб икала томонга ўзгариш рўй берадиган нукта, бу ҳаракатсиз тинч ҳолат ва ҳаракат ўртасидаги чегара, чунки «ҳозир» бу – борлик ва шаклланиш ўртасидаги чегара. Арасту ҳам, худди Афлотун каби, «бирдан» ёки «тўсатдан»ни ҳаракат ўзгаришининг бошланиш вақти деб ҳисоблайди: ««Тўсатдан» бу – ҳис қилиб бўлмайдиган даражада қисқа вақт ичида ўз ҳолатидан чиқадиган, ҳар қандай ўзгариш эса моҳиятига кўра ўзидан чиқиш ҳисобланадиган нарса» (Физика IV 13, 222Б 15 сл.).

ҳолатга ўтган ва ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлган нарсалар ҳаракатга ўтган ҳолда ўзгаради.

*Арасту.* Шундай шекилли.

*Парменид.* Модомики, ягона нарса ҳаракатсиз тинч ҳолатда ва ҳаракатда бўлар экан, у иккала томонга ҳам ўзгариши лозим, чунки фақат шу шуртдагина у иккала ҳолатда бўлиши мумкин. Ўзгарган ҳолда эса, у бирдан ўзгаради ва ўзгарган пайтда бирон-бир вақтда бўла олмайди ва, шундай экан, бу пайтда ҳаракатсиз тинч ҳолатда ҳам, ҳаракатда ҳам бўла олмайди.

*Арасту.* Албатта, йўк.

*Парменид.* Лекин қолган барча ўзгаришларда вазият шундай бўлмайдими? Нимадир борликдан нобуд бўлишга ва йўқликдан пайдо бўлишга ўтганда унинг қандайдир ҳаракатсиз тинч ҳолат ва ҳаракат ўртасида шаклланиши рўй беради ва у ўша пайтда на борликқа ва на йўқликка эга бўлади, на вужудга келади ва на нобуд бўлади.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Худди шу сабабли, ягона нарса ягоналикдан кўпликка ўтганида ва кўпликдан ягоналикка ўтганида у на кўплик эмас ва на ягона нарса эмас, у узилмайди ва бирлашмайди; худди шу тарзда, монадликдан монанд эмасликка ва монанд эмасликдан монандликка ўтишида у на монанд, на монанд эмас ҳисобланмайди, ўхшаш ҳам бўлмайди, ўхшамас ҳам бўлмайди; ва ниҳоят, кичикликдан буюкликка ва тенгликка ва аксинча ўтишда у на кичик, на буюк, на тенг бўлмайди, на ўсмайди, на кичраймади ва на тенглашмайди.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Демак, ягона нарса, агар мавжуд бўлса, бу ҳолатларнинг барчасини бошидан кечиради.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин??

**(ягона нарсани бошқа нарса учун хулосалар билан нисбий ва мутлақ фараз қилиш)**

*Парменид.* Энди агар ягона нарса мавжуд бўлса, бошқа нарса нимани ҳис қилишини кўриб чиқмаймизми?

*Арасту.* Келинг, кўриб чиқайлик.

*Парменид.* Шу сабабдан агар ягона нарса мавжуд бўлса, бошқа

нарсa ягона бўлмаган нарсa нимани ҳис қилиши лозим эканлиги ҳақида мулоҳаза юритиб кўрамиз.

*Арасту.* Қани, бошладик.

*Парменид.* Шундай қилиб, бошқа нарсa ягона нарсaга нисбатан бошқа нарсa эканлиги сабабли у ягона нарсa эмас, акс ҳолда у ягона нарсaга нисбатан бошқа нарсa бўлган бўларди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Бироқ бошқа нарсa ягона нарсадан тўлиқ маҳрум эмас, балки маълум бир тарзда унга алоқадордир.

*Арасту.* Айнан қай тарзда?

*Парменид.* Бошқа нарсa – ягона бўлмаган нарсa шу сабабдан ҳам бошқа нарсa деб ҳисобланиши керакки, у қисмларга эга, чунки агар у қисмларга эга бўлмаганида, бутун бир яхлитлик бўлган бўларди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Қисмлар эса, биз эътироф қилганимиздек, бутун бир яхлитликни ифодалайдиган нарсаларда бўлади.

*Арасту.* Ҳа, биз буни эътироф қиламиз.

*Парменид.* Лекин бутун бир яхлитлик бўлган ягона нарсa кўп нарсадан иборат бўлиши лозим; қисмлар унинг қисмлари ҳисобланади ҳам, чунки қисмларнинг ҳар бири части кўп нарсa бўлмасада, бутун бир яхлитликнинг қисми бўлиши лозим.

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Агар нимадир унинг ичида ўзи ҳам бўлган кўп нарсанинг қисми бўлганида у, агар у кўп нарсанинг бир қисми бўлса, албатта, бошқа нарсанинг ҳам, ўзининг (бунинг эса имкони йўқ) ҳам бир қисми бўлган бўларди. Лекин бирон-бир алоҳида нарсанинг қисми бўлмагани ҳолда, у мазкур алоҳида нарсани истисно қилганда бошқа нарсaга тегишли бўлади ва, ундай экан, ҳар бир алоҳида нарсанинг қисми бўлмайди; ҳар бир нарсанинг қисми бўлмаган ҳолда эса у кўп нарсанинг ичидаги биронта алоҳида нарсанинг қисми бўлмайди. агар у биронта нарсанинг қисми бўлмаса, у уларнинг биронтаси учун нимадир мавжуд бўлган бундай алоҳида аъзолар йиғиндисига нисбатан қисм ёки бошқа бирон нарсa бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Шундайлиги аниқ.

*Парменид.* Демак, қисм бу кўп нарсанинг ва ҳамма нарсанинг [унинг аъзолари] қисми эмас, лекин барча аъзолардан мукамал

ягона нарсага айланган бутун бир яхлитлик деб атайдиган маълум бир ягона нарса ва маълум бир ғоянинг қисмидир; қисм бундай бутун бир яхлитликнинг қисми ҳисобланади.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Демак, агар бошқа нарса қисмларга эга бўлса, демак у бутун бир яхлитликка ва ягона нарсага алоқадор бўлиши лозим.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Демак, бошқа нарса – ягона бўлмаган нарса қисмларга эга бўлмаган мукамал бутун бир яхлитлик саналган ягона нарса бўлиши зарур.

*Арасту.* Ҳа, зарур.

*Парменид.* Энди, худди шу нарса иккинчи қисмга ҳам тааллуқли: қисмлар ҳам ягона нарсага алоқадор бўлиши зарур. Ахир агар уларнинг ҳар бири қисм бўлса, шу тариқа «ҳар бири бўлиш», модомики, бу «ҳар бир» экан, бошқалардан ажралиб туриш, алоҳида бўлишни англатади.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Лекин ягона нарсага алоқадор унга, шубҳасизки, ундан фарқ қиладиган нимадир каби алоқадор, чунки акс ҳолда у алоқадор бўмасди, лекин ўз ҳолича ягона нарса бўларди; ахир ягона нарсанинг ўзидан бошқа бирон нарса ягона нарса бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Бўлиши мумкин эмас.

*Парменид.* Шу аснода, бутун бир яхлитлик ҳам, қисмлар ҳам ягона нарсага алоқадор бўлиши зарур. Аслида ҳам, бутун бир яхлитлик бутун унинг қисмлари қисмлар бўладиган бир яхлит ҳолдаги ягона нарсани ташкил қилади; қисмларнинг ҳар бири эса у унинг қисми саналган бутун бир яхлитликнинг бир қисми бўлади.

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Лекин ягона нарсага алоқадор бўлган нарса унга ягона нарсага нисбатан бошқа нарса каби алоқадор бўлмайдими?

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин??

*Парменид.* Бошқа нарса эса ягона нарсага нисбатан, ўйлашимча, кўп нарса бўлади, чунки агар ягона нарсага нисбатан бошқа нарса на битта ва на биттадан кўп бўлмаса, у ҳеч нарса бўлмайди.

*Арасту.* Албатта, бўлмайди.

**Парменид.** Ягона нарсага қисм сифатида ва ягона нарсага бутун бир яхлитлик сифатида алоқадор бўлган нарса ягона нарсадан кўп сонлироқ бўлса, ягона нарсага алоқадор бўлган нарса миқдорий жиҳатдан чексиз бўлиши керакмасми?

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** Масалага мана бундай қараймиз: нимадир ягона нарсага қўшила бошлаган пайтда у унга ягона нарса сифатида ва ягона нарсага алоқадор сифатида қўшилмайди, шундай эмасми?

**Арасту.** Худди шундай.

**Парменид.** Лекин ягона нарсаси бўлмаган нарса кўплик бўла олмайди, шундайми?

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Агар биз бу кўпликдан имкон қадар энг кичик нарсани хаёлан ажратишни истасак; ягона нарсадан узоқ бўлган ва унга алоқадор бўлмаган бу нарса ягона нарса эмас, кўплик бўлиб чиқиши муқаррар эмасми?

**Арасту.** Ҳа, бу муқаррар.

**Парменид.** Шундай қилиб, агар шу тариқа ўз ҳолича ғоянинг бошқа моҳиятини мунтазам равишда кўриб чиқадиган бўлсак, унга қанчалик кўп эътибор қаратмайлик, у доимо миқдорий жиҳатдан чексиз бўлиб чиқади <sup>26</sup>.

**Арасту.** Шак-шубҳасиз, шундай.

**Парменид.** Бошқа томондан эса, уларнинг ҳар бири қисмга айланиб бўлганлиги сабабли, қисмлар бир-бирига нисбатан ҳам, бутун бир яхлитликка нисбатан ҳам чегарага эга бўлади ва бутун бир яхлитлик қисмларга нисбатан чегарага эга бўлади.

---

<sup>26</sup> Чексизлик ва чегаранинг диалектик бирлик муаммосига «Филеб»да катта жой ажратилади. Бир карашда бир-биридан жиддий фарқ қиладиган борлиқнинг бу икки тоифаси бирлик ғояси доимо антик дунёга яқин бўлган. Пифагорнинг издоши бўлган Филолайда «чегара ва чексизлик – бошланишдир» (А 9 Diels). Унда қуйидаги старларни ўқиш мумкин: «Табиат эса дунё ташкил топишида чексизлик ва чегара бирлашувидан ҳосил бўлган, бутун жаҳон тартиби ва ундаги ҳамма нарсалар [чексизлик ва чегара бирлашувини ифодалайди]»; кейин: «Барча мавжуд нарсалар ёки чегарали, ёки чексиз ёки иккаласи бирданига бўлиши лозим» (В 1, 2 Diels).

Архит (А 24 Diels) ҳам янги чегара доимо ўз ордидан янги чексизликка олиб келади деб ҳисоблайди. Элеялик Мелисснинг (30 В 5, 6 Diels) ҳисоблашича, иккита моҳият мавжудлиги уларнинг муносабатларида «чегаралар» яратади, битта моҳият эса «чексиз» бўлиши мумкин ва айнан моҳият чексизлигидан қуйидаги фикр асосида унинг бирлигини чиқарган: «Агар у ягона нарса бўлмаганида у бошқа нарса билан чегараланган бўларди».

*Арасту.* Шак-шубхасиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, бошқа нарса ягона нарсага нисбатан, маълум бўлишича, шундай бўлиб чиқадики, агар уни ягона нарса билан бирга қўшадиган бўлсак, унда нимадир бошқа нарса вужудга келади ва у бир-бирига нисбатан чегара ҳосил қилади, бошқа нарсанинг моҳияти эса, ўз ҳолича чексизлик ҳисобланади.

*Арасту.* Турган гап.

*Парменид.* Шундай қилиб, бошқа нарса ягона нарсага нисбатан – бутун бир яхлитлик сифатида ҳам, қисм сифатида ҳам, бир томондан, чексиз, бошқа томондан эса – чегарага алоқадор.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Бошқа нарсанинг қисмлари ҳам ўзига ва бир-бирига нисбатан монанд ва монанд эмас бўлмайдими?

*Арасту.* Айнан қандай қилиб?

*Парменид.* Ҳамма нарса моҳиятан чексиз эканлиги сабабли ҳамма нарса бир хил хусусиятга эга бўлади.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Ҳамма нарса чегарага алоқадор эканлиги сабабли ҳамма нарса бир хил хусусиятга ҳам эга бўлади.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин??

*Парменид.* Шундай қилиб, бошқа нарса чекланган ва чекланмаган бўли хусусиятига эга эканлиги сабабли бу хусусиятлар бир-бирига қарама-қарши ҳисобланади.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Қарама-қаршилик эса олий даражада монанд эмас.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Шундай қилиб, алоҳида [бошқа нарсанинг қисми] равишда ушбу икки хусусиятнинг ҳар бирига мувофиқ улар ўзига ва бир-бирига нисбатан монанд, иккаласи биргаликда эса – олий даражада қарама-қарши ва монанд эмас.

*Арасту.* Афтидан, шундай.

*Парменид.* Шундай қилиб, ҳамма бошқа нарса ўзига ва бир-бирига нисбатан монанд ва монанд эмас бўлади.

*Арасту.* Шундай.

*Парменид.* Ва биз қийинчиликсиз топа оламизки, модомики, улар айтиб ўтилган хусусиятларга эгаллиги аниқланган экан, бошқа нарсанинг қисмлари ягона нарсага нисбатан ўзига айнан ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилади, ҳаракатсиз тинч ҳолатда ва ҳаракатда

бўлади ҳамда барча қарама-қарши хусусиятларга эга бўлади.

*Арасту.* Сен ҳақсан.

*Парменид.* Бироқ бу ишни ўз-ўзидан маълум бўлган иш сифатида қолдириш ва агар ягона нарса мавжуд бўлса, бошқа нарса ягона нарсага нисбатан умуман бошқача ёки худди ўша ҳолатда бўлиб қоладиган бўлса, такроран кўриб чиқиш вақт келмадимми?

*Арасту.* Албатта, буни кўриб чиқиш керак.

*Парменид.* Унда келинг, муҳокамани бошидан бошлаймиз: агар ягона нарса мавжуд бўлса, бошқа нарса ягона нарсага нисбатан нимани ҳис қилиши керак?

*Арасту.* Келинг, муҳокамани шундай олиб борамиз.

*Парменид.* Ягона нарса бошқа нарсадан алоҳида равишда ва бошқа нарса ягона нарсадан алоҳида равишда эмасми?

*Арасту.* Бундан нима келиб чиқади?

*Парменид.* Ўйлайманки, улар билан бир қаторда ягона нарсадан ҳам, бошқа нарсадан ҳам фарқ қиладиган ҳеч нарса йўқ: ахир «ягона нарса ва бошқа нарса» деб айтилгач, шу билан ҳамма нарса айтиб бўлинган бўлади.

*Арасту.* Ҳа, ҳамма нарса айтиб бўлинган бўлади.

*Парменид.* Демак, ягона нарса ва бошқа нарса биргаликда бўлиши лозим бўлган улардан фарқли ҳеч нарса йўқ.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Шу сабабли ягона нарса ва бошқа нарса ҳеч қачон битта жойда бўмайди.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Демак, улар [бир-биридан] алоҳида равишда бўларкан-да?

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Ва биз ҳақиқатан ягона нарса қисмларга эга эмас деб таъкидлай оламиз.

*Арасту.* У қандай қилиб қисмларга эга бўлиши мумкин, ахир?

*Парменид.* Шу сабабли агар ягона нарса бошқа нарсадан алоҳида равишда бўлса ва қисмларга эга бўлмаса, на бутун бир яхлитлик, на унинг қисмлари бошқа жойда бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Бинобарин, агар на қисм бўйича, на тўлалигича унга алоқадор эмас экан, бошқа нарса ҳеч қандай усул билан (ҳеч

қандай тарзда) ягона нарсага алоқадор бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Шу сабабли бошқа нарса ҳеч қанақасига ягона нарса эмас ва ўзидан ягона нарсадан бирон нарсага эга эмас.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Демак, бошқа нарса шунингдек, кўп нарса ҳам эмас, чунки агар у кўп нарса бўлганида кўп нарсанинг ҳар бири бутун бир яхлитликнинг бир қисми бўлган бўларди. Аслида эса, у ягона нарсага ҳеч қанақасига алоқадор эмас экан, бошқа нарса ягона нарсага нисбатан ягона нарса ҳам эмас, кўп нарса ҳам эмас, бутун бир яхлитлик ҳам эмас, қисм ҳам эмасдир.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Шу сабабли, модомики, у ягона нарсдан тамомила маҳрум экан, бошқа нарсанинг ўзи ҳам икки ёки уч эмас ва ўз таркибида улардан иборат эмас.

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Бинобарин, бошқа нарса на ўзи ягона нарсага монанд ва монанд эмас ҳисобланмайди, на монандлик ва на монанд эмасликдан иборат эмас: ахир агар бошқа нарса монанд ва монанд эмас бўлганида ёки монадлик ва монад эмасликдан иборат бўлганида, ўйлайманки, бошқарув ягона нарсага нисбатан ўзида иккита ўзаро қарама-қарши ғояга эга бўлган бўларди.

*Арасту.* Бу шубҳасиз.

*Парменид.* Лекин ҳатто бир нарса билан алоқадор бўлмаган нарса иккита нарса билан алоқадор бўлиши мумкин эмас бўлиб чиқди-ку.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқди.

*Парменид.* Демак, бошқа нарса на монанд ва на монанд эмас ва иккаласи биргаликда ҳисобланмайди, чунки монанд ёки монанд эмас бўлгани ҳолда у иккита ғоядан бирига алоқадор бўлган бўларди, иккаласи биргаликда бўлганида – иккита қарама-қарши ғояга алоқадор бўлган бўларди, бунинг эса, аниқланишича, имкони йўқ.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Демак, бошқа нарса на айнан ўхшаш ва на фарқ қиладиган эмас, у на ҳаракат қилади ва на ҳаракатсиз, тинч ҳолатда бўлади, на вужудга келади ва на нобуд бўлади, на катта, на кичик, на тенг эмас ва бошқа шу каби хусусиятларга эга эмас;



ахир агар бошқа нарса бирон-нарасага ўхшаш бўлганида эди, у биттага ҳам, иккитага ҳам, учтага ҳам, тоқ сонга ҳам, жуфт сонга ҳам алоқадор бўларди, шу аснода у мкаммал ва ягона нарсадан тамомила маҳрум эканлиги сабабли бунга алоқадор бўлишнинг имкони бўлмасди.

*Арасту.* Чин ҳақиқат.

*Парменид.* Шундай қилиб, агар ягона нарса мавжуд бўлса, у айни пайтда на ўзига нисбатан, на бошқа нарасага нисбатан ягона нарса эмас.

*Арасту.* Мутлақо тўғри.

**(ягона нарсани ягона нарса учун хулосалар билан нисбий ва мутлақ инкор қилиш)**

*Парменид.* Яхши. Бундан кейин агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, оқибатлар қандай бўлиши мумкин эканлигини кўриб чиқиш лозим эмасми.

*Арасту.* Лозим, албатта.

*Парменид.* «Агар ягона нарса мавжуд бўлмаса» тахмини нимадан иборат? У «Агар ягона бўлмаган нарса мавжуд бўлмаса» тахминидан фарқ қиладими?

*Арасту.* Албатта, фарқ қилади.

*Парменид.* Фақат фарқ қиладими ёки «агар ягона бўлмаган нарса мавжуд бўлмаса» ва «агар ягона нарса мавжуд бўлмаса» мулоҳазалари бир-бирига карама-қаршими?

*Арасту.* Мутлақо карама-қарши.

*Парменид.* Агар кимдир «Агар буюклик, кичиклик ёки шу турдаги бошқа бир нарса мавжуд бўлмаса» деб айтса, у мавжуд бўлмаган нарса деганда ҳар сафар бошқа бир нарсани кўзда тутган бўлмасмиди?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Мана энди ҳам, кимдир «агар ягона нарса мавжуд бўлмаса» деб айтса – бу билан у мавжуд бўлмаган нарса деганда бошқа нарсадан фарқ қиладиган нарсани тушунмайдими? А бунда биз у нима демоқчи эканлигини биламиз.

*Арасту.* Биламиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, «ягона нарса» ва бунга ёки борликни, ёки йўкликни қўшган ҳолда у биринчидан, билиб

бўладиган ниманидир, иккинчидан, бошқа нарсадан фарқ қиладиган нарсани ифодалайди; ахир у мавжуд эмас деб таъкидланадиган нарсани, шунга қарамай, бошқа нарсадан фарқ қиладиган нарсани каби, билиш мумкин, тўғри эмасми?

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Шу сабабли аввал бошдан шундай деб айтиш керак: ягона нарса, агарда у мавжуд бўлмаса, нима бўлиши керак? Маълум бўлишича, унга энг аввало, уни билиш мумкинлиги хос, акс ҳолда биз «агар ягона нарса мавжуд бўлмаса» деб айтган кишининг сўзларини тушунмаган бўлардик.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Энди, ундан ҳамма нарса фарқ қилиши керак, ахир, акс ҳолда ягона нарсани бошқа нарсадан фарқ қилади деб айтиб бўлмасди.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Бинобарин, билиб олиш мумкинлигидан ташқари унга фарқ қилиш ҳам хосдир. Ахир кимдир ягона нарса бошқа нарсадан фарқ қилади деб айтганда у бошқа нарсасининг фарқ қилиши ҳақида эмас, ягона нарсадан фарқ қилиш ҳақида гапирди.

*Арасту.* Мутлақо тўғри.

*Парменид.* Бундан ташқари, мавжуд бўлмаган ягона нарса «ўшанга», «баъзи нарсага», «мана бунга», «мана бунга тегишли», «мана бу билан» ва бошқа шу кабиларга алоқадор бўлади. Аслида эса, агарда у «баъзи нарсага» ва айтиб утилган бошқа таърифларга алоқадор бўлмаганда, на ягона нарса ҳақида, на ягона нарсадан фарқ қиладиган нарса ҳақида, на унга тегишли бўлган нарса ҳақида ва на ундан келиб чиқадиган нарса ҳақида, умуман ҳеч наса ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмасди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Модомики, у мавжуд эмас экан, ягона нарсага, албатта, борлиқ хос бўлиши мумкин эмас, лекин кўп нарсага алоқадор бўлиш учун унга ҳеч нарса халал бермайди ва модомики, бошқа бир нарса эмас, айнан шу ягона нарса мавжуд эмас экан, бу жуда зарур ҳисобланади. Тўғри, агар на ягона нарса, на «бу» мавжуд бўлмаса ва гап бошқа бирон нарса ҳақида кетадиган бўлса, биз бирон-бир сўз айтишга ҳақли эмасмиз, лекин агар бошқа бир ягона нарса эмас, айнан бу мавжуд эмаслиги тахмин қилинса, унинг «бунга» ва бошқа куплаб нарсаларга алоқадор бўлиши

зарур.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Бинобарин, унда бошқа нарсага нисбатан монанд эмаслик ҳам мавжуд, чунки бошқа нарса, ягона нарсадан фарқли бўлган ҳолда, бошқа турда бўлиши мумкин.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Бошқа турдаги дегани эса, ўзга турдаги дегани эмасми?

*Арасту.* Яна қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Бошқа турдаги – у монанд эмас бўлмайдими?

*Арасту.* Албатта, монанд эмас.

*Парменид.* Модомики, бошқа нарса ягона нарсага монанд экан, шак-шубҳасиз, монанд эмас ҳам монанд эмасга монанд эмас бўлади.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарсада ҳам монанд эмаслик мавжуд бўлиши лозим бўлиб, у туфайли бошқа нарса унга монанд эмас бўлади.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Агар унда бошқа нарсага нисбатан монанд эмаслик мавжуд бўлса, у ўзига нисбатан ҳам монандликка эга бўлиши лозим эмасми?

*Арасту.* Қандай қилиб?

*Парменид.* Агар ягона нарса ягона нарсага нисбатан монанд эмасликка эга бўлганда, албатта, ягона нарса ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди ва бизнинг тахминимиз ягона нарса эмас, ягона нарсадан бошқа бир нарса ҳақида бўларди.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Лекин бундай бўлиши керак эмас.

*Арасту.* Йўқ.

*Парменид.* Бинобарин, ягона нарса ўзига нисбатан монандликка эга бўлиши лозим.

*Арасту.* Шундай бўлиши керак.

*Парменид.* Энди, у шунингдек, бошқа нарсага тенг эмас, чунки агар у бошқа нарсага тенг бўлганида мавжуд бўлган бўларди ва тенглик сабабли бошқа нарсага монанд бўларди. Лекин, ягона нарса йўқ экан, у ҳам, бу ҳам бўлиши мумкин эмас.

*Арасту.* Бўлиши мумкин эмас.

**Парменид.** У бошқа нарсага тенг эмаслиги сабабли бошқа нарса ҳам унга тенг бўлмаслиги зарур эмасми?

**Арасту.** Зарур.

**Парменид.** Лекин тенг бўлмаган наса тенгсиз эмасми?

**Арасту.** Ҳа.

**Парменид.** Тенгсиз эса, тенгсизлик сабабли, тенгсиз эмасми?

**Арасту.** Бошқа кандай бўлиши мумкин?

**Парменид.** Демак, ягона нарса шу сабабли унга тенг бўлмаган тенгсизликка алоқадорми?

**Арасту.** Алоқадор.

**Парменид.** Лекин тенгсизликка буюклик ва кичиклик тегишлики.

**Арасту.** Тегишли.

**Парменид.** Демак, бундай ягона нарсага буюклик ва кичиклик тегишли?

**Арасту.** Афтидан, шундай.

**Парменид.** Лекин буюклик ва кичиклик доимо бир-биридан узокда бўлади.

**Арасту.** Анча узокда.

**Парменид.** Демак, улар ўртасида доимо нимадир пулади.

**Арасту.** Бўлади.

**Парменид.** Сен улар ўртасида тенгликдан бошқа бирон нарса кўрсатишинг мумкинми?

**Арасту.** Йўқ, фақат уни.

**Парменид.** Бинобарин, нима буюклик ва кичикликка эга бўлса, улар ўртасида жойлашган тенгликка ҳам эга бўлади.

**Арасту.** Бу шубҳасиз.

**Парменид.** Шундай қилиб, мавжуд бўлмаган ягона нарса тенгликка ҳам, буюкликка ҳам, кичикликка ҳам алоқадор бўлиши лозим.

**Арасту.** Демак, шундай бўлиб чиқяптими?

**Парменид.** Бундан ташқари, у қандайдир тарзда борликка ҳам алоқадор бўлиши лозим.

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** У биз таъкидлаган тарздай бўлиши лозим. Аслида, агарда у бундай бўлмаганида эди, биз ягона нарса мавжуд эмас деб ёлғон гапирган бўлардик. Агар бу ҳақиқат бўлса, шубҳасизки, биз буни мавжуд эмас деб таъкидлаймиз. Ёки бундай эмасми?

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Биз тан олишимиз зарур бўлган нарсани ҳақиқат деб тан олишимиз сабабли, биз мавжуд нарса ҳақида гапираётган эканимизни тан олиш зарур.

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Шундай қилиб, ягона нарса мавжуд бўлмаган нарса бўлиб чиқади: ахир агар у мавжуд бўлмаса, лекин борликдан бирон нарсани йўқликка берадиган бўлса, бунда шу ондаёқ мавжуд бўлиб қолади.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Бинобарин, мавжуд бўлмаган ягона нарса мавжуд бўлмаслик учун йўқлик билан у мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлиши лозим, худди мавжуд нарса мавжудликнинг тўлиқ бўлиши учун борлик билан у мавжуд бўлмаган нарса эмаслиги билан боғлиқ эканлиги каби. Аслида эса, фақат шу ҳолатдагина мавжуд нарса тўлиқ маънода мавжуд бўлади, мавжуд бўлмаган нарса эса мавжуд бўлмайди, чунки мавжуд нарса тўлиқ мавжуд бўлиши учун «мажуд бўлиш»да бўлган борликка ва «мавжуд бўлмаслик»да бўлган йўқликка алоқадор ва мавжуд бўлмаган нарса, тўлиқ мавжуд бўлмаслик учун «мавжуд бўлмаслик»да бўлган йўқликка ва «мавжуд эмас бўлиш»да бўлган борликка алоқадор бўлади.

*Арасту.* Тўппа-тўғри.

*Парменид.* Шундай қилиб, мавжуд нарса йўқликка ва мавжуд бўлмаган нарса борликка алоқадор экан, ягона нарса ҳам, у мавжуд эмаслиги сабабли, мавжуд бўлмаслик учун борликка алоқадор бўлиши зарур.

*Арасту.* Зарур.

*Парменид.* Агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, шубҳасизки, у борлик билан боғлиқ.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Бинобарин, шунингдек, йўқлик билан ҳам, чунки у мавжуд эмас.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши ҳам мумкин?

*Парменид.* Қандайдир ҳолатда бўлиб турган нарса агар бу ҳолатдан чикмайдиган бўлса, у бу ҳолатда бўлмаслиги мумкин?

*Арасту.* Мумкин эмас.

*Парменид.* Демак, бундай ва бундай бўлмаган ҳолатда бўлган

ҳамма нарса ўзгаришни кўрсатадими?

**Арасту.** Бошқача қандай бўлиши ҳам мумкин?

**Парменид.** Ўзгариш эса ҳаракат; ёки биз уни қандай деб атаймиз?

**Арасту.** Ҳаракат деб, албатта.

**Парменид.** Ягона нарса мавжуд ва мавжуд эмас бўлиб чиқмадими?

**Арасту.** Ҳа, шундай.

**Парменид.** Бинобарин, у бундай ва бундай бўлмаган ҳолатда бўлиб чиқади.

**Арасту.** Шундай бўлиб чиқади.

**Парменид.** Демак, мавжуд бўлмаган ягона нарса ҳаракатланадиган ҳам бўлиб чиқди, чунки у борликдан йўқликка ўтишни бошидан кечиради <sup>27</sup>.

**Арасту.** Афтидан, шундай.

**Парменид.** Бироқ агар у мавжуд эмаслиги сабабли мавжуд нарса орасида ҳеч қаерда бўлмаса, у қаердандир қаергадир ҳаракатланиши мумкин эмас.

**Арасту.** Бу қандай бўлиши мумкин эди?

**Парменид.** Бинобарин, у жойни ўзгартириш воситасида ҳаракат қилиши мумкин эмас.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** У шунингдек, худди ўша жойнинг ўзида айланиши мумкин эмас, чунки у ҳеч қаерда худди ўша нарса билан туташмайди. Аслида эса, худди шу нарса мавжуд нарсадир, мавжуд бўлмаган нарса эса, биронта мавжуд нарсада бўлиши мумкин эмас.

**Арасту.** Албатта, бўлиши мумкин эмас.

**Парменид.** Демак, мавжуд бўлмаган ягона нарса у бўлмаган нарса ичида айланиши мумкин эмас.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

---

<sup>27</sup> Парменидга кўра, «ягона мавжуд бўлган нарса» абадий ва ҳаракатсиздир. «Табиат хақида» номли достонида (28 В 8, 34–41 Diels) у *борлиқ* – уни тақдир (Мойра) «тугаллик ва ҳаракатсизлик билан боғлаган» мавжудликдан (борликдан) бошқа нарсани тан олмайди. Шу сабабли вужудга келиш ва нобуд бўлиш, борлиқ ва йўқлик, ызр ва ҳаракат – фақат беъмани гап, одамлар томонидан ўйлаб топилган «номлар»дир. Бу ерда эса, Арасту билан суҳбатда, Парменид борликдан йўқликка ўзгаришни «ягона мавжуд бўлган нарса» эмас, тахмин килинган *ягона мавжуд бўлмаган нарса* ҳис қилади деб таъкидлайди.

**Парменид.** Лекин ягона нарса шунингдек, ўзида ҳам на мавжуд нарса сифатида, на мавжуд бўлмаган нарса сифатида ўзгармайди: ахир агар у ўзида ўзгарганида эди, гап ягона нарса эмас, бошқа бир нарса ҳақида кетган бўларди.

**Арасту.** Тўғри.

**Парменид.** Агар у ўзагрмайдиган, худди ўша жойда айланмайдиган ва жойини ўзгартирмайдиган бўлса, у яна қандайдир тарзда ҳаракатланиши мумкинми?

**Арасту.** Яна қандай тарзда?

**Парменид.** Ҳаракатсиз нарса эса, ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлиши, ҳаракатсиз тинч ҳолатдаги нарса эса – жойида туриши зарур.

**Арасту.** Зарур.

**Парменид.** Шундай бўлиб чиқадики, мавжуд бўлмаган ягона нарса жойида ҳам туради, ҳаракатда ҳам бўлади.

**Арасту.** Шундай бўлиб чиқади.

**Парменид.** Энди, модомики у ҳаракатда бўлар экан, унинг ўзгариши жуда зарур: ахир нимадир қанчадир силжиса (ҳаракат қилса), у шунча миқдорда олдин бўлган ҳолатда эмас, бошқа ҳолатда бўлади.

**Арасту.** Ҳа.

**Парменид.** Демак, ягона нарса, ҳаракатда бўлгани ҳолда, шу тариқа ўзгаради.

**Арасту.** Ҳа.

**Парменид.** Агар у ҳеч қандай тарзда ҳаракат қилмаганида эди, у ҳеч қанақасига ўзгармаган ҳам бўларди.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Бинобарин, мавжуд бўлмаган ягона нарса ҳаракатда бўлар экан, у ўзгаради, ҳаракатда бўлмаслиги сабабли ўзгармайди.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Демак, мавжуд бўлмаган ягона нарса ҳам ўзгаради, ҳам ўзгармайди

**Арасту.** Шак-шубҳасиз.

**Парменид.** Ўзгарадиган нарса аввалгидан кўра бошқача бўлиши ва ўзининг аввалги ҳолатига нисбатан нобуд бўлиши, ўзгармайдиган нарса эса – бошқа бўлмаслиги ва нобуд бўлмаслиги лозим эмасми?

**Арасту.** Шундай бўлиши лозим.

**Парменид.** Бинобарин, мавжуд бўлмаган ягона нарса ҳам, ҳолда шаклланади ва нобуд бўлади, ўзгармаган эса шаклланмайди ва нобуд бўлмайди. Шундай қилиб, мавжуд бўлмаган ягона нарса шаклланади ва нобуд бўлади, шунингдек, шаклланмайди ва нобуд бўлмайди.

**Арасту.** Шак-шубҳасиз.

**Парменид.** Ҳозиргина келиб чиққан нарса бизда яна келиб чиқиши мумкин эканлигини кўриб чиқиш учун яна бошига қайтамиз.

**Арасту.** Яхши, қайтамиз.

**Парменид.** Шундай қилиб, ягона нарса мавжуд эмаслигини тахмин қилиб, бундай қандай хулосалар келиб чиқишини аниқлаймиз.

**Арасту.** Хўш.

**Парменид.** Биз «мавжуд эмас» деб айтганда биз бу билан мавжуд эмас деб айтадиган нарсада борлиқ йўқ эканлигини эмас, бошқа бир нарсани белгиламаймизми?

**Арасту.** Ҳа, айнан шуни.

**Парменид.** Ниманидир, мавжуд бўлмаган нарса деб атаб, биз у маълум бир тарзда мавжуд эмас, маълум бир тарзда эса мавжуд деб ҳисобламаймизми? Ёки «мавжуд эмас» ифодаси мавжуд бўлмаган нарса унақасига ҳам, бунақасига ҳам йўқ эканлигини ва мавжуд бўлмаган нарса сифатида у борлиқ билан ҳеч қанақасига алоқадор эмаслигини англатмайдимизми?

**Арасту.** Бу – энг аввало.

**Парменид.** Мавжуд бўлмаган нарса на мавжуд бўлиши, на бошқа бирон-бир тарзда борлиққа алоқадор бўлиши мумкин эмас.

**Арасту.** Албатта, йўқ.

**Парменид.** Шаклланиш ва нобуд бўлиш қуйидагини англатмайдимиз: биринчиси – борлиққа қўшилиш, иккинчиси – борлиқни йўқотиш, ёки бу бошқа бирон маънога эгами?

**Арасту.** Бошқа ҳеч қандай маъно йўқ.

**Парменид.** Лекин борлиққа умуман алоқадор бўлмаган нарса уни на қўлга киритиши, на йўқотиши мумкин эмас.

**Арасту.** Бу қандай бўлиши мумкин?

**Парменид.** Ягона нарса ҳеч қанақасига мавжуд эмаслиги сабабли у ҳеч қандай тарзда на борлиққа эга бўлиши, на уни йўқотиши, на унга қўшилиши мумкин эмас.



*Арасту.* Табиий.

*Парменид.* Бинобарин, мавжуд бўлмаган ягона нарса нобуд ҳам бўлмайди, вужудга ҳам келмайди, чунки у борлиққа ҳеч қанақасига алоқадор эмас.

*Арасту.* Шак-шубҳасиз, йўқ.

*Парменид.* Демак, ҳеч қанақасига ўзгармайди ҳам: дарҳақиқат, ўзгаришга учрар экан, у вужудга келган ва нобуд бўлган бўларди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Агар у ўзгармайдиган бўлса, демак, албатта, ҳаракат ҳам қилмайди?

*Арасту.* Албатта.

*Парменид.* Энди, биз ҳеч қаерда мавжуд бўлмаган нарса турибди, чунки турган нарса доимо қайсидир битта жойда бўлиши лозим, деб айтмаймиз.

*Арасту.* Битта жойнинг ўзида. Бошқача яна қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Шундай қилиб, биз шунингдек, мавжуд бўлмаган нарса ҳеч қачон битта жойда турмайди ва ҳаракат қилмайди дет тан олишимиз керак.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Энди, мавжуд бўлмаган нарсадан ҳеч нима унга хос эмас: ахир, бирон-бир мавжуд нарсага алоқадор бўлган ҳолда у борлиққа ҳам алоқадор бўларди.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Бинобарин, унда на буюклик, на кичиклик ва на тенглик йўқ.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Унда шунингдек, на ўзига ва на бошқа нарсага нисбатан монандлик ҳам, монанд эмаслик ҳам йўқ.

*Арасту.* Турган гап.

*Парменид.* Энди, агар унга ҳеч нарса муносабатда бўлиши керак бўлмаса, бошқа нарса қандайдир тарзда унга муносабатда бўлиши мумкинми?

*Арасту.* Мумкин эмас.

*Парменид.* Шу сабабли бошқа нарса унга монанд ҳам монанд эмас ҳам ҳисобланмайди, унга айнан ўхшаш ҳам, ундан фарк қиладиган ҳам эмас.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

**Парменид.** Хўш, мавжуд нарса: «ўшани», «ўшанга», «нимадир», «бу», «буни», «бошқани», «бошқага», «аввал», «кейин», «ҳозир», «билим», «фикр», «ҳиссиёт», «мулоҳаза», «исм» ёки мавжуд нарсалардан бошқа биронтаси мавжуд бўлмаган нарсага муносабатда бўладими?

**Арасту.** Йўқ.

**Парменид.** Шундай қилиб, мавжуд бўлмаган ягона нарса ҳеч нарсага йўлиқмайди.

**Арасту.** Дарҳақиқат, келиб чиқадики, у ҳеч нарсага йўлиқмайди.

**(ягона нарсани бошқа нарса учун хулосалар билан нисбий  
ва мутлақ инкор қилиш)**

**Парменид.** Агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, бошқа нарса қандай бўлиши кераклигини яна муҳокама қиламиз.

**Арасту.** Муҳокама қиламиз.

**Парменид.** Ўйлайманки, бошқа нарса энг аввало, бошқа нарса бўлиши керак, чунки агар у бошқа нарса бўлмаганида у ҳақида мулоҳаза юритиб бўлмасди.

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Агар бошқа нарса ҳақида кўп мулоҳаза юритиладиган бўлса, бошқа нарса нарса бошқадир; аслида эса, «бошқа нарса» ва «бошқа» сузлари билан битта нарсани белгиламайсанми?

**Арасту.** Менимча, иккаласи битта нарса.

**Парменид.** Биз бошқа бошқага нисбатан бошқа ва бошқа нарса бошқа нарсага нисбатан бошқа нарса, деб айтмаймизми?

**Арасту.** Айтамиз.

**Парменид.** Шу сабабли, ҳақиқатда бошқа нарса бўлиш учун унга нисбатан бошқа нарса бўладиган нимагадир эга бўлиши лозим.

**Арасту.** Шундай бўлиши керак.

**Парменид.** Бу нима бўлиши мумкин эди? Ахир, модомики, ягона нарса мавжуд эмас экан, бошқа нарса ягона нарсага нисбатан бошқа нарса бўлмайди.

**Арасту.** Бўлмайди.

**Парменид.** Демак, у ўзига нисбатан бошқа нарса, чунки унга

фақат шу қолади, ёки у бошқа бирон нарсага нисбатан бошқа нарса бўлмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Демак, бошқа нарсанинг ҳар қандай аъзолари ўзаро кўплик каби бошқадир; улар бирлик каби ўзаро бошқа бўлиши мумкин эмас, чунки ягона нарса мавжуд эмас. Уларнинг ҳар қандай тўпланиши миқдорий жиҳатдан чексиздир: ҳаттоки агар кимдир энг кичик бўлиб кўринган нарсани олса, ҳатто у ҳам, ҳозиргина битта бўлиб кўринган нарса, бирдан, худди тушда кўргандай каби, кўплик бўлиб кўринса ва жуда кички нарсадан уни майда қисмларга бўлиш натижасида ҳосил бўладиган қисмлар билан таққослаганда улкан бўлиб қолади.

*Арасту.* Мутлақо тўғри.

*Парменид.* Шундай қилиб, агар ягона нарса мавжуд бўлмаганда бошқа нарса умуман мавжуд бўлса, бундай тўпланиш сифатида бошқа нарса ўзига нисбатан бошқа нарса ҳисобланади.

*Арасту.* Мутлақо тўғри.

*Парменид.* Шундай қилиб, кўп сонли тўпланган нарсалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири аслида битта бўлмагани ҳолда, битта бўлиб кўринади, чунки ягона нарса бўлмайди?

*Арасту.* Ҳа, шундай.

*Парменид.* Ва уларнинг маълум бир сони мавжуд бўлиб кўринади, чунки уларнинг ҳар бири – битта, бунда уларнинг сони жуда кўп.

*Арасту.* Айнан шундай.

*Парменид.* Улардан бири жуфт, бошқаси тоқ бўлиб чиқади, лекин бу ҳақиқатга зид келади, чунки ягона нарса мавжуд эмас.

*Арасту.* Албатта, ҳақиқатга зид келади.

*Парменид.* Энди, юқорида айтиб ўтилганидек, уларда энг кичик нарса мавжуд бўлиб куринади, лекин бу энг кичик нарса куп сонли майдо қисмлар билан таққослаганда кўпчиликка буюк бўлиб кўринади.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Энди, ҳар бир тўпланган нарсалар ҳам кўп сонли кичик аъзоларга тенг деб ҳисобланади; аслида эса у фақат олдиндан оралиқ бўлиб кўринган бўлса, каттадан кичикка ўтадиган бўлиб кўринади, бу эса тенглик таассуротини уйғотади.

*Арасту.* Табиий.

**Парменид.** Энди, ҳар бир тўпланган нарсалар бошқа тўпланган нарсаларга нисбатан чегарага эга бўлиб туюлади, ваҳоланки ўзига нисбатан на ибтидога, на интиҳога ва на ўртасига эга бўлади.

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** Мана бундай қилиб: кимдир хаёлан ниманидир бундан тўпланган нарсалар ибтидоси, интиҳоси ёки ўртаси сифатида қабул қиладиган бўлса, ҳар сафар ибтидо олдидан бошқа ибтида бўлади, кейин интиҳо ортидан бошқа интиҳо қолади ва ўртада бошқа бир, биринчи ўртадан кичикроқ ўрта пайдо бўлади, чунки модомики, у мажуд эмас экан, на ибтидода, на интиҳода ва на ўртада ягона нарсани илғаб, аниқлаб бўлмайди.

**Арасту.** Мутлақо тўғри.

**Парменид.** Кимдир фикр билан илғаб оладиган ҳамма мавжуд нарса, ўйлашимча, парчаланиши ва қисмларга бўлиниши лозим, чунки у фақат умумийлик(бирлик)дан маҳрум бўлган тўпланган нарсалар кўринишида идрок қилиниши мумкин.

**Арасту.** Шак-шубҳасиз.

**Парменид.** Албатта, кўриш қобилияти паст бўлган шахс учун узоқдан қараганда бундай тўпланган нарсалар битта (умумий) бўлиб кўриниши мумкин, лекин яқиндан қараганда ўткир ақл соҳиби учун ҳар битта бирлик, модомики мавжуд бўлмаган ягона нарсадан маҳрум экан, микдорий жиҳатдан чексиз бўлиб чиқади. Шундай эмасми?

**Арасту.** Бу энг олий даражада зарур.

**Парменид.** Шундай қилиб, агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, лекин ягона нарсага нисбатан бошқа нарса мавжуд бўлса, бунда ҳар бир бошқа нарса чексиз ҳам, чегарага эга ҳам, битта ҳам, кўп ҳам бўлиб кўриниши мумкин.

**Арасту.** Ҳа, шундай.

**Парменид.** У, шунингдек, монанд ва монанд эмас бўлиб ҳам кўринмайдами?

**Арасту.** Қандай қилиб?

**Парменид.** Харитадаги контурлар билан бўлгани каби. Агар узоқдан туриб қаралса, уларнинг ҳаммаси бирлашиб кетган ҳолда бир хил ва шу сабабли монанд бўлиб кўринади.

**Арасту.** Албатта.

**Парменид.** Агар яқинлашиб қарайдиган бўлсак, улар кўп сонли ва хилма-хил бўлиб кўринади ва оқибатда, таассуротлар ҳам

турлича ва бир-бирига ўхшамас бўлади.

*Арасту.* Ҳа.

*Парменид.* Шунингдек, бу тўпланган нарсалар бир-бирига ва ўзига монанд ва монанд эмас бўлиб кўриниши лозим.

*Арасту.* Шубҳасиз.

*Парменид.* Бинобарин, агар ягона нарса йўқ, кўп нарса эса мавжуд бўлса ҳам ўзаро айнан ўхшаш ва ҳам фарқ қиладиган, ҳам туташадиган ва ҳам алоҳида бўлинган, ҳам барча турларда ҳаракат қиладиган ва ҳам тўлиқ ҳаракатсиз тинч ҳолатда бўлган, ҳам вужудга келадиган ва ҳам нобуд бўладиган, уларни кузатиш қийин бўлмаган на у ва на бу бошқа хусусиятларга эга бўлган бўлиб кўринади.

*Арасту.* Мутлако тўғри.

*Парменид.* Энди охирги марта бошига қайтамиз ва агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, ягона нарсага нисбатан бошқа нарса нима бўлиши лозимлигини муҳокама қиламиз.

*Арасту.* Муҳокама қиламиз.

*Парменид.* Шундай қилиб, бошқа нарса ягона нарса бўлмайди.

*Арасту.* Бошқача қандай бўлиши мумкин?

*Парменид.* Шунингдек, кўп нарса ҳам бўла олмайди, ахир кўп нарсада ягона нарса ҳам бўлади. Агар бошқа нарсадаги ҳеч нарса битта бўлса, унинг ҳаммаси ҳеч нарса, шундай экан, кўп нарса ҳам бўла олмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Агар бошқа нарсада ягона нарса бўлмаса, бошқа нарса кўп нарса ҳам эмас, ягона нарса ҳам эмас.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Ҳатто на ягона нарса, на кўп нарса бўлиб ҳам туюлмайди.

*Арасту.* Нима учун шундай?

*Парменид.* Шу сабабданки, бошқа нарса ҳеч қаерда ҳеч қандай тарзда мавжуд бўлмаган нарсадан биронтаси билан ҳеч қандай мулкотга эга бўлмайди ва мавжуд бўлмаган нарсадан ҳеч нарса бошқа нарсадан ҳеч нимага ҳеч қандай алоқада бўлмайди; бунинг устига, мавжуд бўлмаган нарсанинг қисмлари ҳам бўлмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Бинобарин, бошқа нарса на мавжуд бўлмаган нарса ҳақида фикрга, на у ҳақида бирон-бир тасаввурга эга бўлмайди ва

мавжуд бўлмаган нарса бошқа нарса томонидан асло фикр қилинмайди.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Демак, агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, бошқа нарсадан ҳеч нима на битта сифатида, на кўп нарса сифатида фикр қилиниши мумкин эмас, чунки ягона нарсасиз кўп нарсани фикр қилишнинг имкони йўқ.

*Арасту.* Ҳа, бунинг имкони йўқ.

*Парменид.* Шундай қилиб, агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, бошқа нарса ҳам мавжуд эмас ва уни на ягона нарса сифатида, на кўп нарса сифатида фикрлаб бўлмайди.

*Арасту.* Шундай бўлиб чиқади.

*Парменид.* Демак, шунингдек, монанд сифатида ҳам, монанд эмас сифатида ҳам фикр қилиб бўлмайди.

*Арасту.* Албатта, йўқ.

*Парменид.* Шунингдек, агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, бошқа нарса на айнан ўхшаш сифатида, на фарқ қиладиган сифатида, на туташадиган сифатида, на алоҳида кўринишда, на юқорида айтиб ўтилганидек, аниқланадиган бошқа бир аломатга эга бўлган була олмайди.

*Арасту.* Тўғри.

*Парменид.* Умуман олганда қуйидаги фикр билдириш тўғри бўладими: агар ягона нарса мавжуд бўлмаса, ҳеч нима мавжуд эмас?

*Арасту.* Мутлақо тўғри.

*Парменид.* Худди шу фикрни, шунингдек, ягона нарса мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, у ҳам, бошқа нарса ҳам, маълум бўлишича, ўзига ва бир-бирига нисбатан шубҳасиз масаланинг моҳияти ва моҳияти эмаслигини, шундай бўлиб кўриниши ва шундай бўлиб кўринмаслигини айтамин.

*Арасту.* Чин ҳақиқат.

**ПАРМЕНИД**  
**ЯГОНА ВА БОШҚА НАРСАЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ**  
**КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ МОДЕЛЬ МАВЖУДЛИГИ**  
**ИМКОНИЯТИНИНГ ШАРТИ СИФАТИДА**

Афлотун ўз ғоялари ҳақида гапирганда у ғояларни доимо келтириб чиқарувчи моделлар сифатида назарда тутди. Бироқ у мазкур келтириб чиқарувчи модель моҳиятини доим ҳам таҳлил қилмайди. Фақат «Софиста»да у бешта тоифа диалектикасини берган бўлиб, шу тариқа у аниқ бир мазмунга эга бўлган структура сифатида асосланган бўлиб чиқди. Лекин ғоя структураси ҳали ушбу ғояга тўғри келадиган нарсалар учун модель эмас. Объектив идеализмнинг асосий концепциясига мувофиқ, ғоя нарсани оддий тушуниб етибгина қолмайди ва уни оқилона ақлга тўғри келадиган қилибгина қўймайди. Объектив идеализм унинг мустақил равишда мавжудлиги ҳақида гапирадиган ғоя бу нарсани ҳам келтириб чиқариши ва бу сўзнинг оддийгина табиий в анатурлистик маъносида эмас, нафақат буюм ҳолидаги, балки мазмунга оид муносабатларни жалб қилиш йўли билан келтириб чиқариши лозим. Бу ҳолат Афлотуннинг «Парменида»сида ҳам ўз ривожини топган бўлиб, у ғояни максимал умумлаштиришгача, яъни «битта нарса» тоифасига<sup>28</sup> етказиб, материяни ҳам уни энг юксак-умумлаштирилган тушунишга етказган ва шу сабабли уни умуман «бошқа нарса» деб атаб, битта нарса ва бошқа нарса диалектикасини яратади ҳамда унда битта нарса ва бошқа нарса ўртасидаги, ёки бошқача қилиб айтганда, ғоя ва материя ўртасидаги ҳар қандай нисбатга хос бўлган барча эҳтимолий диалектик натижаларни атрофлича ўйлаб кўради.

---

<sup>28</sup> Таржима матнида юнонча «ягона нарса»; анъаналарга кўра, «ягона нарса» сифатида берилади. лекин ушбу атама кўп маънога ва асосан «битта нарса» маъноси эга эканлиги сабабли шарҳларда «битта нарса» иборасидан фойдаланамиз.

## СУҲБАТ КОМПОЗИЦИЯСИ (тузилиши)

### I. Кириш

Кефал деган одам томонидан анча илгари машҳур Элияликлар – Парменид ва Зеноннинг ўша пайтлар ҳали жуда ёш бўлган Сукрот билан бўлиб ўтган сўзлашувнинг келтирилган баёнини ифодалайдиган мазкур суҳбат билан боғлиқ шахслар ҳақида ҳикоя.

### II. Элея асосий тезиси

Ҳамма нарса ягона ва кўпликда ҳеч нарса йўқ. Агар мавжуд барча нарсалар, мулоҳаза юритади Зенон, кўпликда бўлса, бунда уларнинг ҳар бири ундан фарқ қиладиган бошқа нарсалар билан ҳам бир хил бўлиб чиқади. Зенон бу фикри билан Пармениддан умуман фарқ қилмайди, чунки Парменидда ҳамма нарса ягона, Зенонда эса – кўпликда эмас.

### III. Ғоя ва нарса дуализми танқиди

1. *Ғоялар турлича, ҳар хил, яъни кўпликдадир.* Айтиб ўтилган элея далиллари биринчи навбатда нарсани унинг ғояси билан танқидий бўлмаган аралаштиришга асосланади. Ҳар қандай нарса ҳақиқатда кўплаб турли хусусиятларни бирлаштириши ёки турли қисмлардан иборат бўлиши мумкин: ахир инсон, масалан, ўнг қўлга ва чап қўлга эга бўлиши ва шу билан бир пайтда ўзи бўлиб қолавериши, яъни нимадир ягона бир нарса бўлиб қолавериши мумкин. Лекин бу хусусиятларнинг ғоялари энди ҳеч қанақасига ягона (умумий) ёки айнан ўхшаш бўла олмайди, чунки ўнг қўл бу фақат ўнг қўл, чап қўл эмас, чап қўл эса – фақат чап қўл, ҳеч қанақасига ўнг қўл эмас. Шундай қилиб, ҳар ҳолда ғоялар ҳар икки, яъни кўп сонли бўлади ва уларнинг айнан ўхшашлигини элеяликлар ҳали исботлаб бермаган, деб ўйлайди Афлотун.

2. *Ғояларни нарсалар билан реал аралаштириш.* Ғоялар, кўпчилик улар ҳақида ўйлаганидек, нарсалардан у қадар ҳам узоқ



эмас. Монанд нарсалар монандликка алоқадор ва усиз асло монанд бўла олмайди. Ҳатто энг куйи тартибдаги нарсалар (соч, ифлослик, ахлат) борасида ҳам улар ҳеч қандай мазмунга эга эмас, яъни ҳеч қандай ғояларга алоқадор эмас деб ўйлаш қийин. Шу сабабли, турли хил ноаниқликларга қарамай, Сукротда барча бўлиши мумкин бўлган нарсалар учун умуман ғоя мавжуд эмасми деган фикр вужудга келади. Ҳар қандай нарса у ёки бу тарзда қандайдир ғояга алоқадор бўлади.

3. *Нарсанинг ўз ғоясига алоқадорлиги, гарчи қайсидир маънода бу ғояни майда қисмларга ажратсада, лекин шунга қарамай, уни моҳиятан бўлинмас қилиб қолдиради.* Бир куннинг ўзи турли жойларда мавжуд бўлади, лекин шунга қарамай, у майда қисмларга бўлинмайди ва ўзидан ажратилмайди. Умуман олганда, ғоя тушунчасига нисбатан ҳеч қандай буюмга оид ёки макон ва замонга оид тафовутлар қўлланмайди.

4. *Нарса ғояга монанд; лекин бу улар монанд бўлган нарса нарса ва ғоянинг ўзидан ташқари учинчи бир нарса эканлигини англатмайди.* Ва бу биз ғояни фақат нимадир ҳақида фикр ёки нарсанинг ўз моҳиятидаги обхъектив намуна деб ҳисоблашимиздан қатъи назар шундай бўлади. Нарсанинг ғоя билан монандлигини бегилаб, биз уларга мувофиқ нарса ўз ғоясига ўхшатиладиган монандликлар чексизлигига қараб кетмаймиз.

5. *Худди шу тарзда ғоя билиб (идрок қилиб) бўлмайдиган нимадир эмас,* чунки ғоялар фақат бир-бирини тавсифлаш ва ўзаро муносабатлардагина мавжуд бўлади. Агар мазкур ғоя мутлақо алоҳида равишда мавжуд бўлганида эди, уни ҳеч нарса билан таққослаш имкони бўлмасди ва шундай экан, у биз учун ҳеч нарса бўлмасди, яъни билиб (идрок қилиб) бўладиган нарса ҳисобланмасди. Лекин унинг мавжуд эканлигини тан олиш учун уни унинг нарса (буюм) ҳолидаги монандликлари билан таққослаш етарли эмас (биз Афлотуннинг фикрини тўлдирган ҳолда, ғоянинг монандлиги нимадир идеал бир нарсадан иборат ва шу асосда ушбу ҳолатда битта нарсани фақат ўзи билан таққослашга тўғри келарди, деб айтган бўлардик). Бундан ташқари, ғоялар монандлиги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ғоялар билан таққослашда эмас, уларни бошқа ғоялар билан таққослашда аниқланади. Бинобарин, агар

ғоялар нарсалардан мутлақо алоҳида ажратилган бўлса, на уларнинг ўзи, на уларнинг образлари ва нарсалардаги монандликлари билиш (идрок қилиш) мумкин эмас бўлиб чиқади, чунки акс ҳолда барча ғояларни мутлақ билиш зарур бўларди, бунинг эса асло имкони йўқ. Бироқ ҳаттоки мутлақ билимга эга бўлган мавжудот, чунончи, Худо мавжуд бўлса ҳам, у ғояларнинг бошқалардан ажралиб турган ҳолда мавжудлиги шартларида ҳеч нарсани билиб олмаган ва ҳеч нарса устидан ҳукмронлик қилмаган бўларди, чунки ҳатто бу ҳолатда ҳам бошқалардан ажралиб турган ҳолда мавжуд бўлган ғоялар нарсаларга ҳеч қандай алоқаси бўлмасди, ғоялардан алоҳида ажратилган нарсалар эса ғояларга ҳеч қандай алоқаси бўлмасди. Бу ғояларнинг бошқалардан ажралиб турган ҳолда мавжуд бўлишига йўл қўймаслик ҳақидаги мулоҳазалар якуни.

#### **IV. Битта (ягона) нарса ва бошқа нарса диалектикаси**

1. *Кириш.* Метафизик дуализмда чалкашиб кетган ва мумкин бўлмаган хулосаларга келган ҳолда, суҳбат иштирокчилари янги тадқиқот йўлига, чунончи, энг умумий тоифалар ва энг аввало, битта нарса ва бошқа нарса диалектикаси йўлига ўтадилар. Шу ернинг ўзида тадқиқот режаси ҳам белгиланиб, бунда ўзи учун ҳам, битта нарса учун ҳам унинг мазмунида кўп нарсани тадқиқ этиш ҳамда ўзи учун ҳам, кўп нарса учун ҳам унинг мазмунида битта нарсани тадқиқ этиш зарурлиги ҳақида гапирилади. Ушбу режа энг умумий шаклда белгиланади, чунки битта нарса ва бошқа нарсанинг кейинги диалектикаси бошқа тартибда ва анча юқори даражадаги аниқлик билан ўтказилади.

2. *Битта нарса ва бошқа нарса диалектикасининг амалдаги режаси .*

I. Битта нарсани фараз қилиш.

A. Битта нарса учун хулосалар:

- a) битта нарсани мутлақ фараз қилишда
- b) битта нарсани нисбий фараз қилишда.

B. Бошқа нарса учун хулосалар:

- a) битта нарсани мутлақ фараз қилишда
- b) битта нарсани нисбий фараз қилишда.

II. Битта нарсани инкор қилиш.

А. Битта нарса учун хулосалар:

- а) битта нарсани нисбий инкор қилишда
- б) битта нарсани мутлақ инкор қилишда.

В. Бошқа нарса учун хулосалар:

- а) битта нарсани нисбий инкор қилишда
- б) битта нарсани мутлақ инкор қилишда.

Ушбу диалектикани алоҳида бандлар бўйича батафсилроқ кўриб чиқамиз.

3. *Битта нарсани ушбу битта нарса учун хулосалар билан мутлақ ва нисбий фараз қилиш.* Битта нарсани унинг ўзи учун хулосалар билан мутлақ фараз қилиш шуни кўзда тутадикки, у мутлақ экан, ундан бошқа умуман ҳеч нарса мавжуд эмас, яъни ҳеч қанадй бошқа нарса йўқ. Бироқ бундай ҳолатда уни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди, яъни, унга уни бошқа нарса билан таққослаш натижасида вужудга келадиган қандайдир аломатлар ва хусусиятларни умуман нисбат бериш мумкин эмас. Бу ҳолатда мутлақо ҳеч қандай тоифа уни, на унинг сифатини, на сонини ва бошқаларни тавсифламайди, у мутлақо билиб (идрок қилиб) бўлмайдиган қилинади ва шундай экан, биз учун ўз ҳолича бўлмай қўяди, йўқ бўлиб кетади. Қисқаси: агар фақат битта нарса мавжуд ва бошқа ҳеч нарса мавжуд бўлмаса, шу битта нарса ҳам мавжуд эмас.

Битта нарса оддий битта нарса эмас, мавжуд (ёки ҳақиқий, чинакам) битта нарса сифатида талқин қилинадиган битта нарсани нисбий фараз қилиш бошқа гап. Ушбу ҳолатда биз у айнан «мавжуд» деб айтар эканмиз, битта нарса борлиқдан нима биландир фарқ қилади. Бинобарин, унга фарқ қилиш тофиаси хосдир. Лекин нимадандир фарқ қилади агар нарса, ҳар ҳолда ўзи бўлиб қолаверади, яъни битта нарсага айнан ўхшашлик хос, у айнан ўхшашликнинг ўзиганисидир. Лекин у бошқа нарсадан фарқ қилганда бу шуни англатадигани, у бошқа нарса билан унинг ўзига ҳам, бошқа нарсага ҳам бир хилда тааллуқли бўлган чегарага эга. Бинобарин, чегара тушунчасида битта нарса ва бошқа нарса мос келади. Шу сабабли агар битта нарса бошқа нарсадан фарқ қиладиган бўлса, бу фақат уларнинг айнан ўхшашлик фурсати мавжудлиги шартида ўринга эга бўлиши мумкин. Худди шу тарзда бошқа барча мантиқий тоифалар ҳам чиқарилади, яъни уларнинг барчаси ўзаро фарқ қилади ва айнан ўхшаш

ҳисобланади. Қисқа қилиб айтганда: агар нимадир бир нарса ҳақиқатда мавжуд бўлса, демак барча нарса мавжуд. Бунда диалектик лаҳза, ёки лаҳза (exaiphnes — «бирдан») жуда муҳим тушунчаси илгари сурилади, чунки битта тоифанинг бошқа тоифа билан айнан ўхшашлиги ва фарқ қилиши ҳар қандай замон ва макондан ташқарида, ҳар қандай ораликсиз ёки тадрижийликсиз, лекин фақат бирданига ва бир вақтда: биз битта нарса ва бошқа нарса ўртасида таофвут ўтказган пайтда вужудга келади – худди шу пайтда биз уларнинг айнан ўхшашлигини ҳам қайд қилганмиз.

4. *Битта нарсани унинг ўзи учун эмас, бошқа нарса учун хулослар билан нисбий ва мутлақ фараз қилиши.* Битта нарса бошқа нарсадан нима биландир фарқ қилиши лозим бўлган ҳолатда уни нисбий фараз қилишда шу нарса аниқ бўладигани, бу бошқа нарса нима бўлганда ҳам мавжуд, чунки акс ҳолда битта нарсани ҳеч нарса билан таққослаб ҳам бўлмасди. Лекин ушбу бошқа нарса мавжуд экан, унинг борлигидан бошқа барча тоифалар ҳам келиб чиқади. Бинобарин, битта нарсани нисбий фараз қилишда барча бошқа нарсалар ҳам мавжуд, яъни бошқа нарса исталган тарзда бўлиши мумкин. қисқа қилиб айтганда: агар битта нарса ҳақиқатда мавжуд бўлса, бу битта нарсадан бошқа ҳамма нарса ҳам мавжуд.

Биз битта нарсани мутлақ фараз қилишда тавсифлайдиган бошқа нарса умуман бошқача тасаввурни ифодалайди. Ахир агар битта нарса бу фақат битта нарса ва бошқа ҳеч қандай нарса мавжуд бўлмаса, бошқа нарса, нима бўлганда ҳам, борлиқ аломатларидан маҳрум бўлади. Унда ҳеч қандай борлиқ йўқ экан, демак, унда умуман ҳеч нарса йўқ, яъни шунингдек, унинг ўзи ҳам йўқ. Шу сабабли битта нарсани мутлақ фараз қилишда бу битта нарса йўқ бўлиб кетади, лекин бундай вазиятда бошқа барча нарсалар ҳам йўқ бўлади. Қисқа қилиб айтганда: агар битта нарса мавжуд ва у фақат битта нарса бўлса ва ундан бошқа нарса бўлмаса, демак, ушбу битта нарсадан бошқа ҳеч нарса йўқ.

5. *Битта нарсани ушбу битта нарса учун хулосалар билан нисбий ва мутлақ инкор қилиши.* Энди битта нарсани фарз қилиш ўрнига битта нарсани фарз қилиш диалектикасида ҳам илгари сурилган асосий диалектик позициялар кетма-кетлигидаги каби симметрик риоя қилишда уни инкор қилиш кўриб чиқилади.

Дастлаб битта нарса нисбий маънода инкор қилинади, яъни агар битта нарса мавжуд бўлмаса, нима ҳосил бўлиши масаласи

қўйилади. Маълумки, агар битта нарса мавжуд бўлмаса, шу тариқа биз қандайдир фарқни белгилаймиз ва бунда ниманингдир бошқа нарсадан фарқи биз инкор қиладиган битта нарсадан бошқа нарса фарқ қилиши белгиланади. Лекин, фарқ қилиш тоифасини белгилаб, шу тариқа биз бизнинг битта нарсага у ёки бу хусусиятларни, яъни сифат, сон ва ҳ.к.ни белгилаб берамиз. Бинобарин, агар битта нарса нисбий маънода мавжуд бўлмаса, унда бошқа барча нарса, яъни умуман барча тоифалар ҳам мавжуд. Қисқа қилиб айтганда: агар битта нарса мавжуд бўлмаса, лекин умуман эмас, қанадйдир ўзига хос маънода, бунда битта нарса ҳамма нарса ҳисобланади. Лекин бизнинг «агар битта нарса мавжуд бўлмаса» ифодамизни мутлақ маънода ҳам тушуниш мумкин. Бу битта нарса у ҳам эмас, бу ҳам эмас, учинчи ҳам эмас ва умуман ҳеч нарса эмас демакдир. Бинобарин, бундай диалектик позицияда ҳеч қандай битта нарса умуман бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда: агар битта нарса мутлақ инкор қилинадиган бўлса, унда бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса ҳам инкор қилинади.

*б. Битта нарсани бошқа нарса учун хулосалар билан нисбий ёки мутлақ инкор қилиши.* Битта нарсани инкор қилишда бошқа нарса билан нима бўлади? Бу ерда ҳам, юқорида кўрганимиздек, битта нарсани нисбий ва мутлақ инкор қилиш ўртасида фарқ кузатилади.

Дастлаб фараз қилайлик, биз битта нарсани нисбий инкор қиламиз. Бу битта нарсадан ташқари бошқа нарсани ҳам бўлиши мумкин деб биламиз демакдир. Бошқа нарсага диққат билан қараган ҳолда шуни кўрамизки, унда исталган нарса бор, чунки у қарши қўйилган битта нарса мутлақ эмас, нисбий олинган, яъни у бошқа нарсанинг бўлишига ҳалал бермайди. Қисқа қилиб айтганда: агар битта нарса фақат қайсидир ўзига хос маънода инкор қилинадиган бўлса, ушбу битта нарсадан ташқари қолган барча нарса мавжуд бўлади.

Битта нарсани мутлақ инкор қилишда яна бир бор қарама-қарши тасаввурга эга бўламиз. Агар битта нарса бутунлай мавжуд бўлмаса, бундай битта нарса учун қандай бошқа нарса ҳақида гап бориши мумкин? Агар битта нарса ҳақиқатда мавжуд бўлмаса, бошқа ҳеч қандай нарса ҳам мавжуд бўлмайди, чунки у фақат битта нарсага бирон нарсани қарши қўйиш натижасида вужудга келади. Шу сабабли унга бирон нарсани белгилаб қўйиш ҳам, яъни унда қандайдир тоифаларни топиш ҳам маъносиз. Қисқа

қилиб айтганда: агар биттан нарса тўлалигича инкор қилинадиган бўлса, унда бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса ҳам инкор қилинади.

## СУХБАТ БЎЙИЧА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАР

1) Нафақат римликлар ва юнонликларга оид, балки жаҳон диалектикасининг ҳам энг муҳим асарларидан бири бўлган «Парменид» мавзудан кўп сонли ва хилма-хил четлашишлар, мантиқ учун кераксиз бўлган ҳикоя элементлари билан ажралиб туради.

Сухбатда кўплик (множественность) мумкин эмаслиги ҳақида эелеяликларнинг асосий тезиси инкор қилинади. Бу инкорни фақат диққат билан ва синчковлик билан тадқиқ этишдан сўнггина мантиқий бир кўринишга келтириш мумкин бўлган. Бу ерда ноаниқликлар ҳар қадамда учрайди ва фикрлар ўртасидаги боғлиқлик тез-тез узилиб туради.

Сухбатда ғояларни бошқалардан алоҳида ажратлиган моҳиятлар сифатида тушунишнинг тўлиқ инкор қилиниши (рад этилиши) берилган. Лекин платонизмни (аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, мавхумликни) дуалистик қабул қилишга кўникиб қолган европалик ўқувчилар дуализмнинг барча танқидлари анча батафсилроқ ва анча ишончлироқ ўтказилиши лозим эди, чунки акс ҳолда кўпчиликда барибир турли шубҳалар ва нотўғри гаплар вужудга келади.

Сухбатда қолган қисмларга қараганда уч барабар кўп жой эгаллаган битта нарса ва бошқа нарса диалектикаси диалектика учун имкон қадар бўлган аниқлик, тадрижийлик ва тизимлилик билан берилган. Лекин битта нарса ва бошқа нарса диалектикасининг бундан олдинги барча нарсаларга, энг аввало, бошқалардан алдоҳида ажратилган ғоялар танқидига муносабати қандай эканлиги муман номаълум. Дарҳақиқат, бу диалектиканинг барчаси, Афлотун ўзи айтишга мойил бўлгани каби, фақат мантиқий фикрлашда машқ қилиш мақсадида берилган эканига ишониб бўлмайди. Қолаверса, фанда бутун платонизм учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган битта нарса ва бошқа нарса диалектикасининг аҳамияти асло қандайдир предметли концепцияларда эмас, лекин бу битта нарса ва бошқа нарса диалектикаси ва у фақат мантиқ борасида машқ қилиш учун жорий қилинган деган фикр бир неча марта билдирилган. Бироқ бундай деб ўйлаш – Афлотундан кўп сонли бундай фикр-мулоҳазаларни чиқариб ташлаш ва борган сари биринчи ўринга

айнан битта нарса ва бошқа нарса диалектикасини қўйиб келган бутун платонизм тарихини бузиб кўрсатиш демакдир.

Ниҳоят, ушбу битта нарса ва бошқа нарса ажойиб диалектикаси ҳеч қандай умумий хулосалардан иборат эмас ва суҳбатда ҳеч қандай умумлаштирувчи яқунлар келтирилмаган.

Бир сўз билан айтганда, мазмуни бўйича ўзига хослигига қарамай, ўз услуби ва структураси бўйича «Парменид» Афлотуннинг бошқа суҳбатларидан ҳеч нарса билан фарқ қилмайди.

2) Шубҳасизки, «Парменид»нинг асосий қисмлари ғоялар ва нарсалар метафизик дуализминини танқид қилиш ҳамда битта нарса ва бошқа нарса диалектикаси ҳисобланади. Бу қисмларнинг биринчисига келадиган бўлсак, ундан Афлотуннинг объектив идеализми анъанавий маънода дуализм эмас, ҳақиқий монизм эканлиги маълум бўлади. Ўқувчи бу фикрга келиши лозим, чунки «Парменид»ни ўқиш давомида у учинчи кўлдан олинган турли хабарлардан фойдаланмайди, асл манбага мурожаат қилади, асл манба эса айнан Афлотунда ҳар қандай кўпол метафизик дуализм йўқлигидан адлолат беради. Бундан ташқари, агар ўқувчи Афлотуннинг бундан олдинги суҳбатлари билан эътибор бериб танишиб чиққан бўлса, ушбу дуализм танқиди ва ушбу монизмни у бир неча марта бошқа жойларда ҳам учратган. Бутун бошли «Пир» тўғридан-тўғри моддий қашшоқлик ва идеал тўлиқликнинг диалектик бирлашуви (кўшилиши) сифатида Эротнинг монистик диалектикасига асосан тузилган. «Федр» эса маъбудларда «абадул абад» тана ва руҳнинг бирлашувини ва одамларда бу бирлашувнинг даврий айланиб туришини тарғиб қилади. «Софист» ҳам идеал ақлнинг фавқулодда ҳаракатсизлигини инкор қилади ва бунинг ўрнига ягона нарса ва кўп нарса, ҳаракатсиз тинч ҳолат ва ҳаракат, идеал ва моддий диалектикани таклиф қилади. Ҳатто энг «дуалистик» «Федон»да ҳам идеал ва моддий жиҳатлар бирлиги ҳақида таълимотни топдик, чунки у ерда тана ва руҳнинг мутлақ узилиши эмас, руҳнинг бир танадан бошқа танага кўчиб ўтишигина тарғиб қилинади. Бироқ ушбу суҳбатларнинг барчасида Афлотун хали ўткир диалектик усул билан қуролланмаган эди, шундай экан, «Парменид»даги янгилик фақат шундан иборатки, унда *ғоялар ва материя диалектикаси* тизимли кўринишда келтирилган.



3) Ғоя ва материя бирлиги, ҳали узил-кесил бўлмасида, айнан суҳбатнинг кўрсатилган иккита асосий қисмининг биринчисида таърифланади. Афлотуннинг далиллари бу ерда асосан шунга бориб тақаладики, агар нарсалар ғоялари ҳақиқатда нарсаларнинг ўзидан алоҳида ажратилган бўлса, бу ҳолда нарса, ўзида ўзининг ҳеч қандай ғоясига эга бўлмаган ҳолда, ҳар қандай белги ва хусусиятлардан маҳрум бўлади, яъни ўз ҳолича бўмай кўяди; бу эса бундай шартларда у ҳам билиб (идрок қилиб) бўлмайдиган бўлиб қолишини англатади. Аслини олганда, бу ҳам Афлотуннинг эски бир далилидир. Бироқ «Парменид»да ушбу далил жуда ишончли тарзда келтирилган. Бу ерда ушбу далиллар ва Арастунинг ғоялар танқиди ўртасидаги муносабат масаласи юзага келади.

4) Бу ерда масаланинг уч хил ечими бўлиши мумкин. Ёки Афлотун «Парменид» да ўзининг ғоялар ҳақида таълимотини эмас, бошқа бир таълимотни танқид қилади. Афлотун даврида ғоялар ҳақида бундай, ҳақиқатда дуалистик таълимот Сукротнинг шогирларидан бири – Эвклид раҳбарлик қилган Мегар мактабида мавжуд бўлган. Сукротнинг бошқа шогирдлари, киниклар ва киреналиклар, ушбу бир тарафламаликлардан қочишга уста бўлган Сукрот фалсафасининг у ёки бу тамойилига бир тарафлама қизиқишга эга бўлгани каби, Эвклид ҳам, шубҳасизки, ғоя тамойилига бир тарафлама қизиққан. Ёки Арасту ғояларга қарши ўз далилларини Афлотуннинг ўзидан олган, ёки, ниҳоят, «Парменид» Афлотуннинг эмас, Арастунинг қаламига мансуб.

Масаланинг иккинчи ечими бўлиши эҳтимоли катта, чунки Афлотундан ўзлаштирмалар Арасту томонидан бошқа муаммоларни талқин қилишда ҳам кўзга ташланади. Лекин масаланинг ечими учинчи кўринишда асло бўлиши мумкин эмас, чунки Арасту ўз метафизикасини қарама-қаршилик қонуни (Метафизика IV 7, 1011b 23; тоифалар 4, 2a 7 сл.), яъни расмий мантикка асосан барпо этади, Афлотуннинг «Парменид»и эса қарама-қаршиликлар бирлигини қаттиқ туриб илгари суришдир. Масаланинг биринчи ечимини эҳтимоли энг юқори деб санаш лозим, чунки Афлотун бу ерда мегарларнинг ғоялар ҳақидаги таълимотини танқид қилади.

5) «Парменид»нинг ажойиб бўлган иккинчи асосий қисмига, чунончи, ягона нарса ва бошқа нарса диалектикасига келадиган

бўлсак, юқорида айтиб ўтилганидек, Афлотун, унда кўп марта кузатилгани каби, диалектиканинг бундан олдинги дуализм танқидига муносабатининг ўзини ифодалашга умуман бепарво муносабатда бўлади. Шарҳловчи бу ерда Афлотун фикрларини, айниқса, «Филеб» ва «Тимей» суҳбатларига таянган ҳолда фикрларни ўзи мустақил охирига ўйлаб етишига тўғри келади. Ғоя ва материя бирлиги борасида ўз фикрида Афлотун ғояларнинг мустақил равишда мавжуд бўлиши ва уларнинг ҳеч қанадй тарзда моддий қисмларга ажратилишга мойил эмаслигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши тахмини эҳтимоли энг юқори бўлади. Қуйидаги қарама-қаршилик вужудга келади: ғоялар ҳамма жойда мавжуд ва ҳеч қаерда мавжуд эмас; улар майда қисмларга бўлинади ва бўлинмайди; улар мутлақ ягона нарсени ифодалайди ва шу билан бир пайтда кўплик ҳисобланади. буларнинг барчаси Афлотун томонидан биз айтиб ўтган дуализм танқидида сўзма-сўз ифодаланган. Лекин агар шундай бўлса, бу ердан суҳбатнинг иккинчи, асосий қисми бағишланган ва унда ғоя тамойили нафақат ўта сезгир ягона нарса эмас, умуман ҳар қандай битта нарса сифатида, материя тамойили эса – нафақат моддий ҳис қилиб бўладиган олам, балки битта нарса билан таққослаганда ҳар қандай бошқа нарса сифатида кўриб чиқиладиган ягона нарса ва бошқа нарса диалектикасига қўл узатса етадиган жой қолади. Шундай қилиб, суҳбатнинг иккинчи қисмида таклиф қилинадиган ягона нарса ва бошқа нарса диалектикаси Афлотуннинг якуний ва имкон борича умумлаштирилган ғоя ва материя диалектикасидир.

б) Суҳбатнинг иккинчи қисми мазмунини таҳлил қилиш Афлотун нуқтаи назаридан 8 та диалектик позициянинг ҳар бири, ёки, унинг айтишича, бу ерда Афлотун томонидан фойдаланилган гипотезалар бир хилда зарур эканлигини ва ўзининг бутун бир мураккаблиги ва кенг тармоқли эканлиги билан турли жиҳатларда берилган бутун бир яхлитлик ҳолатидаги ягона нарсени ифодалашини тан олишга мажбур қилади. Мутлақ билиб (идрок қилиб) бўлмайдиган ва ўта юқори борлиқ бўлган ягона нарса Афлотун учун шубҳасизки, гарчи алоҳида нуқтаи назардан бўлсада, ҳақиқатда мавжуд. нисбий, яъни алоҳида фараз қилинадиган ягона нарса ҳам мавжуд, фақат бу ҳам ўзига хос нуқтаи назардан. Ва ҳ.к. ва ҳ.к. Бу ҳолатда ушбу барча диалектик зиддиятларнинг туб моҳияти нимадан иборат?

У Афлотуннинг ҳар қандай ягона нарса албатта ўзининг структурасини ҳам, у қарама-қарши қўйилган ва у билан таққосланадиган барча бошқа нарсалар структурасини ҳам келтириб чиқаришига сўзсиз ишонишидан иборат. Суҳбатнинг бутун иккинчи қисми айнан *диалектик оқибатлар* ҳақида таълимотдан бошқа нарса эмас. Натуралистик оқибатлар ҳақида илгари бутун юнон натур-фалсафаси гапирарди. Афлотун эса энди натурализмни тоифалардан бирини бошқасидан диалектик чиқариш билан алмаштиришни истаб қолди. Буни у илгари «Софиста»да қилишга ҳаракат қилиб кўрган эди. Бироқ у ерда борлиқ ва йўқлик диалектикаси энг юксак умумлаштириш даражасига етказилмаганди; ўзининг беш тоифали структурасини барпо этгач, у барибир единораздельного??? борлиқ доирасида қоларди ва ҳар қандай алоҳидалиқдан юқори бўлган соф борлиққа аниқ етиб келмаганди.

7) Лекин агар моддий нарсалар алоҳидалиги, Афлотунга кўра, уларнинг ғоялари оқибатлари билан боғлиқ бўлган бўлса, ғояларнинг ўзини ўрганиш шундан далолат берардики, улар ҳам алоҳида бўлган ва, шундай экан, ўзи учун қандайдир олий бир тамойил талаб қилган. Барча мавжуд нарсалар, ҳам идеал, ҳам моддий нарсалар гўёки битта нуқтада марказлашган ушбу олий тамойил Афлотун энг бошида гапириб ўтган олий борлиқ ягона нарсадир. Бусиз ғоя келтириб чиқарувчи модель бўла олмаган ва Афлотуннинг объектив идеализми ўзининг онтологик-диалектик яқунига эга бўлмаган бўларди.

Шундай қилиб, агар ягона нарса ва бошқа нарса диалектикасини ўйлаб охирига етказадиган бўлсак, айтиш жоизки, унинг мазмуни янада юқорироқ тамойилга эга бўлган моделни келтириб чиқариш ҳақида ва у моделлаштирадиган моделни келтириб чиқариш ҳақида қоидадан иборат.

«Филеб» модели оқибатлар ҳақида ушбу таълимотни аниқлаштиради, холос.

Тадқиқотчилар орасида «Парменид» суҳбати бўлиб ўтган сана ҳақида яқдил бир фикр йўқ. Сукротнинг «Теэтет» даги ёшлик пайтларида қария Парменид билан учрашуви ҳақидаги сўзлари айрим ўқувчиларни «Парменид»ни Афлотуннинг илк асарларидан бири деб ҳисоблашга мажбур қилади; бошқалар эса, Сукротнинг суҳбатлари мавзуларини ички ривожлантиришга асосланган ҳолда

уни кечки ва етук асарлардан бири деб ҳисоблайдилар.

Ўз структурасига кўра, «Парменид» муқаддима ва уч қисмдан иборат бўлиб, бунда иккинчи ва учинчи қисм ўртасида ўзига хос интермедия бор. Парменид, Зенон, Сукрот ва Арасту ўртасидаги суҳбат Кеваль деган одам томонидан ўз дўстларига ҳикоя қилиб берилади, шу сабабдан ҳам суҳбат «ҳикоя қилиб берилган» деб номланади; бироқ, Афлотунда ҳар доим бўлгани каби, ҳикоячи сояда қолиб кетди ва бир нечта файласуф ўртасида жонли сўзлашув тўлиқ иллюзияси пайдо бўлади.

Муқаддима қисмида Клазоменлик Кефал (унинг «Давлат»да келтирилган, нотик Лисийнинг отаси Кефал билан ҳеч қандай алоқаси йўқ) ўз ҳамсуҳбатларига дўстлари билан Афинага дўстлари билан бирга келгани ҳамда Адимант ва Главкон билан учрашуви ҳақида сўзлаб беради. Клазоменликлар Антифонт (Главкон, Адимант ва Афлотуннинг бир онадан туғилган акаси; қ.: т. 1, Хармид, изоҳ 17) Зеноннинг дўсти Пифодор билан яқин эканлигини ва узоқ йиллар аввал (449 й.) ундан Парменид, Сукрот ва Зеноннинг Афинадаги учрашуви ҳақида билишини эшитгандилар. Шунда клазоменликлар ва афиналиклар Антифонтнинг уйига борадилар ва у ўтмишда бўлиб ўтган, эндиликда Кефал томонидан учинчи кўллар орқали ўз тингловичларига баён қилинаётган суҳбатни Зеноннинг сўзларидан ҳикоя қилиб берган.

Суҳбатнинг марказидан файласуф Парменид ўрин олган (қ.: Теэтет, изоҳ 48 ва Софист, изоҳ 19). Биричи қисмда – Сукрот ва Зенон (қ.: т. 1, Алкивиад I, изоҳ 28) ўртасидаги суҳбат берилган. Зенон бу ерда Пармениднинг йўқлигида Сукрот ва унинг дўстлари Пифодорнинг уйига тинглаш учун келган ўз асарини ишонч билан ўқийдиган, шуҳрат чўққисидан бўлган, гулдай очилган қирқ ёшлардаги эркак сифатида тавсифланган. Иккинчи қисмда – Сукрот ва Пармениднинг суҳбати келтирилган. Сукрот бу ерда жуда ёш – эндигина 16 ёки 20 га кирганди. Парменид эса 65 ёшлардаги салобатли қария сифатида акс эттирилган (агар унинг таваллуд топган йили 514 йил атрофида, Кефал ҳикоя қилиб берган суҳбат бўлиб ўтган вақт эса 449 йил деб ҳисоблайдиган бўлсак; қ.: Теэтет, изоҳ 50).

Учинчи қисмда Парменид ва Арасту ўртасидаги суҳбат келтирилган. Бу ерда Арасту – Сукротдан ҳам ёшроқ бўлган

ўсмирдир. У ҳам, худди Теэтет ёки Антифонт каби, фалсафа ва диалектикага кўнгил берганди. «Парменид» матнида у кейинчалик 404 йил Афинада олигархлар тўнтаришидан сўнг ўттизта тирандан (Юнонистонда ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олган шахс) бири бўлгани кўрсатилган. Эҳтимол, Ксенофонт «Юнонистон тарихи»да Лисандр томонидан Лакедемонга Феррамен билан музокаралар ўтказиш учун юборилган «афиналик бадарға қилинган одам» деганда айнан уни ёдга олиб ўтгандир (112, 18; қ. шунингдек: т. 1, Менексен, изоҳ 37). Эҳтимол, Диоген Лаэртсийнинг сўзларига кўра, «давлат ишлари билан машғул бўлган», «суддаги нафис нутқлар» муаллифи бўлган Арастудир (V 35). Диоген ушбу Арастуни бу номга эга бўлган саккиз киши каторида айтиб ўтади. Диогеннинг рўйхатида биринчи бўлиб Афлотуннинг машҳур шогирди ва танқидчиси, иккинчи бўлиб – давлат арбоби, учинчи ўринда – «Илиада» шарҳловчиси, тўртинчи ўринда – Сукротнинг Панегирикига жавоб ёзган Сицилиялик нотик, бешинчи ўринда – Сократик Эсхининг шогирди, олтинчи ўринда – назм бўйича киренлик трактат муаллифи, еттинчи ўринда – жисмоний машқлар бўйича ёшларнинг машҳур мураббийси, саккизинчи ўринда эса – унчалик эътиборли бўлмаган грамматика мутахассиси туради. Бу рўйхатнинг ичида Афлотун суҳбатининг энг ишончли қатнашчиси иккинчи Арасту ҳисобланади, чунки Стагиритнинг ўзи 384 йил, яъни «Парменид» ҳаракатлари бўлиб ўтган вақтдан 65 йил ўтгач туғилган, Афлотун суҳбатни ёзиб олиш вақтида у атиги 16 ёш бўлган, гарчи қизиқарсиз бўлмасда, «Парменидда» ғоянинг мустақил равишда мавжуд бўлишига қарши эътирозлардан кейинчалик Афлотунни ва Сукротнинг шогирдлари бўлган мегарликларни ўхшаш позициялар учун танқид қилган файласуф Арасту ҳам фойдаланган (қ.: Метафизика I 9, 990a 33 — 991a 8, 991a 20 — 22, XIII 4, 1078b 32 — 1079b 10).

Пифодор, Исолохнинг ўғли (Алкивиадада ёдга олиб ўтилган, I 119a), — Афиналик бадавлат одамлардан бири, фалсафа ишқивози, Зенондан сабоқ олган ва унга олинган дарслар учун жуда катта пул — 100 мин. тўлаган. Худди бошқа бир бадавлат одам Каллийнинг (қ.: т. 1, Апология Сократа, изоҳ 11) уйида бўлгани каби, унинг уйида ҳам софистлар (софизм тарафдорлари) ва умуман, фалсафа ихлосмандлари йиғилиб турарди.

Афлотуннинг ўғай акаси (ёки укаси ☺) Антифонт ўзининг

фалсафага бўлган қизиқишларини тарк этган ҳамда отлар билимдони ва от пойгаси устаси сифатида шухрат қозонган.